



БИСМИЛЛОХИР—РАХМОНИР—РАХИМ

Хамд ангаким, зотига хамд ончаким, сазовордур, айтса бўлмас ва сано ангаким, эхсонига сано ончаким, ери бордур битса бўлмас. Зоти жамиъ камолат сифоти била мавсуф, сифотидин мажмуъи камолот кашф ахлига макшуф. Танзиhi тил шарх килурдин мубарро, такдиси эл васф этардин муарро. Азамати богида сипехри даввор бир нилуфардин кам ва кудрати оллида нужуми собита ва сайёра ул нилуфар юзида бир неча катраи шабнам. Нилуфар юзига шабнам сочкучи хам ул ва шабнам суйидин нилуфарзор, балки гулистони Эрам очгучи хам ул. Бениёзлиги жанбида чархи нигун бир гадои, ниёзманд ва чорасозлиги оллида дахри букаламун бир бечораи ажзпайванд. Вужуди мулохазасида офариниш вужуди номавжуд, зоти мутолаасида аввалин ва охирин буди нобуд. Хони эхсони теграсида олий шон шохлар ризкка сойил ва илми бепоёни таакулида олий макон огохлар жахлга койил. Каххорлиги сарсари учурурга собит ва сайёр, настараннинг сочилгон яфроглари жабборлиги кюни совурурга дахри гаддор. Байт ул—хазаннинг тўкулгон туфроглари йўкни бор килмок ва борни йўк килмок анинг кудратига осон, бору йўк ва йўку бор анинг эхсонидин умидвор ва кахридин харосон. Бир овуч туфрогни малакут хайлида хилофат тахтига ўлтурмок анга ярашур ва

йиллар малоикаи муқаррабинга пешволик килгоннинг бўйнига лаънат тавки ул солур.

Китъа:

Кодиреким, кудратидин мунча юз амри гариб,
Бўлса хар соатда мавжуд андин эрмастур ажаб,
Ўн секиз минг оламу одам яратиб, айламак
Бир кишини офариниш дафтаридин мунтахаб.

Ул кила олур анга келди мусаллам бу умур,
Гар ўзи эрди мусаббаб, лек бу бўлди сабаб.

Ва дуруди номаъдуд ул махбуби окибат Махмудгаким¹, хак таоло анга курб ва манзилат бердиким, олам ва одам вужудидин максуд анинг вужуди эрди. Хужаста тийнати рухи покдин тохир ва фархунда хилкати аносир таркибидин пок эркани зоҳир. Аносирининг² ели Масих³ анфоси ва туфроги Яъқуб⁴ кўзининг тўтиёси ва суйи Хизр⁵ чашмасининг зулоли ва ўти калим дарахтининг нори иштиёоли. Бу аносирни рухи пок деса ери бор ва рухига рухи фидок демак сазовор. Тойири сидранишин Бурокиб баркгоми ва сойири. Рух ул—аминнинг⁷ улви хироми. Афлок шабистони юзи бахоридин гулшан ва малоики уюни рахши губоридин равшан. Каломи шаънида «Маянтику инал хавй»⁸ ва нутки баёнида «ин хува илло вахюн юхо»⁹. Асрори илохига зоти амин ва иноят номутанохидин оти «рахмат ул—оламин»¹⁰.

Маснавий:

Ики гисуси ики лайлат ул—кадр,
Бу янглиг ики лайл ичра юзи бадр,
Лайлу бадр ўлуб шамъи шабистон,
Узоридин хўй анда кавкабистон.
Бу кавкаблардин айлаб тенгри мавжуд,
Нубувват маъшарига дурри максуд.
Нубувват спехрида куёш эркони маълум,
Мусохиблар шаънида асхоби каниужум¹¹.

(Саловати Оллохи алайхи ва ало олихи ва асхобиhi ало явмиддини)¹².

Аmmo баъд: фукаронинг гадои ва гароиб мастураларининг чехракушони ал—факир ул—хакир Алишер ал—мулаккаб бин—Навоий (гаффара зунубихи ва саттара айюбихи)¹³ мундок арз килур ва адосин ўзига фарз билурким, бу хоксори паришон рўзгор шабоб авонининг бидоятидин кухулат замонининг ниhoятигача даврон вокеотидин ва сипехри гардон ходисотидин ва дахри фитнангиз букаламунлугидин ва замонаи рангомиз гуногунлигидин муддати мадид ва аҳди баид хар навъ шик ва суратда акдом урдум ва хар тавр сулук ва кисватда югурдум ва ўзумнн яхши—ямон хизмат ва сухбатига еткурдим. Гох мазаллат ва ано вайронида шеван кўргуздум ва гох иззат гино бўстонида анжуман туздум.

М а с н а в н и й:

Гахе топдим фалакдин нотавонлиг,
Гохе кўрдим замондин комронлиг,
Басе иссиг, совуг кўрдўм замонда,
Басе аччиг, чучук тоттим жахонда.

Ифлос ва нотавонлиг хангомида, яъни фалокат ва номуродлиг айёмида гох илм мадорисида сафи ниолда ер туттум, гох уламо мажлисида илм нуридин кўнгулни ёруттум. Гох аткиё масожидида алар қадами етган ерга юз кўйдум ва сажда касратидин манглайим терисини сўйдум. Ва гох сафо хонакохи ахли ибрикига сув куймок била аржуманд бўлдум ва гох фано дайри хайли сабукашлигидин сарбаланд бўлдум. Ва гох лаимлар олида хорлиг ва гох арзоллар олида беътиборлиг кўрдум. Ва гох ишк кўйида бебоклик ва одамийкуш паричехраларга халоклик даст берди. Ва гох жунун махалласида арзол бўйнулумга силлий урдилар ва атфол бошимга тош ёгдурдилар ва гох шахрим эли ситамидин гурбатка туштум ва гариб халойикка кўшулдум ва ковуштум. Ва жибол куллеси оромгохим бўлди ва гох сахро этоги панохим бўлди. Ва гох гурбатда алил ва гариб элга залил бўлдум. Гох бу шиддатлардин азми ватан килдим. Ва гох азизлар хизматидин ўзумни бахраманд ва сўзумни дилписанд ва аржуманд топтим.

Р у б о и й:

Гардун гах манга жафоу дунлук килди,
Бахтим киби хар ишта забунлук килди,

Гах ком сари рахнамунлук килди,
Алкисса: басе букаламунлук килди.

Аммо шугл ва комронлик чогида ва кўнгул мулки халк хужуми булгогида ва гох аморат маснадида ўлтурдум ва хукм ва ҳукумат махкамасида додхох сўрдум ва гох подшоҳ наёбатида тараккуб туздум ва наззорагар элга ўзумни комрон кўргуздум. Ва гох макрумат айвонини макон килдим ва акобир ва ашрофни таъзим юзидин мехмон килдим. Ва гох нишот богида базм тархи солдим ва сокий ва мутриб базму симоидин бахра олдим. Ва гох салотни мухолафатларида арога кирдим ва мунозаатларин мувофакатга қарор бердим. Гох харб маъракасига ўзумни солдим, ва жахл ва нодонлик тухматин бўйнулумга олдим. Ва гох хайрот ахлига ўзумни коттим ва хар навъ хайр букъалари тузаттим, андоки, саъиймдин работлар бўлди ва андин мусофирларга нишотлар бўлди.

Б а й т:

Димогима тушубон кўп тасавуру пиндор,
Ўзумни жоху улуглукка айладим изхор.

Бў мукаддимотдин максад буқим, хар кўй ва кўчада югурубмен ва олам ахлидин хар навъ элга ўзумни еткурубмен ва яхши—ёмоннинг афъолин билибмен ва ямону яхши хислатларин тажриба килибмен. Хайр ва шаръдин нўш ва ниш кўксумга етибдур ва лаим ва карим захм ва мархамин кўнглум дарк этибдур. Ва замон ахлидин баёзи асхоб ва даврон хайлидин баъзи ахбобки, бу холлардин хабарсиз ва кўнгуллари бу хайр ва

шаррдин асарсиздур.

К и т ъ а:

Не билгай ул кишиким, шахду майни тотмайдур
Ки, васлу хажр киби ул чучук дурур, бу ачиг.
Билур залил мусофирки, пўя айларда,
Куму тўзонг юмшоғ, тогу хорадур катиг.

Бу навъ асхоб ва ахбобга интибох килмок ва аларни бу навъ холатдин огох килмок
вожиб кўрундики, хар тоифа хисолидин вукуфлари ва хар табака ахволидин шуурлари
бўлганки, муносиб эл хизматига шитоб килгайлар ва номуносиб эл сухбатидин ижтиноб
вожиб билгайлар ва бори эл била махфий розларин сўзлашгайлар ва шаётин ва инс
макру фирибдин бозий емагайлар. Ва хар навъ эл сухбат ва хусусиятики, аларга
хавас бўлгай, бу факирнинг тажрибаси аларга бас бўлгай.

Чун бу маколатнинг кулубга махбублуги маълум бўлди, анга «Махбуб ул—кулуб» от
кўюлди. Ва бу битилган фавоиднинг кайфияти чун билилди, ани уч кисм килинди.

Аввалги кисм: соир ун—носнинг афъол ва ахволининг кайфияти¹⁴.

Иккинчи кисм: хамида афъол ва замима хисол хосияти¹⁵.

Учинчи кисм: мутафаррика фавоид ва амсол сурати¹⁶.

Умид улким, ўкугувчилар диққат ва эътибор кўзи била назар солгайлар ва хар кайси ўз
фахму идрокларига кўра бахра олгайлар, битгучига хам бир дуо била бахра еткургайлар
ва руhini ул дуо футухи била севундургайлар.

Аввалги кисм

ХАЛОЙИК АХВОЛ ВА АФЪОЛ ВА АКВОЛИНИНГ КАЙФИЯТИ

Ул кирк фаслдур

Б и р и н ч и ф а с л

ОДИЛ САЛОТИН ЗИКРИДА

Одилу окил подшоҳ ибодуллохга зиллуллох. Хилофат мулки анинг фармонида «инни
жоилун фил арз халифа»¹нинг шаънида. Буким одил подшоҳ таърифдин бийикрок эрур
«валадат физ—замон ас—султон ул—одил²» андин хабар берур. Улки анинг зоти била
мубохидур хожаи кавнайн³ дебдурким, «адли соат хабара мин ибодат ул—саклин»⁴.

Одил подшоҳ хакдин халойикка рахматдур ва мамоликка мужиби амният ва рафоҳият.
Куёш била абри бахордек кора туфрогдин гуллар очар ва мулк ахли бошига олтун била
дурлар сочар. Фукаро ва нотавонлар анинг рифк ва мадоросидин осуда, залама ва
авонлар анинг тиги сиёсатидин фарсуда. Хиросатидин кўю кўзи бўри хавфидин эмин ва
сиёсатидин мусофир кўнгли карокчи вахмидин мутмаин. Рифъатидин хар мактабда
атфол гавгоси ва мухофазатидин зуафо хаммомида аларнинг алолоси, хайбатидин
йўллар карокчидин холи ва кўллар тўла улус моли ва забтидин амалдорлар калами синук
ва ситамкорлар алами йикук. Жиддидин масожид жамоат ахлидин мамлу ва мадорис

бахс ва жадал хайлидин гулув. Кисоси тигидин ўгри илги эл молидин кўтох, интикоми биймидин котиъ тарик холи адам биёбонида табох. Туннинг кўпи дўконларда савдо учун шамъ ва авбош кўча гаштидин кўнгуллари жамъ. Шомдин то сахар хонакохлар эшиги очук ва хилватлар ибодат нуридин ёрук. Шахрда кўйлар посбони ул, ёзида кўйлар шубони ул. Раийятга саро ва бог андин маъмур ва сипохига ком ва фарог андин мавфур.

Андин кечалар атрок зуафоси иши ўргуштак ва атфол варзиши ок сўнгат. Ажузлар чарх уни мадди била анинг дуосига нагмасоз ва канизаклар момук сабамок уни била анинг олқишига нагмапардоз. Фукаро иши анга хам дуо ва хам нозиш, анинг даъби фукарога хам сахо ва хам навозиш.

Очлар гизоси базл ва атоси хонидин, ялангочлар либоси хизонаи лутф ва эхсонидин. Мулк богин маъмур килурга абри сероб ва мулк ахли кўзин ёрутурга мехри жахонтоб. Ўзга мулкнинг раоё ва халки анинг орзусида ва яна кишвар мазлумлари анинг адли дуоси гуфтигўсида. Яхши отига уламо иши расоил тартиби ва яхши сифотига шуаро варзиши касойид таркиби, муганнийлар иштиголи саноси учун суруд тузмак ва мусаннифлар маколи дуоси охангида нагма кўргузмак. Халк ризосидин хак ризосига толиб ва додхох сўрарда сўруг куни ваҳми кўнглига голиб.

М а с н а в и й:

Улус подшохию дарвешваш,
Анга шохликдин келиб фақр хаш,

Жахондорларга сипехр интибох,
Валий ахли фақр олида хоки рох,

Жахон мулки олинда хошокча,
Вале бир кўнгул мулки афлокча.

Бори бенаволар навосози ул,
Хамул навъким, Шох Абулгозиб ул,

Келиб айни инсону инсони айн,
Жахон вориси Шох Султон Хусайн

Ки, то бўлса гардунга давворлик,
Анга бокий ўлсун жахондорлик.

Халойикка бу шахдин ўлсун нишот,
Даме бўлмасун холи андин бисот.

И к к и н ч и ф а с л

ИСЛОМПАНОХ БЕКЛАР ЗИКРИДА

Мундок шохга мусулмон бек набий хизматида тўрт ёрдин биридек. Номуродларнинг

панохи ва подшоҳнинг давлатхохи. Шохга дунёда чин сўз дегувчи ва анинг охирати гамин егувчи. Ёмонлар андин харосон ва яхшилар душворлиги осон. Эл моли тамаъи кўнглида нобуд ва аёли хаёли замирида номавжуд. Муроди раоё амнияти ва максуди бароё жамъияти. Ул мусулмонларга ризоҷўй ва мусулмонлар анга дуогўй. Ўзининг зоти тузук ва саъйи шох эшигида тузуклук.

Шох эшиги мундок бекдин холи бўлмасун ва давлатнинг андин ўзга интиколи бўлмасун.

У ч и н ч и ф а с л

НОМУНОСИБ НОИБЛАР ЗИКРИДА

Ёлгончи худнамо ноиб нисбати мусалламаи каззоб миллати, нубувват тухматин ўзига солгон ва Жаброилб ваҳидин дегони бори ёлгон. Мунга хам шох хусусияти изхори гайри вокеъ ёлгон бори. Ёлгон хукм еткурурига боис тамаъи шум ва ўтрук парвона еткурурига сабаб хирси мазлум. Нима олурда ёлгон анга чин ўрнига ва мусулмонларга нуксон анга дин ўрнига, ёлгон борида анга чин демаки махол ва ришват олурда ўзга сўз деб, аммо кўнглида ўзга хаёл. Мундок ноибки, бир бўлмаган феълию кавли, шох эшигининг гум бўлгони авли.

Т ў р т н ч и ф а с л

ЗОЛИМ ВА ЖОХИЛ ВА ФОСИК ПОДШОХЛАР ЗИКРИДА

Одил подшоҳ кўзгу ва бу анинг учасидур. Ул ёрук, субх, бу анинг коронгу кечасидур. Зулм анинг кўнглига марғуб ва фиск анинг хотирига махбуб. Мулк бузуглигининг замирига жамъият ва улус паришонлигининг хотирига амният. Ободлар анинг зулмининг вайрона, кабутар тоқчалари бойкушга ошиёна. Бода сели чун базмида тўгён килиб, ул сел мулк маъмураларин вайрон килиб. Сувчи хонасига фарш масжид равоки тўқулгонидин ва кўплари бошига хишт меҳроб токи ерулгонидин. Агар кон тўкмак анга пеша, кимки жони бор анга андеша. Агар шурбга машъуф — кўй ва кўча мусулмонларга махуф. Агар фосик бўлса ва бад, афъол — эл ирзи ва аёлига андин бийму накол. Ва ситезарўй бўлса ва худрой мушфик Навоий жонига вой!

Ўз ношойисти ўз олида хўб ва эл маъкули анга мардуд ва маъюб. Кўп хизмат оз сахв била олида нобуд ва кўп ҳақ ва рост оз хато била илайида номавжуд. Хато ройи ўнг келмаса, дахлсизларга ширкат, балки нақиз тутконларга зиёда тухмат. Носавоб хаёли туз чикмаса, ширкати йўқларга итоб ва балки хабари йўқларга арода азоб. Хаёт суйин огу деса, мусаллам тутмогон гунаҳкор ва куёш нурин коронгу деса, тахсин килмогон тийра рўзгор.

Ўз жонибидин катранинг дарёча хурмати ва зарранинг байзача киймати. Эл тарафидин моли олам бир кора пулдин кам ва фидо килгон жони азиз, онча йўқким, бир пашиз. Кора кузгунни ок туйгун деса, козни яхши олур демаган мукассир. Ёрук кунни тийра тун деса, сухо кўрунадур демаган мудбир.

Чин дер элга — жон хатарини, хайрга далолат килгувчига ўлум зарари. Ҳақ анинг қошида ботил, хирадманд анинг ақидасида жохил.

Элдин кўнглида кийнаси — махфий хазинасининг дафинаси. Катл учун жон бермак шиори, эл молу жонига қасд — шикори.

Бу ёмон подшоҳки, бўлгай вазири ҳам ёмон, андоқки, Фиръавн наёбатида Хомон⁷.

Б а й т:

Уйлаким шох морга бўлгай мумид ҳам жаъфарий,
Ё вабойи халкка тоун ҳам ўлгай бир сари.

Тенгри мундок балоларни адам чоҳидин вужуд тахтгоҳига келтурмасун ва йўқлук зиндонидин борлиг шахристонига еткурмасун.

Б е ш и и ч и ф а с л

ВУЗАРО ЗИКРИДА

Вазир визрдин муштакдур ва бу феъл анинг зотига аҳак ва аляқдур. Бу ишни писандида килгон Осаф⁸ эрмишким, нигини накши «кад раҳималлоху ман ин—сафа»⁹ эрмиш. Хамоноки, Осаф борди, инсофин олиб борди ва инсоф гавхарин бу ноинсофлар орасидин чикорди. Киши агарчи ўзин елдек хар ён солгай, Осафни бу ҳокдонда кайда топа олгай. Даҳр элида бировки Осаф ниҳоддур, билгайким, Сулаймон тахти барбоддур. Бу золимлар — мулкни барбод бергувчилардур ва мулк аҳли йигиштургонларин битиргувчилардур. Авло улким, булар зикрида киши хома сурмаган ва бу хомадек кора юзлуклар отин калам тилига келтурмагай. Заҳр бериб бемор ўлтургувчи табиб, буларнинг холига мушобехдур ва қариб.

Бу икки хайлдин хар бири бир афъи, шохга вожибдур буларнииг дафъи. Булар, жумласи чиёнлар, халойикка еткурур зиёнлар. Килклари нўги акраб ниши, раият жонига ул ниш ташвиши. Неча бу ниш мазлумларга санчилгай, умид улки, бошлари ажал тоши била янчилгай.

М а с н а в и й:

Булардин гар аъло гар адно дурур
Ким, андин халойикка изо дурур.
Шах ўлтурмас авлодур ул элни бот
Ки, дебдур набий «иктилсо алмуъзият»¹⁰

О л т и и ч и ф а с л

НОКОБИЛ САДРЛАР ЗИКРИДА

Бедиёнат судур бидъати саййиадур било-зарур. Бу нокас агар омийдур фиску фужур анинг комидур. Мажлисида нагманавозлик илм ва такво азосига — навхасозлик. Уламо келтурган гулоб шишаларики холи қолиб, бода солурга ани мулозимлари олиб. Бу келтурган набот газак учун ушалиб, вазифа ваҳхлари ўзга асбоб учун сайголиб Бадқирдор анда галаба ва пойкор анда талаба. Навқарларига ош хонакоҳ ротибасидин ва чухраларига маош шайх ва мударрис вазифасидин. Базмига май келтургали мухтасиб рози ва майга бодаполо риши кози, кишварки, анда манохий мундок бехисоб бўлгай,

ислом ва шариатга не иззат ва не хисоб бўлгай.

Садр керак уламога дастёр бўлса ва машойихка коргузор ва хизматкор ва содотга мумид ва фукаро хизматида мужид. Зулм риштасин узгувчи ва авкоф бузугин тузгувчи ва зироат касратида саъй кўргузгувчи.

Маснавий:

Йўк улким фосику хаммору зукка
Ки, бузгай гарчи бўлгай хожа дукка.
Рикоби накши кимсонлиг саросар
Тўнида ортик ондин зебу зевар.

Китъа:

Кераки бошига кўйса алокалик дастор,
Яна ридо хам анинг эгнида маволийдек.

Йўк улки, маркаби бўйнига боглаб осса кўтос,
Осилгай ўзининг ўз бўғзидин саколидек.

Е т т и н ч и ф а с л

ФОСИК ВА БАДМАОШ, БАХОДИРЛИК ЛОФИН УРГОНЛАР ЗИКРИДА

Шох эшигида ёрмокни зоеъ килгувчи жамоатким, алардин не тенгрига тоатдур ва не шахга итоат.

Тариклари — худнамолик ва расмлари — худоролик. Ишлари — мастлиг, варзишлари — худпарастлиг. Чин демаклари лоф, маънили сўзлари газоф. Журъакашлик — динлари ва кофирвашлик — ойинлари. Кўнгуллари тўбичок секретурдин ором топмок ва сўзлари бош яланг юзга чопмок Базмда даъволари Хотамлик¹¹, размда талошлари Рустамлик¹². Ўтагаларидин насри тойирга рам, найзаларидин симоки ромих юзи дархам. Таврларидин ошуфтарок аларга дастор ва дастор алокасидин учаларида озор.

Мулк душмани дафъи шухратлари, шохга мулк асрар миннатлари. Бу даъво бошига етгунча нечасини май ўлтуруб, нечасини ўзга фикс дўзахга еткуруб. Юздин бирики маъракага етиб, йўрток чопиш билан ўзин зоеъ этиб. Мубориз афганликлари ўз холига, сафшиканликлари ўз ясолига. Бу навъ баходир хеч маъракада бўлмасун ва хеч саф бузарда анинг кони тўкулмасин. Шохга сипох-дарвишлар дуосидур — фукаро химмати ва тенгри ризосидур. Шохким, анга хак инояти сипох бўлгай, ливосининг зийнати наср мин Оллох бўлгай. Шохга то давлат бор —душман эрур хор ва хоксор. Давлатга еткурғувчи тенгри, хам олгувчи, хам бергувчи тенгри. Ул берса, киши ола олмас, ул еткурса, киши йирок сола олмас. Шохки, хак амрин бажо келтургай, бу давлат кўп хавфларга ражо еткургай.

Китъа:

Шахеки, сидки анинг тенгри бирла туз бўлгай,
Не гам адувси анинг бир йўк эрса юз бўлгай.
Кишига тенгри берур фатх йўкки, хайлу сипох,
Пас эътимод анга айламас не сўз бўлгай.

Б а й т:

Черик бўлса ва бўлмаса бахтиёр,
Сипахга адув хайлинннг хукми бор.

С е к к и з и н ч и ф а с л

ЯСОВУЛ ГУРУХИ ЗИКРИДА

Ясовул, бир мазлум иши кейинча боргай ва ул мазлумни золимдин куткоргай. Агар музд тиламаги мақдурдин ортуқрокдур, ул золимга улугрок ўртоқдур. Агар саъйига яраша олур хаёли бўлгай, ота мероси ва она сутидек халоли бўлгай. Ва агар тамаъи хакк ус—саъйидин камдур, эрлик ва мурувват анга мусалламдур. Ва агар саъй килгай ва олмагай, муздким анга хакдур, ани деса бўлгайким, валийи мутлакдур.
Кўп эранлар бу ишни шиор этибдурлар ва бу сулук била макосидга етибдурлар.

М а с н а в и й:

Авлиёуллоҳки, хар суратда бор,
Баъзи этмиш бу равишни ихтиёр,
Чун эрурлар куббалар ичра нихон,
Хакдин ўзга кимсага эрмас аён.

Т ў к к у з и и ч и ф а с л

ЯСОГЛИК ВА КОРА ЧЕРИК ЗИКРИДА

Ясоглик деган кора черик, яъжуж ва маъжуж хайлига шерик. Эмгакдин аларга ором йўк, ясок тортардин бир нафас ком йўк. Ишлари талай олгонни таламок, ёт юртда чугурткадек сабза ва яфрогни яламок.

Инсонлик била алар орасида мубоянат, мусулмонлик била алар ўртасида мунозаат. Фахму идрокдин алар зоти орий, аклу инсофсиз биззот бори. Каёнгаким юзландилар, аларга ёнмок йўк, кеча ва кундуз тагофул уйкусидин уйгонмок йўк. Исиг ва совук танларига тафовут килмай, очлиг ва ялангочлик зарарини жисмлари билмай. Одамийсизликда махлукотдин мумтоз, хайвонликлари кўпу мардумликлари оз.

Р у б о и й:

Ул кавмдин аъжуба халойик бўлмас
Ким, меъдалари харом ердин тўлмас.
Ўлгунча бало чекиб эрурлар мавжуд,

Чин бўлди бу даъвоки, ясоглик ўлмас.

Турфа буким, чун хакнинг хар навъ элга инояти пинхони бор, булар орасида хам яшурун эранларнинг имкони бор. Ўрду бозори ўзин ясогликка котгувчи, ўнгай хам улуш олмай огир сотгувчи. Черик улушидин хар бор алар шаталхор, андокким мулк ахлидин амалдор.

Б а й т:

Сипохий молин ул хайли табохи,
Туну кун муфт олиб хохи нахохи.

Мумкин йўкким, одамизод аларга сазо бергай, магар тенгри аларга бало бирла жазо бергай.

Ў н у н ч и ф а с л

ШОХ УЛУСИ ЎЗИГА МУШОБИХ БЎЛУР ЗИКРИДА

Шохга хар кимки, мулозим ва тобиъ бўлгай, иши ва таври шох ишига мушобих вокеъ бўлгай. Агар шохга адолат шиор, улуси шиорида хам адолатдин осор. Агар зулмпеша — элида хам зулмидин андиша. Агар ул исломийин, халк шиори хам ислом била дин. Агар ул куфрхисол — элга доги куфр тарийки афъол. Хукамо шохни дебдурлар: дарёи заххор ва кавму хайлин дарё теграсидаги анхор. Дарё суйига не кайфият ва не хосият, анхорга хам ул кайфият ва хосият. Ул аччиг — бу аччиг; ул чучук — бу чучук; ул тийра — бу тийра; ул сузук — бу сузук.

М а с н а в и й:

Аригларки, ул бахрдин айрилур,
Биликлик аларнинг суйин хам билур,
Чу бирдур сув дарё била нахр аро,
Эмас таъмида хожати можаро.

Ў н б и р и н ч и ф а с л

ШАЙХ УЛ—ИСЛОМ ЗИКРИДА

Шайх ул—ислом мусулмонлар пешвосидин иборатдур ва ислом муктадосида ишоратдур. Мундок киши олиме керак исломпанох ва орифе керак мукарраби даргох, хирадманди шариатшиор ва факрга хурсанд ва тарикатосор. Яхши—ямон шафкати файзи ом ва улуг-кичикка иршоди нафъи молакалом. Коми бўлгай шаръ конунига росих ва барча мубтадеълар бидъатига носих. Ангаким, бу навъ бўлгай ойини ислом шайх ул—ислом деса бўлур вассалом.

Б а й т:

Мундин ўлди мукарраби борий,
Шайх ул—ислом пири Ансорий.

Ў н и к к и н ч и ф а с л

КУЗОТ ЗИКРИДА

Кози ислом биносига аркондур ва мусулмонлар хайр ва шаррига нофизи фармондур. Улуми диниядин кўнгли мулки маъмур керак ва якиний фаросатдин хотири жамъияти бефутур. Майли шахсий замири кишваридин мутаворий ва мудохана таррори мулояматидин соф кўнгли орий. Махкамаси махзани улуму шаръия ва ҳукм килурида ошною бегона анга алас—савия¹³. Илму таквосидин кўнгулларда шукух ва диккат, фаросатидин бедиеънатлар кўнглида андух. Кўнгли Каломуллох ахкомидин кавий ва ҳукмида муктадо аходиси мустафавий.

Шаръий хийлалар гирихидин кўнгли очук, фукахо тазвирлари тийралигидин замири ёрук. Ришвахўр муфтилар — кошида манкуб ва хийлакор вакиллар — олида маъюб. Омий козики май ичкай — ўлтургулукдур ва дўзах ўтига етмасдин бурун куйдургулукдур. Козийи ришвахўр—ислом хисорига рахнагар. Улки ришват бериб казо ола олгай, ришват олиб ҳам шаръни буза олгай. Козий керакким, жодаи шаръдин кадам чикармагай ва сироти мустакимдин ташкари бормагай. Мустаким хат хар каёнким, майл килди эгри бўлди. Соз торидекким, эътидолдин тажовуз килди, тузуки бузулди. Улки ҳукми эл моли ва жонига жорий бўлгай, керакким, даъби мукмир шиори бўлгай. Аёгиким, сироти мустакимдин тойилди ва ял чохи тубин маком килди. Бу ишни ўзи килурмен деган бебоку козиб, козиби бебокка пайгамбар шаръи хокимлигига не муносиб.

Китъа:

Мухбири содик шахеки килди дину шаръни,
Бори адён носехи андоки, мумкин эрди туз.
Козиб ул йўлни нечук тузгайки, бир каззоб ҳам,
Килди кўп даъво, вали кўйди жаханнам сори юз.

Ў н у ч у н ч и ф а с л

МУФТИЙИ ФАКИХЛАР ЗИКРИДА

Муфтийи факихе керак мутадаийин ва олиме керак мўъмин, ислом илмида мохир ва диёнат нури жабинида зохир. Майлдин кўнгли бекусур ва хийладин замири бефутур. Калами ривоётда содик, раками мужтахид сўзи била мувофик; йўкки фосике бўлгай майхор ва жохиле бўлгай бадкирдор ва гаддор. Бир дирам учун юз хакни нохак этгувчи ва оз карам учун кўп «ло»ни «наам»¹⁴ битгувчи. Бир сабат узум учун бир богни куйдурмакдин гами йўк ва бир ботмон бугдой учун хирмонни совурмокдин алами йўк. Муфтиеки, хийла била фатво тузар калами нўги била шарият юзин бузар. Музд учун сийм олибки, молига котар динини дунёга сотар. Мундок муфти одамийкуш табибдур, бирига ислом катли, бирига мусулмонлар катли насибдур.

Рубоий:

Муфтиким, ишига музд олиб килса ракам,
Музд ортук эса, майл керак килгай кам,
Фатвода чу бўлди музд учун «ло» ву «наам».
Килмок керак ул каламзаи илгини калам.

Ў н т ў р т и н ч и ф а с л

МУДАРРИСЛАР ЗИКРИДА

Мударриснинг керакки, гарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтурга муртакиб бўлмаса ва худномолиг учун дарс хавзасин тuzмаса ва худситонлиг учун такаллум ва гавго кўргузмаса. Жахлдин дастори улув ва алокаси узун бўлмаса ва мубохат учун мадраса айвони боши анга ўрун бўлмаса. Диний улум билса ва якиний масоил таълим килса. Бебокликлардин харосон ва нопокликлардин гурезон бўлса, йўкки ўзин олим билгай неча мажхулга анвои фискни мубох, балки халол килгай, килмас ишларни килмок андин маълум бўлгай ва килур ишлар тарки андин коида ва русум бўлгай. Бу мударрис эмасдурким, мултадеъдур ва мундок киши сухбати ислом мумтанеъдур.

Олим керакким, мутакий бўлса ва огох ва айтурга кола Аллох, кола Расуллох.

Китъа:

Хар не айтур бўлса Худову Расулдин
Андин сўнг ўлса мужтахиду авлиё сўзи.
Андин киши не ким эшитур ва ёки ўрганур бўлса,
Худо сўзи йўк эса, Мустафо сўзи.

Ў н б е ш и н ч и ф а с л

АТИББО ЗИКРИДА

Табибга ўз фанида хазокат керак ва беморлар холига шафкат ва мархамат керак. Ва нафси тибга таъи мулойим ва хукамо кавлига пайрав ва мулозим. Сўзида рифку дилжўйлук ва ўзида озарму хушхўйлук.

Хозик табибки шафкати бўлгай — Инсои Рухуллохга¹⁵ нисбати бўлгай. Исо иши чиккон жонни танга кивурмак дуо била, мунунг тандин чикадургон жонга монeъ бўлмок даво била.

Мундок табибнинг юзи мариз кўнглига махбубдур ва сўзи бемор жонига маргубдур. Дами алилларга даво ва кадами хасталарга шифо. Хизри нажот анинг талъати ва оби хаёт анинг шарбати.

Агар фанида мохир бўлса, аммо бадхўй ва бепарво ва дуруштгўй, маризга, агарчи, бир жонибдин илож еткурур, аммо неча жонибдин тагйири мижоз еткурур ва лекин омий табибким, эрур шогирди жаллод, ул тиг била, бу захр била килгувчи бедод. Ул мундин яхширокдур. Беиштибохким, анинг катили гунахкордур ва мунунг — бегунахи, хеч гунахкор, анга залил бўлмасун ва хеч бегунах мунга алил бўлмасун.

Б а й т:

Хозик табиби хушгўй тан ранжиги шифодур,
Омийю тунду бадхўй эл жонига балодур.

Ў н о л т и н ч и ф а с л

НАЗМ ГУЛИСТОНИНИНГ ХУШНАГМА КУШЛАРИ ЗИКРИДА

Ул неча табакадур: аввалги жамоат—нукуди кунузи маърифати илохийдин ганийлар ва халк таърифидин мустагнийлардур. Ишлари маоний хазоинидин маърифат жавхарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм термак. Назм адоси багоят аржуманд ва бенихоят шариф ва дилписанд ўлдуги учун оёти каломда нозил бор ва хадиси муъжиз низомда тилаган топар, чун маал — касд¹⁶ эмас, эл хурмати жихатидин ани шеър демас.

Аммо бу азиз кавминг пешво ва муктадоси ва бу шариф хайлнинг сардафтар ва сархайли валоят бахрининг гавхари ва каромат авжи мунир ахтари Амир ул—мўмин Али¹⁷ (рази аллоху анху ва каримуллоху ва важху)¹⁸ дурким, назм девонлари мавжуддур ва анда асрор ва нукат номаъдуд.

Бу мазхари ажойибка гурухеким тобеъдур, баъзини арз килолики, кимлар вокеъдур; форсий иборатда ул жумладин, нозими жавохири асрор Шайх Фаридуддин Аттордур¹⁹. Яна койили «Маснавийи маънавий», гаввоси бахри якин Мавлоно Жалолуддин, яъни Мавлавий Румийдурки²⁰, максадлари назмдин асрори илохий адоси ва маърифати номутонохий имлосидин ўзга йўктур.

Яна хам авлиёи огох ва машойих ва ахлуллох борким, буларга татаббуъ килибдурлар ва булар каломи адосин ва хакойики маъносин мустахсан билибдурлар. Бу хайлдур хакикат тарикининг суханвари, балки кимийёгари ва кибрити ахмари.

Яна бир жамоатдурларким, хакикат асрорига мажоз тарикин ахсул килибдурлар ва каломлари бу услубда марбут этибдурлар. Андоки, маоний ахлининг нуктапардози Шайх Муслихуддин Саъдий Шерозий²¹ ва ишк ахли гурухининг покбози ва покрави Амир Хусрав Дехлавий²², ва тасаввуф ва диккат мушкилотнинг гирихкушойи Шайх Захируддин Санойий²³ ва фариди ахли якин. Шайх Авхадуддин²⁴ ва маоний адосига Хофиз Шамсуддин Мухаммад ул—Хофиз²⁵.

Яна жамъе бордурларки, мажоз тарики адоси алар назмига голиб ва алар бу шевага кўпрак роғибдурлар. Андоки, Камол Исфохоний²⁶ ва Хоконий Шервоний²⁷ ва Хожуйи Кирмоний²⁸ ва Мавлоно Жалолуддин²⁹ ва Хожа Камол³⁰ ва Анварий³¹ ва Захир³², ва Абдулвосиъ³³ ва Асир³⁴ ва Салмон Соважий³⁵ ва Носир Бухорий³⁶ ва Котибий Нишопурий³⁷ ва Шохий Сабзаворий³⁸.

Яна хакикат ва мажоз тарийкида комил ва илми икаласи тарикида вофий ва шомил, назм ахлининг муктадо ва имоми хазрати шайхулислом Мавлоно нур ул миллати ва—а—дин Абдурахмон ал—Жомий (наввараллоху маркадаху ва куддиси сирраху)³⁹ дурким, аввалги табака равиши ва каломида хам шарифмакол ва сўнгги табаканинг хам адоси латойифида сохибкамолдурким, оламда завку хол ахли булар латойифи била масрурдурлар ва булар маорифи била хузур килурлар.

Яна адно табакаси жамоатедурларким, назм факат била кўнгуллар хушнуд ва хурсанд ва розию бахраманддурлар. Ва юз машаккат била бир байтким боғлаштургайлар, даъво овозасин етти фалақдин ошургайлар. Сўзларида не хакойик ва маориф нўшидин

халоват ва назмларида не шавк ва ишк ўтидин харорат. Не шоирона таркиблари ахсан ва не ошикона сўзу дардлари шуълаафган. Баъзидин агар гохи бирар яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ бўлур.

Агар бири бир нозук маънида писандида печ килур, аммо ўн онча нописанд даъво била ани ҳам ҳеч килур. Гўё ўзларига ақидада мувофикдурлар ва сўзларига эътиқодда муттафик. Турфарок буқим, ҳар бирининг сўзида маъно озрок ва ўзида даъво кўпроқ (наузу биллоҳи мин шурури анфусино ва мин сайёти аъмолино)40.

Рубоий:

Аълоларидур нединки дерсен аъло,
Аднолари ҳам барча данидин адно.
Авсатлариким, ҳеч нимага ярамас,
Билким, нафас урмамоқ алардин авло.

Ў н е т т и н ч и ф а с л

КОТИБЛАР ЗИКРИДА

Котиб шуаро сўзининг варакнигоридур ва сўз махзанининг хазонадори. Хозин хунари амонат бўлур ва тасарруфи хиёнат бўлур.

Аминки, хиёнатга мансуб бўлгай ва ўз хунарида маъюб бўлгай, андокнинг илги катъи хўб бўлгай. Яхши хат ва нуктадин сафҳага жамол, андоқки, яхши юз сафҳасига хатту хол. Хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагувчига осойиш еткарур. Роқимки, рақами ростдур, ростлар кўнглига қабулияти беҳост. Мухаррирки, тахрири туз писандидадур, агар бир байт битир, агар юз. Агар хат сурати нохушдур маъни хайли андин мушаввашдур.

Хушнавис ҳамким, саҳви кўп бўлгай илги фалаж иллатига жўб бўлгай. Улки, бежо нукта била «хабиб»ни «хабис» килгай ва «мухаббат»ни «мехнат» — анингдек хабиси мехнатзадага юз лаънат. Ямон хатга галати беҳисоб, каррийи масҳара соқолига хизоб. Ул хатни қирқиб мабразга ташлақоли яхши ва иясини молиқи дўзах жаханнамга бошлақоли.

Махбубдин мактубким, ҳам хати хўб бўлгай ва ҳам мазмуни хўбжонга улдур маргуб ва кўнгулга улдур матлуб. Хати ямон ҳам бўлса ямон эмас, муҳиб махбуб хатини ямон демас.

Ямон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи каро бўлсун.

Б а й т:

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул каро юзлуқ боши бўлсун қалам янглиг шикоф.

Ў н с а к к и з и н ч и ф а с л

ДАБИРИСТОН АХЛИ ЗИКРИДА

Мактабдор бегунох маъсумларга жафокор. Атфол азобига рогиб ва алар таъдибига муртакиб. Зоти бемадуро, димоги пўлод ва кўнгли хоро. Газабдин қошида чин, гунахсизлар била ойини хашу кин. Кўпрагида таъб гилзати ва тамаъ иллоти падидор ва акл киллатига гирифтор. Аммо тавсани атфол таъбини жафо била ром килгувчи, нохамвор сигор таврига сиёсат била андом бергувчи. Агарчи хўйлари дурушлукда намоёндуру, аммо атфол нохамворлиги ислохига ирик сухондуру.

Анинг иши одамдин келмас, кайси одамки, дев кила олмас, хар каттиг кишини бир тифл мухофазати ожиз этар, ул бир сурукка илм ва адаб ўргатгай, анга не етар. Онча борким, ул кавмнинг идроку фахми оз тушар, андок кишига юз мунча машаккат не бушар. Хар такдир била атфолга хакки кўпдуру, агар подшохлакка етса ва анга куллуку килса хўбдуру. Шогирд агар шайх улислому, агар козидуру, агар устод андин розидуру — тенгри розидуру.

Б а й т:

Хак йўлида ким сенга бир харф ўкутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг хакин юз ганж ила.

Ў н т ў к к у з у н ч и ф а с л

ИМОМЛАР ЗИКРИДА

Имомат килгувчи ўз кироатининг шефтасидуру ва ўз намозининг фирефтасидуру. Кишилиқдин хаёлида тасаввурулар ва яхшилиқдин замирида такаббурулар. Ўз намозин макбул тахайюлу килгон жамоат намози кабулиятини хам такаффулу килгон. Бийик кироати махзи раънолик ва аноният жамоатдин илгари чикмагай айни расволик ва нафсоният хаёли халкка пешволик ва тасавури элга муктадолик. Намозга имомат комил имом ишидуру ва ўзни мундок тасаввуф килгон жохил ва нотамом кишидуру. Имомат муносибдуру пирдин мурид хайлига тафхим учун ё муаллимдин суруки тифли норасидага таълим учун ё олимдин жуххолга шафкат учун, ё комилднн танобеъ ва иёлга тарбият учун. Одоби ибодат. талкинига камохи ва таълими шариат ойинига нокохи нокомдин муносибдуру, заруратдин тажвиз килса бўлуру. Аммо вазифа ва улуфа емак ва ўзин муктадо ва имом демак одамий иши эмас. Ва андок кишини одамийлар киши демас.

Китъа:

Валоят ахлига41 жамъи маломатига бок
Ки, халк кўзидин айлар намозини яширун.

Бу турфарокким, намозида муъжиби нодон,
Тутар имомат учун хайл кибласида ўрун.

Й и г и р м а н ч и ф а с л

МУКРИЙЛАР ЗИКРИДА

Муаззинеки, хак ибодатига нидо килгай, жон анга фидо, агар яхши савт била адо

килгай. Агар поклик ва ниёз бу ишга мулхакдур, ому хос кўнглига макбули мутлакдур. Бу нидо ёмонларни фиск кунжидин масжид сори бошкарур андоки, фусунгар йилонни тарона била тешукдин чикарур. Агар мукрий лаванддур, бад овозу кулгундидур, лахни носоз, бадани вузуъ кайдидин нопок ва хуш вақт риоятидин бебок. Руҳи тоат завкидин беҳабар ва уни савт ул—хамирдин анкар. Манъ ва наҳй туфрогин огзига урмок авло, балки ток ё минордин учурмок авло.

Рубоий:

Мукрийки, эрур покрў ва зохидваш,
Алхони хуш ва хусни адоси дилкаш.
Жон анга фидоки, рух этар андин гаш,
Агар бўлса мунунг акси нафас урмаса хаш.

Й и г и р м а б и р и н ч и ф а с л

ХУФФОЗ ЗИКРИДА

Хофизгаки, яхши махзаж ва адо била тиловат бўлгай, мустамеъларнинг руҳига андин осойиш ва жонига халоват бўлгай. Агар хусни савт буларга ёрдур эшиткувчи соҳибхол бўлса, иши душвордур. Агар бад лахжа бўлса ва бад адо сурма анинг гизоси килсин худо. Агар фосикдур, бад маош сурма ҳам хайфдур, бўгзига муносибдур тош. Агар бовужуди бу холлар била кўп ўкугай умид улким, огзи садаф огзидек ва тили савсан тилидек куругай.

Б а й т:

Ёрабки, ҳеч базмда ул нагма килмагай,
Огзи гизодин ўзга нимага очилмагай.

Й и г и р м а и к к и и ч и ф а с л

МУТРИБ ВА МУГАННИЙЛАР ЗИКРИДА

Мутриби тарабафзо, муганнийи гамзудо — икаласига дарду хол аҳли жон килурлар фидо.

Улки кўргузгай мулойим таронау нагам, агар эшитгувчининг хаёти накди анга фидо бўлса не гам. Кўнгул куввати—хушнавоздин, рух кути — хушовоздин. Хушхон муганнийдин дард ахлининг ўти тездур, агар малохати бўлса, хол аҳлига рустохездур. Хар муганнийки, дардмандонарок нагма чекар, анинг нагмаси захлик юракка ковгаррок тегар. Оташин юзлук муганнийки, хилкидин мулойим суруд чикоргай, хол ахлининг куйган багридин дуд чикоргай. Мулойим мутрибки, табъ ва фаҳм анга ёр бўлгай, хусусанки, ҳам айтгай ва чолгай, кўнгул мулкига не кўзголонларки солгай.

Сўлук аҳлига бир махуф ер бу манзилдурким, анда ҳам камол, ҳам нуксон хосилдур. Солик бу ерда бир мухлик ох била ҳам максудга етубдур ва бир наъраъи жонкох била йиллар козгонгани ҳам илгидин кетибдур.

Шиблий⁴² ва Нурий⁴³ (куддисса сиррихумо)⁴⁴ самоъда кеттилар, бу йўл сулуки била максуд сарманзилига еттилар. Басо ахлуллоҳки, арганун унидин дайрга кирди ва дин ва ислон накдин мугбачаларга бой берди.

Майхонада кимки майдин ибo килгай, най уни бир дилкаш наво била ани расво килгай. Агар киши май хавосин бошидин чикорур, гижжак мадди ноласи била анга ёлборур. Ва танбур пардадаги фитнадин халок этар ва офият пардасин чок этар ва чанг зорлиг била бўгзин тортар ва уд лисони нагмасининг таргиби чангидин хам ортар. Андаким рубоб бошин ерга кўюб ниёз кўргузгай ва кўбуз кулок тутуб айшга таргиб охангни тузгай. Чун конун ва чагона ноласи кулокка тушгай ва махваши сокий юкунуб, май аёкка тушгай, ул вақт зухду таквога не эътибор ва хушу хирадга не ихтиёр. Агарчи ишк факр ахлини расво килурда булардин фарогдур ва лекин ул ўтни ёрутурга най дамидин елу майдин ёгдур. Араб теvasи «худий»⁴⁵ лахни била бодия катъида тез бўлур, булут бухтиси раъд садосидин соикаангиз. Инсонга махзи галат хаёлдур ва одамийга бу офатдин кутулмоклик махолдур.

Аmmo бу тоифанинг сойири хам агарчи тарабойин ва мехнатзададурлар ва лекин филхакикат, лаимсийрат ва гадодурлар. Айткувчи ва чолгувчи зорлиг ва ийнамак била олгувчи. То буюргувчида сила ва инъом бор, алар мулозимдурлар ва хизматгор. То сухбатда неъмат кўп, аларга барча амру нахйинг жўб. Чун базмда танаъум оз бўлди, алар иши истигноу ноз бўлди. Неъмат деган нимаки тамом йўк бўлди, аларнинг кўнгли сендин тамом тўк бўлди. Агар йиллар бахра олибдурлар эхсонингдин, ошнолиг бермай ўтарлар ёнингдин. Оз олсалар носипос, кўп олсалар хакшунос. Аксари фосик ва бадхўй ва колгони кажтабъу дуруштгўй. Харакотлари тузуксиз сўзларидек ва калимотлари хашв ва махалсиз нозларидек. Вафо алар табъидин маслуб, вафо ахли олида мардуд ва манкуб. Муганний вафосиз, кунгир хаёсиз. Агар йиллар риоят килибсен ва хамхонадур, бир катлаки бермадинг — бегонадур.

Эр суратида шохидедур танноз ва мулойим кисватида муфсидедур хона барандоз. Хавоска дилфиребедур савт⁴⁶ ва нагам⁴⁷ била, авомга рохзанедур табу алам била.

Н а з м:

Кишига бўлмасун бу фитна дучор
Ки, унидин нажоти тайри учор.
Ёнса кўнмокка табл урар хар дам,
Ким ўшул кушка кўпрак ўлгай рам.

Й и г и р м а у ч у н ч и ф а с л

КИССАСОЗ ВА КИССАХОНЛАР ЗИКРИДА

Киссасоз — бекор ва киссахон — харзагуфтор; хар ким маъжуннок ё банги, кўнглида анинг маъракаси оханги. Бийик ун била овуч кокмоги хар дам, хирад ва озарм кушлари топмок учун рам. Харакотидин зохир телбалар атвори ва калимотидин бохир усруклар шиори. Тева кумалогин сотарда канд дегувчи, маъракасидаги муътакидлари ани соткун олиб егувчи.

Б а й т:

Кишиким бўлмагай маъжуну кандининг Харидори,
Онинг хангомаси бирла тузалмас хеч бозори.

Й и г и р м а т ў р т у н ч и ф а с л

НАСИХАТ АХЛИ ВА ВОИЗЛАР ЗИКРИДА

Воиз керакки, «колаллох»⁴⁸ сўз айтса ва «кола расулуллох»⁴⁹ мухолафатидин кайтса, худо ва расул йўлига кадам урса. Ўзи киргондин сўнгра насихат била элни хам кивурса. Юругмагон йўлга элни бошкармоқ

мусофирни йўлдин чикормокдур ва биёбонга кетурмак ва бодияда итурмакдур. Усрукки, элга буюргай хушёрлик — уйкувчидекдурки, элга буюргай бедорлик Уйкусида сўз деган жевлигон бўлур ва дегондек килмок не дегон бўлур.

Ваъз бир муршид ва огох ишидур ва анинг насихатин кабул этган макбул кишидур. Аввал бир йўлни бормок керак, андин сўнгра элни бошкармоқ керак. Йўлни юрмай кирган итар ва гайри максуд ерга етар.

Воиз улдурки, мажлисига холи кирган тўлгай ва тўла кирган холи бўлгай. Воизким, бўлгай олим ва мутақий — анинг насихатидин чиккан шакий. Улки, буюруб ўзи килмагай, хеч кимга фойда ва асар анинг сўзи килмагай. Назоирхон била сургувчи макол — дастиёр била йирлагувчи каввол.

Китъа:

Воизки, дастёрсиз ўлмас сухангузор,
Анга ёроду⁵⁰ мунга аёлгувчи⁵¹ хукми бор.
Тенгри сўзин аёлгувчи бўлмай дей олмагай,
Бир соз бўлса хам керак ул килгай ихтиёр.

Й и г и р м а б е ш и н ч и ф а с л

АХЛИ НУЖУМ ЗИКРИДА

Мунажжимки, савобит ва сайёр назоратидин хукм сурар, раммолдекдурки, нукталари хисоби била лоф урар. Зижи⁵² — хеч ва тафхим ва тавкими—галат таксим; ва устурлоби вожиб—ул—ижтиноб⁵³ ва рифъат ул—камари⁵⁴ бефойда ва бесамар. Гофиледур бу асбоб била хангома тутгон ва хак таоло казо ва тақдири сўзин унуткон. Ўз илгида бир анор бўлса билмаски, неча парда ва неча хонаси бор ва хар парда ва хар хонасида неча донаси бор ва ул дона аччигмудур ё зумухтваш ё чучукмудур ва ё майхуш; борлар ани кесиб ебдур ва хосият ва кайфиятини билиб, элга хам шарх била дебдур.

Фалаки мудаввар ва нужум ва буржидин афсона дер ва аларнинг саъд ва нахси хукмин суруб тарона дер. Бовужуде улки, ўн сўзидин иттифоке бири хам рост келмас, мунунг кабохатин ё билмас ва ё билиб кўзига илмас. «Кизб ал—мунажжимун»⁵⁵ мазмуни била анинг сўзи ёлгондур ва ўз ростлиг кишваридин йирок колгондур ва басират кўзига гафлат пардасин солгондур.

Б а й т:

Эмас афлоку анжум холи бенафъу зарар, лекин
Ани тенгри билур, эрмас мунажжим билмаги мумкин.

Й и г и р м а о л т и н ч и ф а с л

ТИЖОРАТ АХЛИ ЗИКРИДА

Тужжори саёхатшиор аколим ва булдон холидин хабардор, ажойибдин афсонагузор ва гаройибдин нодирагуфтор.

Жибол тоши ва дашт кумига нока сурган, бихор амвожи талотумдин нафъ ва зарар кўрган. Халол рўзи касбига масофатлар катъ этган, жамияти зохир тилабу ботин паришонлиглари анга етган.

Бири юз бўлурдин бошида минг савдо, бўзи катон бўлурдин кўнглида неча таманно. Мундок кишининг максуди тамом асиг бўлмаса ва бу асиг хусули учун ранжи каттиг бўлмаса, савдо учун тенгизга кема сурмаса, дур учун наханг комига кадам урмаса, мол ва дирамни азаматига сабаб килмаса, хадам ва хашамни хашматига жихат билмаса, нафис ажносни56 аяб чопон киймаса, лазиз агзияни исиркаб куруг нон емаса, ранжи маош сухулати бўлмаса ва суди кўнгул фарогати учун бўлса, сафардин азизлар сухбатига етмак муроди бўлса ва риоятидин номуродлари иши кушоди бўлса шаръий закот бўйнида колмаса, фукаро хакин ўз бўйнига олмаса, йўкки, молин азиз асраб, ўзини хор этган ва ўз молин тамгодин ўгурлаб ўзига мазаллат етгай, ё вориссипор учун йигингай, ё ходиса кўзгар учун ковгонгай. Мундок киши хожа эмас, муздурур ва ўз разиллигидин хамиша ранжурдур.

Б а й т:

Мундок кишида йўк хирад ва хушдин нишон,
Билгил гадо агарчи эрур Хожаи Жахон.

Й и г и р м а е т т и н ч и ф а с л

ШАХАРДА ОЛИБ СОТКУВЧИЛАР ЗИКРИДА

Шахр савдогари гадркиш ўзига суд ва мусулмонларга кахтандиш. Элга зиён анинг суди, ўнгой олиб огир сотмок анинг максуди. Олурда катонни бўз деб, сотарда бўз васфида катондин ортуг юз сўз деб. Шолни тўрка ўрнига ўткара олур бўлса, таъсир йўк, бўрёни зарбафт ерида сота олур бўлса, таксир йўк. Дўконида барча матоъ мавжуд, гайри инсоф. Ноинсофлигидин барча жинс хосил гайри таксирга эътироф. Тожири мусофир ул кадбонуга хамзону, балки ани черикчи деса бўлур, муни кадбону. Анга суд — олгувчига нуксони мол, икки жонибдин ёлгон онт ичгувчи даллол.

Б а й т:

Бу хайл одам эмаслар, яхши боксанг,
Эрур судинг алардпн гар йироксаи.

Й и г и р м а с а к к и з и н ч и ф а с л

БОЗОР КОСИБЛАРИ ЗИКРИДА

Бозорда савдогар косиб—тенгрига хоин ва ваъдага козиб. Бирга арзирин юзга сотмоқдин аларга минг мубохот, мингга тегарни юзга олмоқдин аларга йўк бир зарра уёт. Ростлик била савдо аларга зиёнкорлик ва ваъдага вафо аларга бадкирдорлик. Охират икки савдосидин эърозлари ва амал мезони адолатига эътирозлари. Ўгул атога бозий бермак пешалари, дагалликларин киром ул котибиндин⁵⁷ ёшурмок андешалари.

Б а й т:

Булардин кимки дер ўзни валийдур,
Агар килсанг якин, бир догулийдур.

Й и г и р м а т ў к к у з и н ч и ф а с л

СОЙИР ХУНАРВАР ВА САНЪАТПАРДОЗ ЗИКРИДА

Хунарвар ва санъатпардоз ёлгонлари кўпдин—кўпу чинлари оздин—оз. Ишларида дагаллик макдур ва хаддидин нари, ваъдаларида хилоф хаёл ва гумондин ташкари. Чин сўзким, эрга улуг хунардур, алар қошида айби тамом, ялгонким, халойикка улуг айбдур, алар олида хунари молакалом.

Маснавий:

Тонгдин окшомга ишда санъатсоз,
Хунар атворида фусунпардоз,
Айлабон бу тарийкни варзиш
Ки, бировга югуртгайлар иш,
Гар муаддий, ганий йўк эрса факир,
Анга бози берурда йўк таксир.

Ў т т у з и н ч и ф а с л

ШАХНА ВА ЗИНДОНИЙЛАР ВА АСАСЛАР ЗИКРИДА

Доруга ва шахна ва асас ўгри ва хунийга мумид ва фарёдрас. Зиндон ахли — дўзах ахли. Асаслар малоикаи азоб, шахна молики дўзахдек хукмрон ва олижаноб. Гунох ахли тавку занжирга гирифтор, бу занжиру тавклари салосил ва аглолдин намудор. Киссабур била мукаммир асасларидин бозор ва киморхонага мустаъжир. Зиндон чохидин ўгрилар кўнгли тийралиги маълум, журм ахлига анда паришон кўнгулда хавотирдек хужум. Гунахкорга анда умиддин бийм кўпрак ва бадкирдорга анда иноддин таслим кўпрак. Хар катлаким, бировни тортиб чикоргайлар, анда колгонлар ўзларидин боргайлар. Кайтиб келганларнинг накллари муваххиш ва хабар келтурганларнинг можаролари мушаввиш.

Бири дебки: Дорга чекарда яхши турди ва бири дебки: Бўйнин чопарда яхши ўлтурди. Бири мактулнинг йигитигидин тахассурда, бири ятимнинг рубоий ўкугонидин тахайюрда. Бу навъ саъб хол беҳаддур ва мундок гариб ахвол беададдур.

Амал хирси чоги асас мужримнинг тутулмогига соний, амадо ўз матлубини хосил килгонидин сўнгра кутулмогига доий. Дунёда бу манзил киёматкирдор ва махшарда дўзахдин намудор. Банду занжирлик гунахкорлар шахар зиндонида, андоки, ишк мукайядлари байтул—эхзонида. Тенгри барчани бу ерга келтурур афъолдин йирик тутсун ва манзилга тушурур ахволдин кирок.

Б а й т:

Бир манзил эрур анда баса ранжу укубат.
Тушган кишига анда ўкуш дарду суубат.
Вале ул харам ичра бўлгонга хос,
Умид улки хам тенгри бергай халос.

Ўттуз биринчи фасл

ДЕХКОНЛИК ЗИКРИДА

Дехконки, дона сочар, ерни ёрмок била ризк йўлин очар. Агар ростлик ва салохи бордур, ўйи Солих нокасидин намудордур. Кўши хам икки зўр пахлавон, юкига бўюн сунуб олида равон; иш килурда хамдам ва хамкадам, дехкон аларни суради андоки Одам58. Олам маъмурлиги алардин, олам ахли масрурлиги алардин. Хар каён килсалар харакот, элга хам кут еткурур, хам баракот.

Дехконки, тузлук била дона сочар, хак бирига етти юз эшигин очар. Сочкон дона кўкаргунча, ўруб хирмон килиб, махсулин кўтаргунча курту куш андин бахраманд ва дашт вахши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг била шод. Кабутарларга андин мастлик, тўргайларга андин нишотга хамдастлик. Ўрокчига андин рўзи, бошокчинииг ёруб андин кўзи.

Барзагарга андин ком хосил, пуштакашга андин мурод восил. Гадо андин тўк, кадхудо тўклучи хам андинўк. Мусофирга андин таом, мужовирга андин ком. Итмакчи танури андин кизик, аллоф бозори андин иссик. Фукаро ризки вофий, гурабо кути андин кофий. Зоҳидга андин хузури тоат, обидга андин лофи каноат. Сойил харитасида андин мухайё актои, шох хизонасида андин бахру кон матои.

Дехконнинг бир дона сочарида бу холдур, ўзга ишлари таърифи махолдур. Боги жаннатдин намудор, полизида рух кути падидор. Ашжорининг хар бири чархи ахзар, ул шажар ва раёхин ва фавокихи нужум ва ахтар. Фукаро сирка ва душоби андин, агниё нуклу майи ноби андин.

Гуногун фавоких билаким богда тазйин, чаман мулкида богланиб таъбия ва ойин.

Мундок киши керакки, бухлдин муарро бўлса ва кизбу имсокдин мубарро. Шох молин берурдин ибо килмаса ва забун шерикка жафо килмаса, то доноси дурри саодат бар бергай ва тухм сочиб, анжуми улувви рифъат тергай. Мундок дехкон Одамнинг фарзанди халафидур, балки марзуклар анга фарзанд ва ул Одами сафийдур.

К и т ь а:

Кимки дехконлиг айлади пеша,
Даги нон бермак ўлди анга шиор.
Буйла кимса улувви рифъатдин.
Одам ўлмаса, одамий худ бор.

Ў т т у з и к к и н ч и ф а с л

ЯТИМ ВА ЛАИМЛАР ЗИКРИДА

Авбош била арзол мусулмонлардек аларга не маош ва не хисол. Инсоният табъларидин орий, хайвоният балки сабуият аларнинг шиори. Ятимки пичок урмок анинг иши бўлгай, ўзи телба ит, пичок анинг тиши бўлгай. Соглигида кутуз ит ва усруклигида кочиб андин юз ит. Панжалари ниши ажал куллоби, нечукким дашт сибои, ўлтурур кун учун иймон дуосидек ўрганиб рубоий. Яхши—ямон сўкунж еткуриб, акрабдек нечаки етса ниш уруб. Не акл аларда не дин, не хаё аларда ва не тамкин. Ишлари ноэътимодлиг ва нопоклик, варзишлари бемурувватлиг ва бебоклик. Шахрнинг соир арзоли хашарат ул—арз, халойикга алардин эхтироз вожиб, балки фарз.

Б а й т:

Халойик ийзо аларга сифот,
Набий дедиким: «Уктул ул—музиёт»59.

Ў т т у з у ч у н ч и ф а с л

ГАРИБ ВА БЕНАЗОЛАР ЗИКРИДА

Жут ва лўлининг кўпраги музхик харакоти ва туз усули. Муаллак урмокларида хоксорлиг ошкор, сарнигун турмогларида беэътиборлиг падидор. Анониятлари юзига тезак солиб чаманвар ва инсониятлиглари доираси манмунларига чанбар. Кишиликдин секримоклар била кочиб, яхшилигдин масхаралиглар била маломат эшигин юзларига очиб. Букун топконни еб, тонгла гамин емай, тилаб нима бермагандин шикоят сўзин демай. Ватан ва масканлари хорлиг вайронаси, манзил ва маъманлари хоксорлиг кошонаси. Тонг откоч эр ва хотуни касб учун таркашиб, ўгул ва кизлари кўй ва кўчада бутрашиб. Хар кайси хар неким хосил килиб, окшом барча бир ерга йигилиб, топконларин тугатмагунча уйку майли килмай; тонгла не егумиздур демак сўзин билмай. Тонгла ишлари ўтган бурунги кун иши, бу хам бир ишдур агар кила олса киши. Бу разолат кишилик такаббуридин хўброк ва бу залолат яхшилик тасавуридин маргуброк.

Б а й т:

Киши агар киши ўлса, ўзин киши демагай,
Килурда хеч ишин хам киши иши демагай.

Ў т т у з т ў р т и н ч и ф а с л

МУБРИМ ГАДОЛАР ЗИКРИДА

Тиланчи ва гадо кўпраги бегайрат ва бахаё. Кундуз кезмаклари ибром била элдин нима олмок учун, кеча келиб ўгурларга эл жихотига кўз солмок учун. Не неъмат олиб мунъимдин шокир, не инъом топиб мукрим узрига тиллари зокир. Емак била жуъ ахлидек меъдаларига тўлмок йўк, тиламак била мустаскийдек сувдин сероб бўлмок йўк. Каду ва качкули мамлу бангилар хотиридек мутанаввиъ хаёлотидин. Харитаси тўла риёий суфийлар замиридек муталаввин хавотир холотидин. Хар дирамки тугуб, гассолдин ўзга киши очмок махол, хар сиймким кўмуб, туфрогдин ўзга биров ани емакка йўк эхтимол.

Кўзлари хирснинг «сод»иб0 ва тамаънинг «айн»иб1 ва бу хирс ва тамаъдин жону кўнгулларида махрумлук шайни. Булар орасида ўзига каландар от кўйгон малъун, одамийлигдин магбун ва дев ва шайтон олида матъун. Инсоният ва мусулмонлиқдин йирок, тўнгуз ва айиг одамийлигда алардин яхширок. Шакл тагйири била одамийлигдин карона, пўстун эвура киймаклари хайвонлиг ва сабуиятдин нишона. Улуг—кичикдин хар турлукда гадои муваххиш, фосид хавотиридек софий кўнгулга мушаввиш.

Н а з м:

Бермак бўлмас аларга инсон хукми,
 Ё одаму мўъмину мусулмон хукми.
 Фосид ахлотигаки вожибдур дафъ.
 Бўлгайму киши берай деса жон хукми.

Ў т т у з б е ш и н ч и ф а с л

КЎШЧИ ВА САЙЁД ЗИКРИДА

Кўшчи сайёдларга муктадо ва хукмрон ва бу жамоат анга райият ва маъмури фармонким, илгида куш кеча—кундуз ранж ва машаккатга туш. Кеча уйкуси харом, эмгакдин йўк анга ором. Нафис хаззи учун бир гунохсиз аёгига солиб банд ва узун тунлар анинг азоби била хурсанд. Амал риштасин тамаъ игнасига чекиб, ул безабоннинг кўрар кўзни хам тикиб. Максуди ани сайёд килмок ва ўзга жонлиглар касдига жаллод килмок. Кундуз дашту водийга чопиб, бир неча забун гофил топиб, юз макру хийла била кушин аларга солиб ва ул солгони ул мазлумни олиб. Олдургондин сўнгра ул сайд боши устида тутиб ўрун, кони тўлгон забунни бисмил килмасдин бурун, не дейки канотин сузуриб, кўлтигинму ёрадур ва ўзи ул котил шогирдин шааф била тўйгорадур. Неча мундокнингким, конин тўкти ва кўлтугин ёриб, канотин сўкти. Фитрокига боглаб уйига ёнди, ўзи ва куши килгонларга кувонди. Шум нафс хаззига бир—икки аёгларига иртикоб килгай ва олида широлгасин кабоб килгай. Баъзиники, тонгла бегига элтиб торткай, анинг илтифотидин кўнглига жулду тамаъи ортгай.

Куш таърифиди дегани барча лоф, ўз тахсинида сўзлагани бори газоф. Мунча мазмун амрига боис нафс коми, хох эмгаги, хох томошаси, хох кабоби, хох бек инъоми.

Маснавий:

Булар боиси барча нафсоният
Ки, анда дохил инсоният.
Кўнолга олиб кайда кўнса дирам,
От арпаси хам, кушига тўъма хам.

Ў т т у з о л т и н ч и ф а с л

ТАРБИЯТ ТОПИБ, ХАРОМНАМАКЛИК КИЛГОН НАВКАРЛАР ЗИКРИДА

Навкарки, вали неъматидин риоят кўргай ва бек ва махдумидин тарбият ва иноят кўргай. Эрлик ва инсоният улдурким, мукобаласида куллуқ ва хидматкорлик, балки якжihatлик ва жонсипорлик килгай ва тилагайким, анга жон фидо этгай то шафкати хукукин адо этгай. Хамият ул эмаски, махдум яна бировга кўпрак мултафит бўлгонидин шикоят изхор килгай ва гиламандлиг гуфту гузори, то иш анга етгайким, неъмат куфрони орога тушгай ва ҳақ ношинослик тугёни можарога сурушгай ва бу одамийсизлик кочмокка мунжар бўлгай, адув эшигига борурга мукаррар бўлгай. Ўзин бировга кул деб соткон додактур, балки додакдин юз катла камракдур. Батахсиски, муфрит тарбият кўрмиш бўлгай ва мукобалада беандом лофлар урмиш бўлгай. Абрки, бир ердин яна бир ерга кочкай, номардлик туфрогин йигитлик бошига сочкай. Чун мундок киши эрлик сонидин норидур ва йигитлик доирасидин ташкаридур. Хокимеким, киёсати бор, анинг қошида мундок кишига қачон эранлар сиёсати бор. Эранлардин мардона гуноҳ вужудка келса, бўйнига юклангандин сўнг бўйин урарлар, кизил юзлук килур учун бўйнига тиг сурарлар. Аммо анинг сўрхрўлугига гулгуна сазовордур ва юз оклигига муносиб сапида бордурким, қари муҳаннас мабхут ва анинг холазодаси кафтори фартут ширкат била машоталик тузгайлар ва бу келин зебу зийнатида сеҳрлар кўргузгайлар ва қошин олиб, вусмага шойиста килгайлар. Сақолин қирқиб, икки кулок тузига зулфлар ошуфтахол кўйгайлар. Аммо икки узори тарафидин чап ва рост икки хол кўйгайлар. Орияти дасторин бошига бурунжок килгайларки, аруси мастурадур ва гардизи номастурдур қашидалиг ёглик фарфига лачак солгайларки, жавони махдур ва халла нозуклиги номақдурдур. Бу навъ ораста килгондин сўнгра чанбаршоҳ йўрга ўйга тесқари миндургайлар ва шаҳрнинг кўй ва махаллотига кездургайлар ва наззорагар эл таъну ташниъ билаким, «чор донг сипоҳғари говмиш тохтан аст»,⁶² —деб фарёд килгайлар. Ва агар юз қаролигидин уёт ва қаро тиллик бўлурдин хижоб бўлмаса анга муносиб ҳарифлар мастур ва анга мувофик ошиқлар мазкур бўлгай эрди ва айшу нишот базми қурилгай эрди. Аммо андок сиёхрўйнинг тавзиҳи ул навъ қаро юзлукнинг тафзиҳи ҳар нечаким олам аҳлига мултамас бўлгусидир.

Б а й т:

Бу навъ масхаралик элга бас дурур хайрат
Ки, ўлгай эшитибон қимга бор эса гайрат.

Ў т т у з е т т и н ч и ф а с л

КАДХУДОЛИГ СИФАТИ ВА ХОТУНЛАР ЗИКРИДА

Мувофик тушса кадебону, давлат ва жамиятга бўлмокдурур хамзону. Уйнинг оройиши андин ва уйлукнинг осойиши андин.

Жамоли бўлса маргуб ва салохи бўлса жонга матлуб. Окила бўлса, рўзгорга андин салох ва интизом ва маош асбобига андин тартиб ва саранжом.

Бу навъ жуфт кишига ковушса, балки мундок комгорлик иликка тушса, нихоний гаму мехнатда хамроз ва хамдаминг бўлгай ва махфий ва пинхон дарду машаккатга дамсоз ва мархаминг бўлгай. Рўзгордин хар жафо етса, анисинг ул ва чархи даввордин хар ибтило келса, жалисинг ул. Кўнглунг гамидин ул гамнок ва баданинг заъф малолатидин ул халок.

Агар хусну жамоли ўрта чоғлигдур ва мувофакати риштаси муҳолифатка боғлукдур, хавфу ражо била тирилмакдур ва хикмат ва мадор била маошини билмакдур. Кадхудонинг баъзи мушкили бўлса осондур. Аммо кўпрок холида кўнгул харосондур. Бу навъ не хам нофаржомлик ва нокомлик била тахаммул килгай ва хар нечук бўлса ўткарилгай. Аммо, наузубиллох, носоз жуфт элга мухлик мараздур ошкор ва нухуфт. Салита бўлса, кўнгул андин шиканжа. Ямон тиллик бўлса, абушка кўнгли андин яролиг.

Улки аввал мазкур бўлди ва юкорирок мастур бўлди рўзгор аносидин юз йилда бир тугмас ва юз мингдин бир йуликмас. Йўлуккан кишига тожи торак бўлсун ва бу саодат анга муборак бўлсун.

Алар макри таърифидида кўп улумда доно ва кўп диккатлиг ҳукумо китоблар тасниф этибдурлар ва мужаллидлар битибдурлар ва муболагалар била бастлар килибдурлар. Ва хануз ўзларини ожиз ва мукассир билибдурлар. Бу бир неча паришон каломот бирла не навъ таърифларин айтса бўлгай ва тавсифларининг юздин бирига етса бўлгай. Аммо хос ул—хослари буларга акси мутлак ҳақгўй ва ҳақшунос ва тилларида ҳақ ва кўнгулларида дағи ҳақ. Уламои исломга алардин фойидаи умид, авлиёи аъзам алар анфосидин мустафид, анбиё мурсилинни аларга модих билгил, малоика мукаррибин аларга эгачи—сингил. Иффат торидин бошларида мукнаъ ва исмат хулласидин юзларида буркаъ, бу буркаъни ул юзидин ҳақ йирок килмасун ва футур елидин бу парда ул ваҳхдин очилмасун.

Ў т т у з с а к к и з и н ч и ф а с л

РИЁИЙ ШАЙХЛАР ЗИКРИДА

Шайхи риёий — раънолик жилванамойи. Миседур, олтун била рўкаш, таши хушнамо ва ичи нохуш. Сурати дарвешваш ва маъниси саросар гаш. Оросталиги барча кайд ва каромати тамом шайд. Амомаси риёсат юки, бошида бир фосид хаёл хар туки. Эғнидаги мураккаъ рангомезлик била мулламаъ. Ридоси уюбининг пардадори ва риё чархи игирган хар тори. Мисвоки тамаъ тишин элтурга сухон; шонадонидида ришханд олати нихон. Мухрабозлик тасбиҳин эвумак ва узунрок намоздин гарази эл кўрмак. Кулохи давлат ул давлатмандга дастор ва узунрок алокаси тулку куйрукидин намудор. Махалсиз сайхаси багоят совук, андоки, вақтсиз ун торткон товук. Гафлатдин авродида алоло, нечунким мастлар базмида «дирно талоло»⁶³. Барча калимоти хийлатангез ва мажмуъ харакоти гаразомез. Воқеаси бари ясалгон. Уйгоклигида дегани барча ёлгон. Симои усулдин ташкари, важду саъкаси таъриф охангидин нари. Суратида мунча печ дар печ, маъниси худ бошдин—аёк ҳеч. Бу ҳабис зотга мунча оройиш, эранлар холидин анда намойиш.

Хайхот—хайхот, уят, юз минг уят. Турфа буким, бу мазхарга муридлар хам бор, хизматида барча шефтау карор. Ул бу дўконни юрутиб тадбир била ва маъракани куруб тазвир билаким, шаётинга махалла хайратдур ва деви лаинга мужиби ибрат ва нафратдур.

Н а з м:

Факр исми бирла мунча зарку шайду бу риё,
Салтанатдекдурки, килгай подшохи бўрё.
Бу агар дарвеш ўзин килса гумон, ул подшо,
Йўк ажаб, чун иккисида йўк турур аклу хаё,

Ў т т у з т ў к к и з и н ч и ф а с л

ХАРОБАТ АХЛИ ЗИКРИДА

Ринди⁶⁴ харобатийки, май ичмак била ўтар авкоти, хубобдек бода хавоси бошида, сурохидек бош кўяр ери согар қошида. Дайрда⁶⁵ хар қаёнки базме куруб, сабукашлик василаси била ўзин еткуруб. Номус дасторин бошидин олиб, бир, журъа учун майфуруш оёгига солиб. Майхона тараддудидин бехонумонлиги, паймона тааллукидин бесару сомонлиги. Хар мугбача илгидинки, жоме тортиб, Жамшеддин⁶⁶ истигно ва шавкати ортиб. Мугбачалар юзи олида бутпараст, дайр пири аёгида боши туфрокка паст.

Ёқаси майхора шўхлар илгидин чок, кўнгли хам алар ишки тигидин захмнок. Дайрда май гадолигига ашголи, илгида майхонанинг синук сафоли. Расволик кўйида аёги яланг, боши хам ва бадмастлар дастбурдидин манглайи захмлик, қоши хам. Вужуд шахсин килур учун помол, мажолисда ери сафи ниол. Бошига амома мехнатин ортмай, бўйнида ридо миннатин тортмай. Нафси гарчи туфрокка хамдаст, химмати олида фалак паст. Замон навойибидин кўнгли гамсиз, фалак хавосидин хотири аламсиз. Бужуд ва адамдин бўлмай харосон, бору йўк химмати олида яксон. Сурохидек талх йигламокдин нишоти, майдек аёкга тушмакдин инбисоти.

Муг дайридек бир дам соголмай, дахр хайру шаррига кўз солмай, Замон яхши—ямони била иши йўк, деса бўлгайки, оламда мундок киши йўк. Дахр ахли зулмидин мундок маош мухик, хак авф ва рахматига мустахик. Вужуд майкадаси туфрогида фоний, умиди хак карамидин бақойи жовидоний. Ринд ва гадогаким етиб бу икбол ва давлат, шохларга анинг холидин орзу ва хасрат.

Рубоий:

Риндеки, фано жомини тортар пайваст,
Дунё била охиратка эрмас побаст.
Хак рахмати умиди била тун—кун маст,
Кўп ортукроки, зоҳиди заркпараст.

Умид улки, бори номуродларга хак бу фано давлатин қариб қилгай ва тавба саодати била бақойи жовид насиб этгай.

К и р к и н ч и ф а с л

ДАРВЕШЛАР ЗИКРИДА

Дарвеш⁶⁷ улдурким, бўлгай ризоандеш, агар ичида бўлса юз ниш тоши бўлгай мархамойин ва маломаткеш. Дарвеш керакким, сидку фано тарикин тузгай, ўзин нечукки, бор андок кўргузгай. Аноният гилзатига котик риёзатлар биласафо бермиш бўлгай ва нафсоният шиддатидин азим мужохидалар била чикиб, фақр тарикига кирмиш бўлгай ва фано дор уламони жамоат хонасига етмиш бўлгай. Химмати назарига мосиволлохи номавжуд, балки вужуди мутлакдин ўзга барча нобуд. Ичи тоши била мувофик, балки ортигрок, ботини зохири била мусовий, балки ёругрок. Агар зохирида ботин ихфоси учун кўрунса андин муроде бўлса маломаткашлик. Ботини софи зохир тийралиги кони мунофий. Дарвеш тўни йиртук андок турурким, ганжи макони бузук. Саро ахли жахонда андокдурурким, Фаридун⁶⁸ ганжи вайронда. Маъни ахли хакикати махфий ва сурат ахлининг хакикий даъви ва даъвийи хакикатда бемаъни. Эранлар холлари суратин ёшурубтурлар ва маломат суратида наъли бозгуна урубтурлар ва зохирилари биносин бузубтурлар ва ботинлари асосан тузубтурлар. Казодин не келса ўзларин ризога ёсобтурлар ва олам ахлининг котиг ранж ва ирик маломатида чидабтурлар. Емак—ичмакдин кечибдурлар. Хак ризосин истарда гам еб ва кон ичибдурлар. Ризову таслим зовияси макомлари, фано бодиясида оромлари. Адабу тавозеъ аларга киш душман ва дўстига инкандеш. Бу сифат ва ойин била бўлгон эрур дарвеш.

Р у б о и й:

Ё рабки, фано кушин ромим айла,
Ромим демаинки, сайди домим айла.
Хам фақр тарикида хиромим айла,
Хам зовияи фано макомим айла.

И к к и н ч и к и с м

ХАМИДА АФЪОЛ ВА ЗАМИМА ХИСОЛ ХОСИЯТИДА

А в в а л г и б о б

ТАВБА ЗИКРИДА

Тавбаи¹ хакикий мазмуми афъол кабохатида мўталлеъ бўлмоқдур ва тавфики рафик бўлуб, ул афъолдин ижтиноб килмоқдур. Тавба мужрим банданинг вақти кўзгусин исён зангидан оритур ва ниёз мускили била ёритур. Шаковат тарикининг ниҳоятидур, хидоят жодасининг бидоятидур, аноният гафлатидин сесканмакдур ва башарият уйкусидин уйготмакдур ва нашойист ахволин англамоқдур ва нобойист афъолин тонгламок ва ярамас махфийларга қошиф бўлмоқдур ва керакмас даъвийларига вокиф бўлмок ва аъмол кабойихидин шармандалигдур ва афъол фазойихидин сарафкандалиг ва огахлигдур, башарият инодига вокифлигдур, нафси амора фасодига ва кўнгулга наформонлигидин мутагаййир бўлмоқдур ва рухга нафаржомлигидин мутанаффир

бўлмокдур. Ва ҳақдин нажот вақти етмакдур ва бандаи нафс мутобаатин тарк этмакдур. Бу гавҳари шабчирог ҳар тийра рўзгор лойиқи эмас ва бу шамъ тавфикни ходийи иноят ҳар кимга бермас. То қайси ориг тийнатлиг йўлдин озмиш бўлгай ва қаю пок хилкатлиг жодадин чикиб, килур ишин ёзмиш бўлгайким, анга гариб, холат ходис бўлмиш бўлгай ва ул холатка шум нафс боис бўлмиш бўлгай ва ходийи тавфик етгай ва ани ул холатин огах этгай. Чун огах бўлди ҳаётидин ториккай ва уёт дуди димогидин чиккай ва эътизол била киладургонидин ибo қилгай ва истигфор била киладургон журмидин истеъфо қилгай ва ноҳамвор афъолига андом бергай ва бировнинг берохлигидин чикиб, ҳақиқат йўлига киргай. Бу мартаба тариқат ахлининг аввалги гомидур ва мақсад водийсининг аввалги манзилига хомийдур. Бу саодат кишига ўзлугидин етмак «маъшо золика фазулуллох юътиҳа ман яшаъ»². Ҳар соҳиб давлатка бу огахлиг бир васила била етибдур ва ҳар саодатманд бу иқболни бир восита била касб этибдур.

Р у б о и й:

Ҳақдин ангаким, етти иноят вақти,
Кўнглига ёмон феъли сироят вақти.
Исёнига фoш ўлур ниҳоят вақти.
Бу бўлди хидоятка бидоят вақти.

Хикоят: Мазҳари сунъи ҳаққи таборака Шайх Абдуллох Муборак³ (қуддиса оллохи сирруху)нинг тавбасининг бидояти ва туз йўлга кирарнинг хидояти бу эрмишким, хол авойилида бир париваш ишига гирифтор эрди ва халқ аросида мажнуншиор кўнгли бир шўх хуснига мубтало ва хуш ва хирад. кўнгли мулкидин жало. Бир киш кечаси маъшуқи девори тубида васли умиди била побаст ва юзи ҳаёлидин андок бехуд ва маст эрдиким, бовужуди улким булут хаводин замхарирбор ва тун мушки ул замхарирдин кофуркирдор эрди ва дай сарсаридин кор кўнгли мулкига ишк сипохи чопқуйидин нишона кўргузур эрди ва бурудат шиддатидин ашжор яфроглари совуг этган, лол тиллар холидин афсона айтур эрди. Ул ишк ўти хароратидин бу холдин ҳабарсиз ва ёланг аъзоси кор ва замхарир бурудати шиддатидин асарсиз тутуб эрди. Анга теғруким, тонгкуши нола тузди ва сахар муиззини наъма кўргузди. Ул эшитгач, согиндиким, хуфтон намозининг нидосидур ва ашо саловатининг адоси ибтидоси. Чун тонг ёвушти куёшдек ичига изтироб ва ошуб тушти. Ва субҳи содик нуридин кўнглига ёруглик етти ва мулҳами хидоят ани оғох этти. Ўзига дедиким эй Муборакнинг номуборак ўгли ва эй тенгрининг кочкон ва беадаб кули! Хуфтон намози киротида агар имом узунрок сура ўкуса маломат тутар ва юз фосид ҳаёл кўнглунгга ўтар, кишнинг бир узун тунини андок шум нафсинг хавосига машъуф ва мазмум табиатинг коми ҳаёлига мағлуб ўтқарурсенким, хуфтондин вукуфунг ва сахар етгандин шууринг бўлмас. Бу холатда анинг ичига кўзголон тушти ва уётдин руҳи бадандин муфорокат қилғали ёвушти. Инояти илохий кўлдади ва тавба хидоятига йўлададиким, андок риёзат ва сулукка росих бўлдиким, оз вақтда Макка ва Мадинада шайх ул—машойих бўлди. Умид улким, ҳақ субҳонаху таола барча йўлдин озгонларни оғохлик била баҳраманд қилгай.

Китъа:

Тавбаеким, анинг саодатидин,

Бир кул ўгли бу поя касб этгай
Ким, анга шохлар кул ўлгайлар
Мунга ўзлук била нечук етгай.

И к к и н ч и б о б

ЗУХД ЗИКРИДА

Зухд4 дунё орзуларидин кечмакдур ва нафс аларнинг мавто захрин ичмакдур. Ва молу жоҳ хаёли риштасин кўнгулдин узмакдур ва нангу номус бутларин ушатурга ўзин тузмакдур ва қабул умидига риёзат тарикин тутмакдур. Ва шариат жодасида мардона турмоқдур. Ва бошни риёи саждага индурмамакдур, балки андок тоатни хаёлга кечурмамакдур. Кўзни асрамоқдур барча номахрам юздин ва тилни тутмоқдур барча номашруъ сўздин. Кулок карлигидур моло, яъни масъмуъотдин илик тортмоглигдур барча номашруъотдин. Аёғ ланглигидур халойик тараддудин ва нутк гунглигидур сўзда эл ташдидидин. Огизга савм мухридур нединки, нафс таманноси бўлгай ва нафсга яъс кофуридур хар шайъдинки табиат такозоси бўлгай. Таом кил—латидур ончаким, муяссар ва анинг жибиллати риоятидур ончаким, макдур. Хилватта улфатдур алалдавом, узлатга мудоваматдур молакалом. Ва лайл киёмига мувозабатдур ва зикр давомига мудоваматдур. Хар соликкаким, бу маком доригай хилкати риёзат нури била нафсоният лавсидин оригай. Кўнгли уйига ошнолиг шамъидин нур етгай ва ул нур партави анинг кўнгулни масрур этгай. Ибодат натойижи ета бошлаган ва риёзат фавойиди бахраманд ета бошлагай. Ул соатан фисоатан ишида исигрок бўлгай ва лахзатан филахзатан килмишида кизикрок бўлгай. Бу файз согарларидин ичиб конмагай ва бу завк кадахларидин журъа тортардин ўсонмагай. Ёраб, анинг журъаи жомидин махрум ташналабларни камёб килгил ва бу водийда огзи куругонларни сероб этгил, ё карим, ё рахим!

Б а й т:

Бу талабда кимки бўлса анга рўзи этма хирмон,
Бу таабда кимки бўлса анга кил васл ила дармон.

Хикоят: Кидваи ахли якин Мавлоно Шамсуддин Муидди Уча5 (куддиса сирруху) Жом вилоятида мазкур бўлган кентда бўлур эрди, Ўтуз йил эрдиким, жамъи зохир танаъуммотидин бебахра эрдиким, койим ул—лайл6, уд—дахр7 эрди. Бир масжидда мунзавий эрдиким, гайри таждиди вузуъ учун мазкур муддатда андин чикмайдур эрди. Ва жинси башардин нима қабул килмайдур эрди. Ва Хазрати Рисолат (саллаллоху алайха вассаллам) мутобаъатигаким, Ухуд газвасида8 муборак тишлари шахид бўлиб эрди, ўтуз ики тишин ушотиб эрди ва бу ўтуз йилда ёни остида бир бўрё ва боши остида бир хишт била ўткариб эрди. Кичик Мирзо9 (алайха рахма)10 ул вилоятдин ўтарда бу азизнинг, мазкур бўлган сифотин эшитиб, анинг зиёратига етти. Мавлоно хамул масжидга кирганда эгнидаги хирка ва бошидаги эски бўрк била эрди ва тааллуки ранги итлоки анга килса бўлмас эрди. Мазкур Мирзонинг кўнглига риккат келиб бир овуч дирам келтуруб илтимос килибдурким, бу ниёзмандлигин қабул килгай. Мавлоно дебдурким, чун мен бу тарик била одат килибмен, ҳеч нимага эхтиёжи йўқдур. Агар

Сизнинг хотирингиз учун олсам ҳам манга таълим килингким, не килай ва кўйай. Сизнинг бир мулозимингизнинг бир жузвий василасига ўлтурурмен, миннатдор бўлдум. Сиз карам килиб, мени маъзур тутунг. Кичик Мирзо бу сўзга жавоб топай олмай, йиглаб, кулок тутиб, ер ўпуб чикибдур, Ўзи (рахма иллох) бу факирга мундок такрир килди. Бир неча вақтдин сўнгра бу факр ҳам Мавлоно хизматига мушарраф бўлуб, сийратини ҳам бу тарик била мувофик топтим, балки ортукрок ҳам. Хак субхонаху ва таоло барча толиби ниёзмандларга бу тарик орзумандларга ул гулистондин тухфае ва ул раёхиндин шаммае насиб килсун.

Б а й т:

Кимки кўнглидин анинг факр орзуси кетмагай,
Бу дурур уммедким, хак они навмид этмагай.

У ч у н ч и б о б

ТАВАККУЛ ЗИКРИДА

Таваккул¹¹ хак йўлида восита асбобин рафъ килмокдур ва васила хижобин дафъ килмок. Ва сабтларга миёнчиликдин узр кўлмокдур ва сабаб ва узрсиз мусаббибка банда бўлмокдур. Такдир кути бозуси олдида сабаб риштаси чурукда ва казо машъали партави қошида восита учкуни ўчук. Таваккул ахликим, максуд водийсига кадам кўюбдурлар йўл зоди хак хони эхсонидин билибдурлар. Таваккул дуруст элнинг емаги хак хони инъомидур ва ичмаки анинг шарбатхонаси жомидин ва киймаги анинг хизонаи эхсон икромидин. Бас булар мавжуд кўрунгандин ул неча хушхол бўлгай ва нобуд экандин анга малол. Дарёдин ўтарга кемани сабаб десанг тобони нам бўлгай ўтгувчиларга не сўзунг бор ва биёбон катъ этарга маркабни восита гумон килсанг таййи арз била боргучилар олдида маркаб не эътибор. Андоки, сенинг насибангни яна биров емас, анинг ҳам насибин сен емак мумкин эмас. Сенинг рўзинг сангадур, анинг кисми анга. Тиламасанг ҳам еткурур, емасанг ҳам едирур. Муни англаганлар кутулубтурлар рўзий учун мехнат чекардин ва тинибдурлар фарогат учун дона экардин. Рўзий учун касбда ихтимом таваккул кусуридин бўлгай ва маишат учун саъйи молакалом якин футуридин бўлгай. Тенгри раззоклигин билган рўзи учун гам емагай ва кассомлигин билган киши ризк озу кўпида сўз демагай. Улки вахшу тайр ризкига зоминдур, санга еткурмайгайму? Улки мўру малакка рўзий берур, санга бермагайму? Саъйи била азал кисматин ортурай деган ёгин риштасига гирех урай дер. Важд била калам ёзгон казони кайтарай деган курук ерда кема сурай дер. Бу ишлар кўнгли уйи якин нуридин тийралар ишидур ва ботиний кўзи хакикат куёшидин хиралар одат ва варзешидур. Таваккул ахли барча асбоб воситасидин кўз юмубдурлар ва «филайту кулли ало иллох»¹² дарёсига чўмубдурлар ва рўзий еткурғучи хакни билибдурлар. Ани ейдурғучи ҳам ани акида килибдурлар. Ва шак ва тараддуди котеъ тарикларидин эъроз этибдурлар. Ва воситасиз таваккул бодиясига кадам уруб максуд каъбасига етубдурлар.

Б а й т:

Кимки катъ этса таваккул қадами бирла тарик,

Ёгину сел анга музий эмас ва барк—харик.

Хикоят: Шайх Иброхим Ситнаба¹³ бир муриди била (куддиса сиррухумо) таваккул кадами била Каъба азимати килдилар. Шайх жаноби муридга айттиким, сенда хеч маълум борму? Мурид Шайхга дедиким, йўк, мен таваккул кадами била бу йўлга кўюбмен, амин ва маълумни не тилар! Яна бир неча кадам боргондин сўнгра Шайх муридга яна айттиким: — сен ўзунгни яхши эхтиёт кил, маълумунг бўлса ташлагилким, менинг аёгим огирлик килур. Яна мурид дедиким: бир—икки наълайн широки борки, бодия катъида наълайним широки узулса они тортарга олибмен. Шайх муридга дедиким: Холо худ наълайнинг широки бутундур, узулмайдур. Деди: бале. Шайх деди: Бас, ортук широкни ташла. Мурид дебдурким, ташламай чорам йўк эди, заруратдин ташладим ва гирех била борур эрдим, йўлда ногох наълайним широки узулди, туруб илик урдумким, ани наълайн суруб ташлагаймен ва Шайхни ул амрда таън килгаймен. Кўрдумким, наълайн ёнида бир широк тушуб ётур. Мен таажжуб юзидин ул широкни наълайнга торттим ва Шайхка эриштим, хар қачонким, наълайн широкига эхтиёж воқеъ бўлса эрди, хамул дастур била мухайё широк зохир бўлур эрди. Бу ишда менинг таваккулим дуруст бўлди.

Таваккул ахли ҳақ йўлин бу навъ ёрутублар ва анинг гайрига тавассул ҳаёлин кўнгулдин чикорибдурлар.

Китъа:

Таваккул чин дуруст эрмас муҳалдур,
Анга наълайнинг ортуг широки.
Дуруст ўлгач йигилса ганжи Корун
Йўл ул дам роҳравнинг ҳеч боки.

Т ў р т и н ч и б о б

КАНОАТ ЗИКРИДА

Каноат¹⁴ ибодат қуввати ҳосил бўлгонча қувват била ўтқармақдур ва андин ортуг барча ниманинг ҳавасин ҳаёлдин, кўтармақдур. Ва бенаволиг била нафсни озурда тутмоқдур ва маҳрумлиг била қувойи шахвонийни пажмурда қилмоқдур.

Каноат чашмаедурким, суви олмоқ била қурумас ва маҳзанедурким, нақди сепамок била ўқсумас ва мазраедурким, тухми иззат ва шавкат бар берур ва шажаредурким, шохи истигно ва ҳурмат самар келтурур.

Кўнгулга андин очуглук фойдаси етар ва кўз андин ёруглук натижаси қасб ётар.

Қонё дарвешнинг қурук нони, томеъ шохнинг хитойи хонидин хўброкдур. Ва фориғи фақрандишнинг ёвгон умочи олғувчи ганийнинг наботий қулочидин марғуброк. Шох улдурким, олмагай ва бергай. Гадо улдурким, сочмагай ва тергай.

Улким қаноат мўътод бўлди — шох ва гадо тараддудидин озод бўлди. Маош уйи гарчи бўлур тор, аммо хар кеча муболага қилсанг ери бор. Хисоредурким, анда қирсанг, нафс шарридин қутулурсен ва кўхсоредурким, анда қиксанг, душман ва дўстдин мустағний бўлурсен афтодалигедурки, натижа сарафрозлик ва ниёзмандлигедур; фойдаси

бениёзлигдур — тухми бари гино ва шажаредур самари истигно; маедур — аччиг на нашъаси тарабангиз; йўледур — каттиг, аммо манзили фарахомез.

Каноатда нечаким, фарогбол, акси тамаъда разолат ва накол.

Хасис таъбга дўстедур лаимваш—гадошевалик ва разолат анинг таврига хуш.

Мувофакатига асар хорлиг, муносабатига бахра сабукборлиг. Хар таъбадаким, ул мавжуд бўлди, ул киши улус таъбига мардуд бўлди. Лаимлик ва разолатка камол андин, одамийлик ва инсониятка завол андин. Ўтедур номус уйин куйдургувчи, еледур иззат хирманин совургувчи ва викор шамъин ўчургувчи. Тамаъ инъомга андоқдурки, шаратаомга, ул бири дунлар харакоти, бу бири бахойим сифоти.

Каноат жавхаредурким, элни мундок икки балодин ўткарур ва мундок икки ибтилодин куткарур. Бу икки замима феълки, ёмондур, гўё икки нохуш тавъамондур, ул мундин ёмон ва бу андин ёмон, иккаласи ёмондин—ёмон. Бири лаим ва бири мудбир иккаласининг хакикати бир. Мухбири содик¹⁵ (саллоллохи алайха вас—саллам) мунга мундок дебтур: «Конеъ не азизга томеъ, не залилга нисбат берибдур».

Рубоий:

Хар кимки, каноат тарафи нисбати бор,
Борча эл аро тавозеу иззати бор,
Улким тамау хирс била улфати бор,
Яхши—ямон ичра зиллату накбати бор.

Хикоят: Кошифи асрори илохий Шайх Шох Зиёратгохий¹⁶ (куддиса оллох сирриху) ибодат фарогати учун каноат шиор килди ва Зиёратгох касабасида маскан ихтиёр килди. Ва улус назр ва хадиясин парво килмади, ва салотин инъом ва суюрголин кўзга илмади. Мухаккар Мавруси мухавватасига ашжор тикти ва экин экти. Ўз муборак илики била экин суворурга бел урар эрди ва ашжор тарбияти теша ва арра сурар эрди. Бу навъ каноат била натижаси «азза ман канаа»¹⁷ хукми била ул ерга еттиким, Хирот дор ус-салтанасидин салотини маснаднишин ва уламои дин ва машойихи ахли якин уч шаръи йўлни ул бузургвор хизматига борур эрдилар ва остони туфрогин ўпмак била тафоҳўр бошин фалакдин ўткарур эрдилар ва ул зироат нонидин ва ул фавоких жонидин хар не иликларига тутса кўзларига суртуб, кўюнларига солиб, табаррук учун шахрга аёл ва атфоллари учун келтурур эрдилар ва андин еганлар охират нажотига хам умидвор бўлур эрдилар. Каноат натижаси мундин комилрок оз вухур килиб эркин ва хурсандлиг богчасининг раёхини мундин тароватлигрок кам очилиб эркин.

Китъа:

Жахон ичра кўп сунъ кўргузди сонёъ,
Эмасдур киши турфа андоқки, конёъ.

Кишидин талабсиз гино хосил этмас,
Яна жудга бўлмамоқ хеч монёъ.

Б е ш и и ч и б о б

САБР ЗИКРИДА

Сабр ўзни чикармоқдур хузуз нафсонидин ва танаъумот жисмонидин ва нафсни хабс килмоқдур ибодат меҳнатида ва кадамни собит кўймоқдур риёзот суубатида. Хак йўлида котиг ирикка тузмақдур ва яхши—ёмондин хар не эшитган ва кўрганга тахаммул кўргузмақдур. Аччигдур, аммо судманд; каттигдур, аммо дофеи газанд. Кайси номурод илик этагига урдиким, мурод топмади? Ва кайси гирифтор кўнгул сабр бандига кўйдиким, кушод топмади? Фарахлар мифтохидур ва бандлар аттохидур.

Рафикедур суҳбати мумил, аммо оқибати муродка қарийилик ва ҳарифедур умиди узун аммо ниҳояти матлубка ҳамнишинлик. Самандедур қохилхиром аммо манзилга етқургувчи ва бухтиедур сақилгом, лекин маъманга тушургувчи.

Носихи талх гуфтордек таъ андин озурда ва лекин зимнида мақсуд ҳосил, табиб батий—ул—илождек, 18 мариз андин пажмурда, аммо сўнгида сиххат восил.

Ишк аҳли зикридин мутагаййир ва лекин гояти васлга умидворлик, ҳажр эли ёдидин мутанаффир ва лекнн ниҳояти иттисолга қомғорлик.

Қафасида жон булбулига не ҳамушлук суд этиб, не наво ва илхон, мажлисида рух тўтисига не сукут нафъ етқуруб, не фарёд ва фиғон. Саҳросида фарогат ҳамону изтироб ҳамон, биёбонида даранг ҳамону шитоб ҳамон. Сўхтаи фирок ўлмақдин анга гам йўк, андухтаи иштиёқ қуймақдин анга алам йўк. Ҳажр шомидек тийра узун, аммо гояти субҳи висол, ҳаж йўлидек каттиг ва йирок, аммо ниҳояти Қаббаи иқбол.

Ҳар гирифторгақим, ул нобуд ҳаёти андин барий ва хар умидворгақим, ул номавжуд руҳи андин сипарий.

Ошиқларга маразедур ва беморларга захредур ҳалоқил. Саҳих анинг суубатедин бемор, ҳавос анинг укубатидин ноқор. Руҳ иши ани тортарда тааллул, кўнгул анинг каттиглигидин бетокату тахаммул. Йўли бодиясида зулумоти офат, Хизрдек ани қатъ қилгонга баҳра зулоли ҳаёт. Шиддати юкига қомиллардин бири Айюби 19 набий ва суубати ҳамлига қомиллардин бири Муҳаммади арабий.

Б а й т:

Ажаб ранжеки андин саъб йўк ранж,
Вале чеккан қишинннг баҳраси ганж.

Хикоят: Бир нотавон кўнглида бир гулўзор қорқори бўлди ва ул тухмат била зиндон қорқори бўлди. Ул иш иқрори учун анга қилмаган азоб қолмади, аммо ул маҳфий сиррин кўнгулдин тилга қолмади. Оқибат бир қун асақлар бордилар ва ани зиндондин банд била судраб қорқордилар. Ва бош-аёғидин тортиб узотдилар ва бир қучоқ йиғоч анинг аъзосига ушотдилар. Андоқки, бошдан - аёғи қарохат бўлди ва бари аъзосинннг териси сўюлди. Таёқ аъзосин андоқ афғор қилдиким, қон ул маъракани қолазор қилди. Мақлум муқлақо дам уради ва иқрор тақаллумин тилига сурмади. Қун таъзиб шиддатидин қорқордилар, ул мажмуъдин судраб қорқордилар. Навмиқлиқдин қўябердилар ва инсоф оламида муқик эрдилар. Қун жафопешалар йирок борди, жафокаш оғзидин бир ушолқон дирам қорқорди. Жаъмики ани қўрдилар. Ул иш қайфиятин сўрдилар, улча жақобидин мафҳум бўлди, бу ҳолат маъдум бўлдиким, сиёсат қанғомасида манзури ҳозир эрмиш ва бир қўшадин анинг ҳолига нозир эрмиш. Анга етарда ул бедоду ситам тиши остида эрмиш ул дирам. Азоб эътидолдин ўтарда дирамга тишин берқитур эрмиш

ва тиш захми била ул дирамни пора—пора ушотур эрмиш ва манзур нозир олида сабру тахаммул килур эрмиш ва анинг наззорагар эрканин билур. Манзур чун бу холни билди, меҳр ва шафкат била бошига келди, юмшок сўз била яраларига мархам еткурди ва чучук тил била мажрух танига жон кивурди. Хаёлига кечмас давлатга сазовор бўлди ва гумонига ўтмас одатга комгор бўлди. Бу барча шиддатдаги сабру шикеболиг натижаси эрди ва ул суубат ва шиддатда тахаммулдин анга даст берди.

Б а й т:

Кимки бир шиддат аро сабру тахаммул айлади,
Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади.

О л т и н ч и б о б

ТАВОЗУЪ ВА АДАБ ЗИКРИДА

Тавозуъ халкни киши мухаббатига шефта килур ва улусни фоил маваддатига фирифта килур. Дўстлуг гулшанида назорат гуллари очар ва ул гулшандин унс ва улфат базмида турлук гуллар сочар. Мутакаб бир душманга мулоямат сари йўл кўргузур ва муъжиб хасм хотирига инсоният завкин ўлтургузар. Такрори хаёсиз муддаийни уят сархаддига бошкарур ва теъдоди инсофиз адувни ямонликдин ўткарур.

Агарчи борча элдин хўбдур ва бари халойикдин маргуб, аммо сарафрозлардин хўброқдур ва бениёзлардин маргуброк. Абнойи жинсдин бир—бирига мустахсан, акобирдин асогирга ахсан. Сахо килмай элни шод килур ва ато кўргузмай кишини гамдин озод килур. Адаб кичик ёшлигларни улуглар дуосига сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор. Кичиклар меҳрин улуглар кўнглига солур ва ул мухаббат кўнгулда муаббад колур.

Ушогларни кўзга улуг килур атворидин халк улуглик билур. Халк жонибидин беҳурматлик эшигин боғлар ва кишини хазл ва истихфофдин сахлар. Табиатга инсоният тарийкида андом берур ва мижозга одамийлик манзилида ором еткурур. Кичикларгаким, андин мунча бўлгай, улугларга кўрким, неча мунча бўлгай.

Мухаббатга зебу пироя адабдин етар ва муваддатга равнак ва бахо таркидин кетар. Адаб ва тавозуъ кўзгусига жило берур, икки жонибдин ёруглук еткурур.

Тавозуъ ва адаб ахтлига таъзим ва хурмат етар ва ул донани эккан бу махсулни жамъ етар. Халк ихтилотида хамида ахлоқ ибтидоси бу хисолдур ва бу русух топса мухаббат ихтилоли махолдур. Икки жонибдин агар хулки карим бўлгай, адаб ва тавозуъ мукобаласида иззат ва таъзим бўлгай. Хушо, бу навъ ахбоб орасида сухбат ва бу тавр асхоб орасида муваддат. Мундок ахли мухаббат ва вадод ва хайли муваддат ва иттиход. Агар зохирда дўстлуг сафоси учундур дунёда комгорликдур. Ва агар маънода тенгри ризоси охиратда умиди растгорликдур. Ва агар тенгрилик учун бўлса, «Ат—таъзиму ли амриллох»²⁰ саодати хосил ва агар холик дўстлиги учун бўлса, «Аш—шафкату ало халкиллохи»²¹ давлати восил.

Бу олий мартабага шониста ва лойик муваффакедурки, зоти фақр давлатига мулойим ва мувофик, йўкки, мутакаббири худписанд ва жохили нохирадманд.

Б а й т:

Аклу хикмат ишидур буйла маошу ойн,
Кайта топкай муни хар нафспарасту худбин.

Х и к о я т: Ахбор ровийлари ва осор ховийлари мундок ривоят килибдурларким, бир ов хангомаси гавгосида ва чопмок ва отмок орасида Хусрав Парвезнинг сарафрозлик тожидин гавхари обдор ва дурри шахвор узулуб ерга тушти. Ва ов иштиголидин анга хеч кишига хабар бўлмади. Овдин Мадойинга кайттилар. Чун ул ишни билдилар ва халойикни муноди била чикордилар ва ул гавхари ноёбни тилай бордилар Чун ул зеби тож мулк хирожи эрди, топконга кўл нима ва кироманд сила ваъда бўлди. Халк ул биёбонда жусту жўйида ва сила орзуси гуфтигўйида.

Иттифоко икки хамрох: бири гофил ва бири огох. Гофил жахл юзидин худписанд, огох тавозуъ ва адаб зеваридин аржуманд. Бирининг исми Мудбири жахонгард ва бирининг оти Мукбили жавонмард. Ул биёбондоги йўлга озим ва шахр сари борурга жозим. Пўянамо ва даштпаймо эрдилар, чун дар талаб элга ёвуштилари. Ул халкни бошлаб чиккон кишига йўлукуштилари. Мудбир такаббур била анга бокмай ўтти. Мукбил инсоният тарийкин илгари тутти. Ул солорга адаб ва тавозуъ била бош индурди, аёги остида гавхар худтушган эрмиш, кўруб олиб, ўпуб ул солорга тута берди, ул худ мавъуд силанинг вакили эрди. Мукбилнинг илигин тутуб шахарга кайтти. Хусрав хушхол ва мунбасит бўлди. Ва анинг узрин дегандин ортук эхсон била кўлди. Мудбир такаббур натижасидин шахар гулханида маком тутуб, Мукбил адаб ва тавозуъ фойдасидин гавхари максуд топиб, шох гулшанида ором топти.

Б а й т:

Мутакаббир кезибон шахарда хору мардуд,
Мутавозиъни ганий айлади дурри максуд.

Е т т и н ч и б о б

ЗИКР ШАРХИДА

Зикр кўнгул била хак ёди иштиголидур ва тил била даги хамул такаллум маколи. Ва баъзи тилга ул амрдин маъдуллуқ дебдурлар ва кўнгулга мудовамат ва машгуллуқ. Кўнгул била Хак ёдидин холий бўлмоқдур ва анинг гайри хайлидин холий бўлмоқдур. Ва ул машгуллуқ «ма халака оллох»²² фаносидур ва «мо халки оллох»²³ холикининг бакосидур. Нафй калимаси билаким, «ло илоха» бўлгай, мосиволлохни унутмоқдур ва исбот калимаси билаким, «Иллаллох» бўлгай кўнгулни овутмоқдур ва машгул тутмоқдур. Ва анинг ниҳоят мартабаси зокири мазкурда нобуд ва йўк бўлмоқдур. Ва анда тилга когал йўк ва тақриру баёнга мадхал йўк. Не лисонга такаллумдин хабар ва не баёнга тараннумдин асар. Бу харамга кулли махрам бўлмаглик нафйи хотирдур ва ифнойи мавжуд ва номавжуд. Ва гойиб, ва хозир ўзни буду нобуд хаёлидин кочурмоқдур ва максуди аслий талабида ошно бўлса бўлмас. Ва буду нобуддин холий бўлмогунча бу хаёт зулолидин тўлса бўлмас. Бу дарёга кирган гавхари максуд тиласа дам асрамок керак ва бу харамга йўл топкон махрамлик тиласа дам урмамок керак. Шох розин асрамокда тилин

тиймаганнинг боши борибдур ва гайрат ва сиёсат тиги анинг ниҳодидин замор чикорибдур. Бу май ичгандин кайфият изхори кўнгли бетоблигидиндур ва бу бода мастлигининг шароблигидиндур.

Рубоий:

Майхона жамъики эрур бодапараст,
Зохир май ичгандин ўлурлар бадмаст.
Мингдин бир эмас бу хакикат майидин,
Ичган ани охсум ўлса тонг йўк пайваст.

Х и к о я т: Мукарраби Хазрати бориё Хожа Абдуллох Ансорий²⁴ (қуддиса сирруху) дедиким, ул такаллумгаким Мансур²⁵ дам урди, мен ҳам урдум. Ул ошкор этти ва мен ёшурдум. Менким ёшурдум, тождорлиг манкариб бўлди. Ул ошкор этти, дорга ток бўлмоклик насиб бўлди. Ул хануз хом эрди ва бу маънидин хуруш килури бехангом эрди. Эшитгувчи ибo этти ва анга етти ва улча етти. Мен ул сўзни анжуманда гуҳор этармен ва изхорида исрор ва такрор этармен ҳеч кас манга нима дей олмас ва демаским, сўзумнинг агарчи маъниси улдур, аммо суврати ул эмаским, суврат ахли сувратга назар солурлар ва маъни ахли маънидин баҳра олурлар.

Илохий, бу огохлар аёғи туфрогидин биз гумрохлар тийра кўнглига очуглик еткур ва короргон кўзларига ёруглуг еткур.

Б а й т:

Хамул кўхл ул жавахирни кўзумга тўтиё айла,
Ул иксири саодатдин вужудим кимиё айла.

С е к к и з и н ч и б о б

ТАВАЖЖУХ ЗИКРИДА

Таважжух²⁶ Ҳак субхонаху таолага юзлашмак ва ул ён эланмокдур. Ва халқдин тааллук торин зууб анга уланмокдур. Жамиъ орзудин чикмокки, Ҳакнинг гайрига айландургай ва Мосиволлох иштиголига чирмондургай. Андоқким, дунё ва охират саодатин арза килсалар ва сиддиклар ва пайгамбарлар маротибин жилва берсалар, солиқ ул ён назар ўкин отмагай ва кўнглига аларнинг радду кабулин мутлако йўлатмагай. Агар таважжухда юзига ўқлар келса, кўз юммокни унуткай, агар бир кўзини ул ўқлар зоеъ, яна бирин илгари туткай. Агар ул наззорада тош ёғса бошин ёшурмагай ва ани мухофазат калкониға кочурмагай. Агар оллида шери жаён юзланса, анга мўрча келмагай ёмон ва агар пили дамон учраса, ул хамон бўлгай ва пашша хамон. Сели балодин таважжухга нам етмагай ва сарсари офат бир тори мўйин ҳам этмагай. Чархи гаддор фитналик нужуми била анга бир зарафшон вараки мовий ва барки хаводис анга ел учургон бир сарик гул яфроги била мусовий. Мехри мунир оллида заррадин хакир ва хоксор, баҳри заххор назарида бир катрадин бемикдор, яъни ул таважжухига монеъ мумкин бўлмагай ва ул наззораси шуъласи дарёлар суйи била сокин бўлмагай. Ва бу маком солиқнинг сидкига долдур ва ихлосига гувоҳи холдур. Ва ошиқлигида яқдиллигиға

далили беиштибох ва якрӯй, якжихатлигига гувоҳ ва шавки гоятсиэ эрканига гувоҳи содик ва мухаббати ниҳоятсиэ эрканига далили мувофик.

Маснавий:

Таважжух бирла хинду саъй этар чоғ,
Тушурур кӯк ёғочдин тоза яфроғ.
Кашаф айлаб таважжух байзасига,
Борар кӯз бирла босмай косасига.

Хикоят: Бир гулханийи меҳнаткаш кӯнглига бир шахзодаи хуршедваш ишки харорати тушти ва харорат тобидин кони курушти ва руҳи муворакат килурга ёвушти. Хирад матои илгидин борди ва жунун шайдоликка бош чикорди. Атфол кувуб тош урарлар эрди. Кӯчадин кӯчага сурарлар эрди. Анинг огзида шахзода оти мазкур ва кӯнгли анинг зикри била масрур. Чун атфол тошидин тӯяр эрди, кочиб гулханга юз кӯяр эрди. Чун гулханийи мажнунни шахзода ишки машхур этти, бу сӯз шахзода кӯлогига ҳам етти. Андоки, пок ишк бил—хосият маъшук кӯнглига жозиб бўлди. Шахзодаи париваш девонасин кӯрарга роғиб бўлди. Сайр асносида маркабни ул гулхан сори сурди, чун девонаи номуродни кӯрди, наззора ва таважжуҳи андок беҳудлукка улаштиким, гулхан ўти бошин аёгига туташти. Ул наззорадин беҳабар эл етиб ўтин ўчиргунча андин не хабар колди ва не асар. Шахзодаи котил девонаси холидин йиглаб гусса ютти, турфа кӯркам, ўзи ўлтириб, ўзи азо тутти.

Б а й т:

Мажозий ишкда мундок таважжух айла хаёл,
Агар ўлса ишки хакикийда кӯр не бўлгай хол.

Т ў к к и з и н ч и б о б

РИЗО ЗИКРИДА

Ризо²⁷ ўз дилхоҳ ва ризосидин кечмакдур ва Хакки субхонаху ризоси жомин ло журъа ичмакдур. Ўз кӯнгли тилаганлар мавто адосин фарк билмак ва махбуби хакикий ризоси била тирилмак. Бу маколдур. Соликнинг аъзам макоми ва арфаъ даражоти нечунким, солик бидоятда масканат ва хакорат макомида хакирнинг ризоси ва матлуби ҳам хакир бўлур. Чун ўз ризосин билкулл фано ўтига отти ва хак субхонаху таоло ризоси била ўзин тузатти. Мосиволлох лавси орийдин кутилди ва «алмутахаллику биахлокилло—хи»²⁸ сифати била Мутаассиф бўлди. Ажаб маколедурким, агар бу корхонада хитойи накшин кӯрсун ва агар исломий парчани наккош накшбандхонаи сунъидин мутасаввир билгай ва хар бирини ўз ерида беназар тасаввур килгай. Равзаи хулдидин кӯп шод ва дӯзах дудидин кӯп тийра ниҳод бўлгай. Калимуллох мадҳида муболага кӯргузмагай. Халилуллохи²⁹ огоҳ била Намруди³⁰ мардуд аросида муҳолафат эшикин руст кӯргай. Ва мувофакат риштасин дуруст. Офариниш боғидин агар бошига гул ёғилсун, ва агар аёгига тикан санчилсун, чун боғбон чаманоро ризо ва ихтиёри биладур не ул биринин бошин ёшургай ва не ул биринин аёгин йигиштургай. Ва дӯст ризосига жон фидо килгай

ва агар яна жон тириклигин анинг ризоси учун тилагай ва ўлумда анинг ризосин топса, жон истагай ризосин. Хак ризоси билмиш бўлгай ва муродин анинг хостида махв килмиш бўлгай ва ўзлугидин хабар колмамиш бўлгай ва ўзига ўз ризосидин асар. Хакдин агар гаффорлиг зухур этар—анинг маргуби ва агар коххорлиг зухур этар хам анинг махбуби. Ниш етса захмига мархам ва гар мархам етса багри захмига хам мугтанам.

Б а й т:

Рози ўлса гар ёмон, гар яхши бўлса жилвагар,
Сунъи килкидин мусаввардур чу хар янглиг савар.

Х и к о я т: Валоят дарёсининг гавхари ва хидоят сипехрининг ахтари асадуллох ул—голиб, Амир ул—мўъминин Али ибни Абу Толиб (разиоллоху анху ва карамоллоху важху) ризо макоми таърифида ва соликнинг розиликка мутаассир бўлгони тавсифида варак юзига маорифнигор хома урубтур ва бу навъ дакик нукта сурубдурким, ризо макомига камол ўз ризоси хак ризосига мувофик килгонга хол будурким, сўл кўзунг хонаси Хайбар эшигига макон бўлсун ва ул пошина очилур—ёпилурда ул маконда кўрунсун. Эшиткувчи айни ризодин ўз шонин унутмагай ва гояти таъзимдин ўнг кўзин ул хизмат учун илгари тутмагай. Агар мундок килса, улча анга казодур, анинг мукобаласида хам фузуллуқ, хам адам ризодур. Ризо макомига ўзин нобуд ва фармонбардорлиг да ўзлукин номавжуд килгонга бу вужуд кайдин келдиким, сўл кўзни хор, ўнг кўзни азиз билгай. Ва бу хору бу азиз аросида тамиз хам килгай, анга ризо шарти улдурким, амрига тоат килгай ва маъмур бўлгон изхори тоат. Ва бу ширин мева валоят боги шажарасидин бўлгай ва бу лазиз фокиха хидоят шажарасининг самараси бўлгай.

Б а й т:

Валоят ичра бўлгай мевалар кўп таъму холатлиг,
Вале кайси валоят бўлгай мунча лаззатлиг.

Ў н у н ч и б о б

ИШК ЗИКРИДА

Ишк31 ахтаредур дурахшанда, башарият кўзи нур ва сафоси андин ва гавхаредур рахшанда, инсоният тожининг зеб ва бахоси андин. Мехредур толеъ, махзун хотирлар хористони андин гулшан ва бадредур ломеъ, тийра кунгуллар шабистони андин равшан. Бахредур васеъ, хар игрими юз аклу хуш кемасин чўмургон ва тогедур рафеъ хар тиги минг зухд ва такво бошини учургон. Шуълаедур сўзанда, хошоки кўп жону кўнгул бўлгон ва баркедур фуруъзанда, кўп жону кўнгул ашиъасида кул бўлгон. Аждахоедур хунхор, оламни дами била тортмок анга ком, пошшохедур каххор, коми хар олам ахлига катли ом. Ва хар неча зулм килгон анга конмок йўк. Соикаедур, аклудин хирманин куйдургучи ва сарсаредур аларнинг кулин кўкка совургучи.

Иноди олинда тенг хам подшоҳ, хам гадо. Бедоди кошинда бир хам фосик, хам порсо. Ошик кўнглига маъшук хавосин солгувчи хам ул ва бир жилваси била накди хаётин олгувчи хам ул. Ва ошик мундок балонинг гирифтори ва мундок офатнинг беихтиёри,

мундок тўфоннинг гарики ва бу навъ соиканинг харики, мундок гаддорнинг забуни ва мундок паризоднинг мафтуни ва мундок девкирдорнинг мажнуни. Ва мунунгдек ошубнинг шефтаси ва бу янглиг котилнинг фирефтаси, бу тавр хунрезнинг халоки ва бу турлук балоангезнинг дардноки.

Ишк кўхистони бедодининг ношодларидин бири Фарходдур ва сахройи жунун забунларидин бири Мажнундур. Ва шабистон савдоси девоналаридин бири парвона ва гулистон хавоси ношикебларидин бири андалиби девона. Ва оташгох харорати гармравларидин бири Хусрави номий ва майкада дардмандлиги номийларидин бири Жомий (наввараллоху маркадаху нуран ваффақаналлоху!)

Б а й т:

Ки то бўлгай булар бир—бирлари бирла карийн бўлсун,
Самандарлар киби ишк ўти ичра хамнишин бўлсун.

Бу таъриф килгон ишк ва бу баён этган ахли ишк маъшук вужуди бирла койимдурлар ва бу адо топкон холотга мансублуклари дойим. Ва ул маъшук хуснидин иборатдурким «Инналлоху жамилун юхибб ул жамол³²» андин хабар берурким, ишк бу эътибору жалоли била ва бу ихтиёру истиклоли била хусн саропардаи кибриё ва боргохи истигноси теграсида бир бандаи човуш ва бир камина халка багўшдурким, хар қачон хусн султони махбублук никобларидин ва мастурлук хижобларидин чикмок асбобин тузса ва зухур тажаллиси била жилва гар кўргузса, ул нур ошики махжур кўзи равзани шишалари равзан кўзи шишаларидек хайрон килиб ишки бебок айёри ул равзан йўлидин ўзин кўнгул маъмурасига ташлар ва ул маъмурада хароблик оғоз килиб, хирад ва хуш хайлига кўзгалон сола ташлар. Ул маълум эмаским, хусн султонининг бу золим човуши бедодидин ул мулк ахлининг мазлумлари нетгай ва холлари анинг ташаддуди суубатидин не ерга етгай. Бовужуди бу хол ул кишварнинг асирлари ва ул мулкнинг катлу торож кўрган ахли фазаъ ва нафирлари ул жилва майидин масти бехуд ва ул жамол тамошасидин волаву хайрон бўлиб, анинг хавосига машъуф ва анинг тамошасига маглуб бўлурлар.

Эндиким, ул кишварни тасхир килди ва ул мулк ахлин яғмода асир этти яна ул султон жилвагоҳ фазойи эрамидин хилватгоҳ хафоси харамига майл этиб, хамул нур ва зулмат пардаларига юзланса ва жамол куёшин хамул шабандуз никоб сахобларига ёшурса ва бу турктоз топиб, мусаххар бўлгон мулк ахлига ва бу катлу торож кўруб, бузулгон кишвар элига ул тамошо хирманидин ва ул назора имтидоди аршидин рустохезе тўшлангай ва киёмате юзлангайким, жузъи акбару авлиёси ва ошуб ва фазаъи махшарда шавкоси аларнинг ниҳодидин фалаки гаддорга майл этгай ва бу сипехри давворга етгай. Бу холатедурким, мунунг шиддати тақриридин тошкоридурким, муни кўрмаган киши билмас ва мунга етмаган бовар килмаским, хижрону фирок мундин иборатдур ва ишка маротибдур ва ул уч қисм била мункасим бўлур.

Аввалги қисм. Авом ишқидурким, авом ун—нос орасида бу машхур ва шоеъдурким, дерлар: «Фалон фалонга ошиқ бўлубтур». Ва бу навъ киши хар навъ кишига бўлса бўлур, шагаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шахвати нафсоний эмас ва бу қисмининг бийикрак мартабаси шаръий никохдурким, бари халойикка суннатдур ва мубох. Ва пастрок мартабасида паришонлик ва мушаввашликлар ва бесомонлик ва нохушликлареки, зикри тарки адабдур ва баёни беҳижобликка сабаб.

Иккинчи қисм. Хавосс ишқидурким, хавосс ул ишқка мансубдурлар. Ул пок кўзни пок

назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзголмоқ ва бу пок мазхар воситаси била ошики покбоз махбуби хакикий жамолидин бахра олмоқ. Ишк ахлининг покбозлари ва шавку ниёз ахлининг назмтироз ва афсонапардозлари мутакаддиминдин андоқким, назм бешасининг газанфари ва дарду ишк оташкадасининг самандари ва завку хол водисининг покрави Амир Хусрав Дехлавийдурким, пок нафас ва гуфтори, пок алфоз ва маонийлик ашъори ишк ахлининг орасида гавго ва важдухол анжумани фазосида алоло солибдур.

Яна сўзи поку, кўзи пок ишк ахлида мужаррад ва мунфарид ва бебок бу тоифанинг беназиру адил ва токи фахрулмиллату вад—дин Шайх Ирокийдурким³³, ишк сифотига муттасифдур ва ламаоти пок маоний ва тарокибига мунсифдур. Ва мутааххиридин икки оламини бир дов била ўйнагон мукаммир шевалар покбози ва ишк дайри фаносида хакикат бодасидин маст риндлар хамрози шамсул—миллати вад-дин Хожа Хофиз Шерозийдур. Дунё ва охиратни бир ох ила ўртаган пок ошиқлар имоми ва мулк ва малакутда сойирлар шайх ул—исломи хазрати муршидий ва махдумий нур ул—миллат вад—дин Абдурахмон Жомийдур (наввараллохи маркаду— ху) ким, агарчи алар васфи назмга нисбат берурдин юкорирокдур, аммо хар синф назмда беназир эрдилар ва нечаки таърифлари шеърда махоратдин ташкаридур ва лекин хар услуб шеърда жахонгирдурлар. Ва назимларида хар шеър била ишк ўтин оламга урубтурлар, шеърларида хар байт била дард ахли жону кўнгул оламин кўйдурубдурлар.

Яна ул хазрат жоми мухаббатидин дуркашлар ва иршоди сулукидин фонийвашларким, дарду ишк таври адосида гуфторлари турк улусида хароратомез ва сорт хайлида офатангиздур. Борининг гарази гуфторлари иштиголидин ва ано ёлинидин ажзу ниёзлик холати ва дарду бало чокинидин сўзу гудозга мубохоти ўзин бу ишкка мансуб килмоқдур, балки кўрунур бу ишк оламида ошиқликнинг саъб холи ва маъшукнинг муфрит жамоли хар ерда хар бирининг ажаб холоти ва гариб хаёлоти ва гоятсиз бул ажаблар ва ниҳоятсиз рангу таабларга юзланибдур ва анинг изхори лозим келибдур. Ул жумладин, маъшук хусну жамолининг бенихоятлиги ва нозу истигносининг беҳадду гоятлиги. Ва андоқ ахволким, мунга мувофик бўлмай, андин сўнг ошиқ дарду шавкининг фаровонлиги ва ажзу ниёз ва сўзу гудозининг бепоёнлиги. Ва хар умурким, унга муносибдур, яна иккаласининг бир бирига имтизожи ва таркибидин ва ихтисоси ва тарбиятидин вукуъ топкон холот адосида ва юз кўргузган мушкилот имлосидаким, хар бирида агар китоблар тасниф килилса ва мужалладлар таркиб этилса, хануз улча анинг адосининг хакидур тахрирга кетурмак, тақрир каламин сурмак мутагаййир кўрунур, балки мутааззирдур. Ва коинот бозорининг гавгоси ва унсуриёт чорсусининг алолоси бу такаллум ва тараннум биладур ва мунсиз инсон каломи танедур жонсиз ва башар алфоз ва ибороти чаманедур гулу райхонсиз.

Сўзким, дард чошнисидин харорати бўлмагай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон кил. Хосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсона, дур ва сўз ишк сўзидур ва кўнгулда хаёт нашъаси ишк ўзидур.

Б а й т:

Сўзки маъносида ишк ўти нишони бўлмагай,
Бир тахарруксиз бадан онглаки, жони бўлмагай.

Х и коя т: Мажнун ишки ўти хижрон гудозига улашти, заиф баданига ул хароратдин

иситма шуъласи туташти. Хар муолажаким килдилар суд этмади, мараз ортти ва иситмаси кетмади. Чун бемор иши назъ холига етти, биров ул холдин Лайлига хабар этти. Паривашни ул хабар ношод килди, девонасин сўрарга нома савод килди, косидким ул номани Мажнунга еткуруб берди, рухдин танида рамак йўк эрди. Мехрибонларким, номани мутолаа килдилар беморга истимоидин асар билдилар. Хар кимки ани такрор этар эрди, ул нафасдин бемор танига рух етар эрди. Ул дамким, иши хирз ва дуодин ўтди, маъшук номаси хирз ва дуо ерин тутти.

Мариз заъфдин сиххат топкунча такрор килди чун сиххат топти, бўйнига тумор килди. Ишк сўзидин марази сиххат топти ва ул сўз такроридин—бадани кувват.

Б а й т:

Ошикка гарчи заъфу маразликдурур мижоз,
Маъшук зикри ул маразига эрур илож.

Учунчи кисм. Сиддиклар³⁴ ишкидурким, алар хакнинг тажаллиёти жамолига мазохир воситасидин айру вола ва маглубдурлар. Ва ул мушохада бехудлигида алардин шуур, алардин маслуб. Шухудлари истигрокка етган за ул истигрокдин истихлок макомин хосил этган. Агар хаводис ели сипехр гулшани аврокин учурса, аларга андин хабар йўк ва анжум гулбаргларин хар сори совурса аларга андин асар йўк. Хавосслари нокор тажаллиёт жамоли садамотидин ва шавклари номикдор ишк хужуми галаботидин. Анбиёйи мурсалин етгандии назарларин максуддин олмай ва малоика мукаррибин ўтгандин назарларин ул сари солмай. Холлари матлуб мушохадаи жамоли ва иштиголлари хам анинг мулохазаи саноеъ ва камоли висол майи зўридин кўнгуллари бехуд ва маст, мутаокиб тажаллиёт сатватидин аъзоларида шикаст. Васл бодасидин ўзга рухларига ком йўк ва хак мушохадасидин ўзга кўнгулларига ором йўк. Булардур ишкда васлдин ком топкон ва «инда маликин муктадирин» макомиди ором топкон. Ва бу тоифани восиллар дебдурлар, ишкдин васл максуди хосиллар.

Хикоят: Хаж шарафин хосил килган машойих ва авлиёйи алайхум аттахият вад дуо Арофатда муножот килиб, хар кайси бир мурод истар эрди ва ўзлари учун бир тилак тилар эрди. Ва кўпнинг дуоси бу эрдиким: — Илохи, бизга тавфикинг бирла хамрохлиг бер ва ўз хакикатингдин огохлиг. Ва кутб ус—соликин ва султон ул орифин ирфон тарикида авлиёдин мумтоз Шайх Абу Саид Харроз³⁵ (куддиси сиррухул-азиз) огзида сукут мухри зохир ва жамоли тажаллиётка мустагрик ва мутахайир туруб эрди, кўзин осмонга уруб эрди. Биров дедиким: — Ё Шайх, бу махалда макбулдур ва бори машойих дуога машгул. Сен нечук дам урмассен ва дуо рахшин ижобат майдонига сурмассен. Шайх (куддиси сирриху) дедиким: — Хар не бу халойик дуо била тилайдурлар, борини манга берибдур, балки ортугрок кўнглум уйида берибдур. Андин не истай ва дуо килиб не тилай? Аларки, огохлиг тилайдурлар, манга матлуб. Бир замон гафлатдур ва холима эврулгали бир нафас мухлатдурким, анинг вужуди тажаллийси садамотидин бетобу тавонмен ва ул огир юк остида хасдек нотавонменким, анинг жамоли хайратидин ўзумдин хабарим йўктур ва ўзлугумдин асарим йўктур. Ишкнинг гояти бу ергачадур ва ошикка васлинг ниҳояти бу сўзни дергачадур. Бу ошикларким, олинди кабул ахлидурлар ва тарикати машойих истилохотида вусул ахлидурлар, буларни тангрига ошик деса бўлур, махбуб хам ва хакга толиб от кўйса бўлур, матлуб хам.

Рубоий:

Бу ерга етурса бандасин лутфи илох,
Тахкик билур хар кишиким бор огох.
Ким, топмас анинг оллида мавжуд саво (х)
Ул колди—ю тенгри колди Оллох, Оллох!

У ч и н ч и к и с м

МУТАФАРРИКА ФАВОЙИД ВА АМСОЛ СУРАТИ

Жох истигносига давр тенгри таолонинг мулку малакутининг тааммулидур ва кибр ибтилосига илож хам анинг кибриёу жабарутининг тааккули бўла олур.

Саодатманд агар олим бўлса, нодонлар сўзи анга мужиби ибрат ва эътибор; бесаодат жохил бўлса, олим сўзидин анга ор. Ва филхакикат, жохилликдин бесаодатликрок не нима бор?! Улки ўзин бегангай зихи габоват ва улки ўз сўзин бегангай, зихи шаковат! Олам ахли ўзлари қошида махбубдурлар ва сўзлари ўз илайларида маргуб. Ва башар жинси бу сифатга мажхулдурлар ва нафслари беихтиёр бу даъвога машгул.

Т а н б е х (1).

Андинки нафс комидур ва нафсоният макомидур. Хеч ким ўз кўнглига гам тиламас ва ўз нафсига алам истамас. Аммо ўзганинг шариф зотига беҳад мазаллат кўрса, онча тавофут килмаски, ўзига жузвий шиддат ва яна бир азиз нафсига беадад меҳнат англаса, онча мутаассир бўлмаски, ўзига оз кулфат. Ва барчага ўзгадин ўзи азизрок ва ўзгалар сўзидин ўз сўзи лазизрок. Олам яхшилигин киши ўзидин дариг тутмас, аммо ўзга кишига ёвутмас.

Танбех (2).

Эранлар ясанмогиким, намоиш учундур, хотинлар безанмагидекдурки, оройиш учундур. Агарчи бу маъно иккиласига кабиҳдур, аммо эранларга кўпрак мужиби тафзихдур. Барча ўз намоиш ва оройишига алил ва бу ўз қошларида махбублукка равшан далил.

Шоирки, харзаси кулмакка лойик, ўз хаёлида Саъдий ва Хусравга фойик. Котибки калогпойи зоги мулаввас аёгидин манкуброк, ўз олида Жаъфар¹ ва Азхар² хатидин махбуброк. Мусавирки, мувахшишдур суратининг ямони, ўз тасвирида Абдулхайдур³ ва Моний⁴. Музаххибки, хитойиси хатодур ва фарангиси калам ахлининг нанги, Аторидга⁵ таън урмоқдур сўзининг ранги. Хар пешаваргаким, хунари таърифиди муболага воқеъдур, ул таъриф, филхакикат, ўз нафсига рожеъдур. Жадал ахлининг мадрасасида кийлу қоли хам худписандликка тортар маоли, бу анинг сўзин рад килур ва ул мунунг сўзин, хар кайси беганур ўз сўзин ва ўзин.

Т а н б е х (3).

Худписанд — нохирадманд. Худоро — шохиди раъно. Мустагний — магбун, мутакаббир — малъун. Шахватпараст — нафсга зардаст. Худпараст — бутпараст. Бу балолардин нафсин фано кутқарур ва бу махлаклардин нажот сари бошқарур.

Т а н б е х (4).

Фано ахлига кўп айтмоқ мардуддур ва кўп эшитмақ матлуб ва махмуд. Эшитмақ элни тўла килур ва айтмоқ холи, эшитгувчи ва айтгувчининг будур холи. Кўп деган кўп янгилаур ва кўп еган кўп йикилаур.

Колаб амрозининг моддаси кўп емакдур ва калб амрозининг моддаси кўп демақ. Кўп демақ сўзга магрурлук ва кўп емақ нафсга маъмурлук. Одамийга бу сифатлар завоид, барчаси худпарастиликка оид.

Та н б е х (5).

Худпарастиликки, эрур моддаи идбор, мунда даги тавофут ва матиб бор. Худпарастики, не килгони ўзига хўбдур, бу нописанд феълга тафовут кўпдур. Агарчи анга кўп аксом лозим бўлаур, аммо бу ерда ихтисор учун кисмга мункасим бўлаур.

Аввалги кисм улдириким, ўзининг акволи ва афъоли ва ашколи хар неким бор, ўзига хўб кўрунгай, агарчи элга мардуд бўлгай, анга махуб ва маргуб кўрунгай, андоки, мазкур бўлди ва аврокка мастур. Иккинчи кисм улдурики, жамни холоти нохуш хаёлоти ўзига писандида ва рабоянда, мустахсан ва хуш оянда кўрунгай. Ва ул кабойихни яхши деб ўкунгай. Карих зот ўзин Юсуфи Канъоний⁶ дегай. Ва «анкар—ал—асвот»⁷ унинг Юсуфи Андигоний⁸ алхони. Номавзун абётин Салмонинг⁹ «маснуъ» касидасидин яхширок билгай ва бемаъни хазаёнин Жоруллох¹⁰ битган «Кашшоф»¹¹ гумон килгай.

Хакнинг хеч амрига бўюн кўймагай ва шаётиннинг барча буйругин бажо келтурурдин тўймагай. Ўз олида доно ва чечан ва хар номакбул киладургони анга маъкул ва мустахсан. Майга харис, бадмаст ва музмин, мажлисига гирифтор бўлгоннинг кутулмоги номумкин.

Номуборак базмига улки гирифтор бўлгай, номатбуъ харакотидин умридин безор бўлгай. Мажлисида ўкта хукмлар сурач чоги, барча ижрони ахком бир, бу доги, гирифтор мажлисидин кўпарга сурук калтабони монёъ ва агар ани гофил килиб эшигига етса, дарбони монёъ. Мубталога балое тушгайки, ўлумни кўзига, тўтиё килгай, ўлтуруб сени бу балодин куткорай деганга жонин фидо килгай, гар кутулса, Рум, балки Фаранггача турмагай, яна мажлис агар бихишт бўлса, ул ён кадам урмагай.

Бу худписанди бадкирдор ва бу лаванди мурдор бу палид мажлисидаким, зиндон андин яхширок ва бу нажис махаллидаким, мустарох андин аригрокдур, агар илайидин кекирса ва кейнидин ўзга ел секирса, ўз қошида махбублуги ул мартабада ва ўз афъолининг хўблуги ўз олида ул масободаким, тамаъи буким, базмидаги хозирлар ва бу ахвол ва афъолига вокиф ва нозирлар бу вокеъ бўлгон харакотнинг хам унин дилписанд дегайлар, хам ройихасин судманд. Бу кабойихни киши анга айта олмагай ва айта олгоннинг сўзига кулок солмагай ва эшитса хам, мусаллам тутмагай ва номулойим ишини ўз «шариф зотига» ёвутмагай. Носихга изо ва касд этгай ва бу насихатдин анга кўп мазаллат еткай. Бу навъ кишики, анга мундок бўлгай кирдор, хало бу даврда мавжуд ва хозир бор.

Бу таврда яна азизлар хам жилва килурларким, замон ахли тааммул килсалар борин билурлар. Агар баъзи мазкур бўлгон азизлардин кичик бўлса, баъзиси улуктур ва агар баъзи ишлари андиг ўксук бўлса баъзиси ортукдуриким, кўпига бу факири мазлум номакдур риоятлар еткурубдур ва мукобалада номахсур зулм ва тааддиларин кўрубдур ва кўрмасга солиб кечурубдуриким, тенгри аларни инсоф харамига хос килгай ё бу мазлумни ва сойир мазлумларни алар зулмидин халос.

Бу мазкур бўлгон афъол ва бу мастур хисол барча киши қошида ўз махбублигининдур ва нафси шайтон амрига маъмур ва маглублигининдуриким, мажмуи замойим афъол мунга

дохилдур ва барининг дафъи шикасталиг ва фанодин хосил.

Китъа:

Кишики топса фано кўраси ўтига гузор,
Агарчи зотида юз навъ калби гашлик бор,
Вужуди олтуни ул калбу гашдин айрилибон,
Не жавхарий ани кўрса топар тамом иёр.

Учинчи кисм. Бу навъ ишда муфрит беътидолликдур, ул хам уч навъдур. Аввалги навъ — бу мазкур бўлгон атворда муфрити беътидоллик тузмакдур ва ул гояткача ифрот кўргузмакдурки, бошига салтанат хавоси бунёд бўлгай ва ул бош бу хаво била барбод бўлгай. Ва бу навъ кўп беҳирад нодонлар ўзларин шарифу азиз тасаввур килган уйла киллатбонлар азизу шариф умр таркин килдилар ва мазаллат ва хорлик била сиёсат дорига осилдилар ва тож хаёли била бошларин тарк эттилар адам мулки тахтгоҳига кеттилар.

Иккинчи навъ — бу жамоатдин мутахаввиррок ва бу гуруҳдин худписандрок ва мутакаббирок. Ул хайледурким, нубувват даъвиси майдониға маркаб сурдилар ва бу фосид хаёл калъаси буржига алам урдилар ва шуъбадаларига эъжоз тухмати боғладилар ва бемаъни харзаларини вахий кисватида жилва бердилар. Ва хар хоин козибки, бу даъви кила киришти анбиё арвоҳидин анга жазо ва расволиклар етишти. Ва дўзахка етмасдин бурун баъзини куйдурдилар ва баъзини сўйдурдилар ва кулини кўкка совурдилар ва аларнинг фитнаси ўтин ўчирдилар.

Учинчи навъ — булардин даги гафлаткирдоррок ва лаънатка сазоворрок хам ўтубтурларким, гариб даъви йўлин тутубтурлар. Андокким, Фиръавни беавн ва Намруди мардуд. Яна хам булардек беадаб ва беҳаёларким, килиб сахву хатолар огизларига тош ва туфрогким, мазкур бўла олмас ишга даъви ва лофлар урдилар ва даъвилари устида газофлар сурдилар. Охир худованди бемислу монандким, анга йўктур шабих ва шурик ва волид ва фарзанд, яктоедур беҳамто, беиштибоҳу икрох (вахдаху ло шарика лаху ло илоха иллоллох)12 гайрати илохий ва газоби номутанохий била аларга хам не расволиглар насиб этти ва дарак ул—асфалга кетиб, ишлари не ерга етти.

Б а й т:

Заррадин минг катла камракким, куёшлик урса лоф,
Кимки бўлса зарра акли билурким дер газоф.

Танбех (6)

Субхоналлох, не васиъ даргоҳ ва не рафиъ боргоҳдурким, анда пил хартуми пашша хартумига забундур. Не ажаб, агар акл саркаши мабхут ва илме сарнигундур анингким, юз килола пили бор эрди, ярим пашшаи мухлик нишига забун ва зор эрди. Бу даъвига ул равшан далилидур асхоби филвокиаси била тайран абобилдур.

Т а н б е х (7).

Хар неким, бакоси пайваста эмас, парастигашга шойиста эмас. Хар неким, бир ўзидекка мухтождур, алмавхият ва кишваридин ихрождур. Тенгридурким, кишига ўхшамас ва киши

анга ўхшамас. Улки, бу навъ эмас, тенгриликка ярамас. Улдурким, не киши анга ўхшар, не ул кишига. Хар ойинаким, хеч кишининг хеч иши ўхшамас анинг хеч ишига. Не анга замону макон эхтимоли, не замону макон андин холи. Не хало анинг еридур, не мало. Аммо хало ва хам мало андин тўло. Кибриё ва жабарут асоси холики Жаббордур. Бу сифатка ул сазо ва бу сифат анга сазовордур. (Жалла жалолаху умма наволлаху ва ло илоха гайруху)¹³.

Т а н б е х (8).

Такаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши. Мутакаббир тенгри дўстлари олида матъун ва тенгри қошида мардуд ва малъун. Худписанд, иши бари элга нописанд. Биликига магрур, билур элга маъюб ва тенгрига макхур. Бутпарастлик яхширокким, худпарастлик.

Т а н б е х (9).

Яна бир амри азим эхсондурким, анинг баёнида кўп сўз аёндур. Ал-инсону убайд ал-эхсон анга дол ва халли жазо ал-эхсон илал ал эхсон¹⁴ анга гувохи хол. Жамиъ мазохиб ва милал ахли қошида собитдурким, яхшилик жазоси йўктур — бажуз яхшилик ва нубуввати лисон мўъжаз баёнига даги бу ишорат ўтубдурким, ахсин кама ахсана аллоху илайка¹⁵ ул Хазрат мундок амр этибдурки, яхшилик еткур андоқким, тенгридин санга яхшилик етибдур. Бу амр сифатига мавсуф бўлмок кадур, мундин азимрок амр не навъ бўла олур ва анбиё ва хукамо ва авлиё ва укало ва уламо даги мунга мутаффикдурлар ва хеч киши муҳолифат килмайдурлар ва мундин эхсон тарик билмайдурлар.

Эхсон сифати саодати абад бил, фитна ва офат яъжузи дафъига садд бил. Инсоният богининг дилписандроқ шажари эхсондур ва одамийлик конининг аржумандроқ гавхари хам эхсондур. Жамъи писандида сифот ва мустахсан холат эхсонга тобеъдур ва анинг зимнида мудариж ва вокеъдур; ул барча яхшиликларга жомеъ ва бари яхшиликлар, филхакикат, анга рожеъ.

Китъа:

Ажаб сифат эрур эхсонки хар шариф сифат
Ки, келса жинси башардин анга эрур дохил.

Жавохир англа сифот они жавхарий кафаси
Ки, бордур анда каю бирни истасанг хосил.

Т а н б е х (10).

Аммо бу замон ва давронда ё даврони замон инкилоби кусуридин ё даврон ва замон ахли хирад ва инсоният футуридин, холо бу варак эврулубтур ва бу казия бар акс бўлубтур, яхшилик жазоси хушунатдин ўзга ва мулоямат подоши такаббур ва руунатдин ўзга накш тутмас ва сурат боғламас. Хар кимгаким, бир хизмат килдинг ўн шиддатга мухайё турмок керак ва хар кишига юз мулоямат кўргуздунг минг гилзат ва кудуратга сало урмок керак.

Аниким, бир дуо килдинг, кўп каргиш била кутулмок йўктур. Бировгаким, бир мадх дединг, ўн зам била халос бўлмок йўктур. Бир соғар май бергандин кадах—кадах хуноб

ютмок керак ва бир кадах нўш ичиргандин аёк—аёк захрга ўзни омода тутмок керак. Хар навъ хидматкорлик килиб, мукобалада юз жафо хам кўрсанг яна хидмат кўз тутарлар. Ва агар вафодорлик килиб, ўтруда ранжу ано хам чексанг, яна убудият тамаъ килурлар. Хар вафога юз жафо тортмасанг, гунахкорсен ва хар мехру мухаббатга минг дарду мехнат кабул килмасанг, табах рўзгорсен. Аларга жон фидо килсанг, шукронаи жонга миннат кўймок тиларлар, агар бу шукронани адо килсанг, такрорга шуруъ килмок истарлар. Юз муддаолари хосил бўлуб, бири колса, бошдин аёк мукассирсен. Минг орзулари бутуб, киши бир узр арога солса аёкдин бош мудбирсен. Ямонлик килгонларнга минг ниёз кўргузсанг сенинг ишингдин ямонрок хеч кишининг иши йўк. Жонингни дўстлугларида бермасанг, душмани жонинг эрурлар, хотирлари учун нохак конга рози бўлмасанг, конингга тонуглук берурулар. Доим тилаганларидек килгонга бир катла таъхир бўлса, шикоят ва ташниълари шоеъ ва мудом истаганларидек килгонингга бир навбат таксир бўлса, умрунда килгонларинг бари зоеъ. Паёпай олмок аларга хунар, юз дин бирига эваз хаёлидин кўнгулларига зарар.

Эмгакларига кўп чидасанг, отинг беидрок, таклифларидин оз ёд этсанг, зотингга тухмат ва имсок. Борлар молингни фидолари килсанг бир катла сахвдин унутсанг, лакабинг бемурувват. Жафоларн мукобаласида узрхохликка жон бермасанг, хитобинг беахамият. Бошларига гул сочсанг, алардин юзунгга тикан санчилур, агар ул гул сочмогни бас килсанг, багрингга чўкур тикилур. Мутаокиб ниёзларга мутавотир ноз пешалари ва паёпай ситамларига дамодам лутфу карам кўз тутмок андишалари. Бечора ул мазлумким, бу зулмкешларга гирифтор ва бу ситамандешларга фармонбардор бўлгай, булар жафосин бу жафокаш жонидин сўр ва ситамлари жарохатлари мажрух багри захмидин кўр.

Китъа:

Жафоларким, менинг жонимга етмиш дахр халкидин,
Бири куффордин келмас асир ўлгон мусулмонга.
Не бедодиким, истарлар килиб сўнгра ўкуш тухмат,
Даги юкларлар охир бу жафокаш зору хайронга.
Бу бедод ахлидин гар жон бериб махлас эрур мумкин,
Килиб жони фидо, биллахки, миннат кўйгамен жонга.

Танбех(11)

Саховат ва химмат бобида

Саховат инсоният богининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. Одамийлик кишварининг баҳри мавжвари, балки ул мавж бахрининг самин гавхари. Саховатсиз киши — ёгинсиз абри баҳор ва ройихасиз мушки тотор. Мевасиз йигоч хамону ўтун хамон ва ёгинсиз булут хамону тутун хамон. Сахосиз киши бирла гавхарсиз садафнинг бир хукми бор. Дурсиз садаф била ўлуб куругон не эътибор.

Бахил беҳиштка кирмас агар саййиди Кураший бўлсун ва сахий тамуги бормас, агарчи бандаи хабаший бўлсун. Сахий булутдур — иши хирмон, балки махзан бермак. Бахил мўрдур — даъби хўша балки дона термак. Химмат ахлигадур саховат ихтисоси ва бу икки шариф сифат валоят хоси. Саховат одамига бадандур ва химмат анга рух ва химмат ахлидин оламда юз минг футух. Химматсиз киши эр сониди эмас, рухсиз баданни киши

тирик демас. Олий химмат шохбозедур баланд парвоз ва беҳиммат сичкон сайёде юрутаци тоз. Шункор маскани шохнинг билаги, юрутаци макоми ўлуксанинг сассиг бадани ва сўнгаги.

Арслон иши сайд уруб сибоъни тўйгормок ва сичкон варзиши дирам ўгурлаб, тугунни ахтармок. Сохиби хикмат муфлислик била паст бўлмас, химматсиз ганж топса, бийикларга хамдаст бўлмас. Чинор илги холилигидин бийиклигига не нуксон ва туфрокка ниҳон ганжлари била не улви шон. Химмат ахлига агарчи бийик кавкабдур, аммо саховатга неча мартабадур, Исроф сахо эмас ва итлофни маъно ахли сахо демас. Хак молин кўйдурганни девона дерлар ва ёруг кунда шамъи кофурий ёкконни аклдин бегона дерлар. Мубохот учун бермак худнамолик ва анинг била ўзин сахий демак беҳаёлик. Улки эл кўрмагунча бермас — лаимдур, сахий эмас. Тилаб берганни хам саходин йирок бил; ибрам била бергандин бермаганни яхширок бил. Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очга берганни сахий де; ўзи емай барин мухтожга берганни ахий де.

Танбех (12).

Хунарларни топмок — едурмакдур ва айбларни ёнмок — кийдурмакдур. Махаллида берган эски чортора тўн—саховат ва бемахал берган зарбофт чоркаб—шаковат. Десангки, таоминг зоеъ бўлмагай — едур ва тиласангки, либосинг эскирмагай — кийдур. Сахо тарийкин мазкур бўлгон сўзла англа, аммо карам ойини ва футувват русуми ўзга англа.

Т а н б е х (13).

Карам ва футувват тарикида

Карам бир жафокашнинг шиддати юкин кўтармакдур ва ани ул суубатдин ўткармакдур. Бировнинг мехнати хори хамлин кабул килмок ва ул тикан нўгидин гулдек очилмок ва ул килгоннинг тилга келтурмамок ва огизга олмамок ва ул кишига миннат кўймамок ва анинг юзига солмамок. Карам сифоти акрам ул—акрамин ишидур, сохиб карам киши хакнинг бу навъ сифатига мутобеъ кишидур.

Бу даврда карам сабзаси таррафуруш дўконидин ўзга ерда топилмас ва мехр гули сипехри тезкўш гулшанидин ўзга ерда очилмас. Карам башар табъида ноёб ва нобуддур, бу сабабдин карам ахли нопайдо ва номавжуддур.

Т а н б е х (14).

Карам «коф»ин гўйё кимё ибтидосидин олибдурлар ва «ро» син симург аросидин ва «мим»ин хўблар огзидин тутубтурлар. Бу жавхарни олам ахлидин тиламак куёшни заррадин тиламакдур ва фалакни суходин истамак.

Т а н б е х (15).

Мурувват бобида

Маъдумлукда мурувват карамнинг уруг — каёшидур, балки тавъамон кариндошидур. Иккаласи чун эл бевафолигидин огах бўлубтур, булардин кочиб адам мулки сафарига хамрох бўлубтур. Сохиби карам ул нафис матоидин айрилурни салох билмайдур ва сохиби мурувват даги ул шариф халкидин айрилмайдурким, иккаласи кайда бўлсалар тенгри панохида бўлсунлар, иззат ва шараф оромгохида.

Т а н б е х (16)

Вафо бобида

Вафо ул сифатдурким, карам ва мурувват халкни онсиз кўруб итибдурлар ва ани тиламакка адам мулки сори кетибдурлар.

Жахон гулшани вафо гулидин зийнатсиздур ва башарият гули вафо ройихасидин накхатсиз. Вафо шамъедурким, дахр тийра хокдонин ёрутмайдур ва замон бевафолари кўнгли била улфат тутмайдур. Наргиседурки, даврон чаманига кўз солмайдур ва кўнгуллари гунчасида хикду хасаддин ўзга колмайдур. Махбубедур — пок хилкат, жуз пок кўнгулга унсу улфати йўк. Матлубедур — покиза тийнат, жуз покиза фитратга майлу рағбати йўк. Ва ул бўлгон пок кўнгулда катъо кудурат ва кулфат йўк. Дурредур самин инсоният тожига зевар, оламда инсоният нобуд ва гавхаредур оташин — одамийлик бошига афсар, олам ахлида одамийлик номавжуд. Вафога хаё била пайвасталик, андоки, хаёга вафо била вобасталик.

Т а н б е х (17).

Вафо зайлида ва хаё зикрида

Карам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва хаё икки хамзод фарзанд. Хар неча ул иковга нур била сафодур, бу икавга иттисол била пайванд. Хар кўнгулниким, вафо маскан килур, хаё хам килур ва хар маскандаким, ул топилур, бу хам топилур. Вафосизда хаё йўк, хаёсизда вафо йўк. Хар кимда бу икки йўк — имон йўк ва хар кимда имон йўк андин умид кўзин ёрутса бўлмас. Махбубки, бевафодур — андин жовид висоли тамаъ кутса бўлмас...

Комиллар — ахли хаё ва нокислар бехаё.

Вафо ва хаё олам тийра маконидин ўтубдурлар ва ломакон оламида макон тутубтурлар. Ва ўзларин бир—бирлари била овутубтурлар ва колгон вафосиз бехаёлар аларни унутубтурлар.

Хар кимгаким, бир вафо кўргуздум, юз бевафолиг кўрмагунча кутулмадим. Ва хар ким билаким бир меҳру мухаббат ойини туздум, минг жавру мазаллат тортмагунча халос бўлмадим.

Б а й т:

Кимга килдим бир вафоким, юз жафоси кўрмадим,
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

Давр бевафолари жавридин дод ва дахр бехаёлари зулмидин фиғону фарёд! То олам биносидур бу ўтга хеч киши менча ўртанмайдур, то бевафолиг ибтидосидур бу ёлингга хеч ким мендек чурканмайдур. Замон ахли бевафолигидин кўксумда туганлар ва даврон хайли бехаёлигидин бағримда тиканлар, хар кайсига ракам урай десам, Аюб сабри анга вафо этмас ва калам сурай десам, Нух16 умрида тамомга етмас. Хак ё аларга раҳм ва инсоф сари тавассул бергай ва бу махрум жафокашга сабр ва тахаммул.

Б а й т:

Ё мархамат ул хайли ситамкорга бергил,
Ё сабру тахаммул мени бечорага бергил.

Т а н б е х (18).
Хилм зикрида

Хилм инсон вужудининг фавокихлиг богидур, одамийлиг оламининг жавохирлиг тоги. Хилмни хаводис дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошига нисбат килса бўлур. Ахлоқ шахснинг огир баҳолиг либосидур ва ул либос жинсининг сангин дебоси. Мухолиф нафслар сарсари учурмокдин асрагувчи ва мунофик, булхаваслар харзаси тундбоди совурмокдин саклагувчи. Халойикдин кишига мужиби таъзим ва эъзоз ва акобирдин асогирга боиси илтифот ва имтиёз. Неча улуг киши тамасхур ва тийбат килса, анинг кошида бешукух ва викор. Нечаким, мусин киши хазл ва хиффат кўргузса, анинг кошида бешавкат ва беътибор. Аммо даврон богининг хас ва хошакойнлари ва елдек бесабот ва тамкинлари кўзига хилм ахли огирликка мансуб ва гарон жонлик била маъюбдурлар. Куюндек туфрогни хавога совурурлар ва сабуксорлик била бошларин кўкка еткурурлар. Тог пайкорин аёг остига олмок ойинлари ва дашт ажзосин хавога совурмок тамкинлари.

Елдек хар эшикдин кирарга орлари йўк, ўтдек оташдонлигидин ўзга шиорлари йўк. Ел агарчи лола тожин учургай, аммо киё камарига нета олгай. Ўт агарчи тог этагин куйдурган, аммо куёш ахгарига нечук ета олгай?

Хакгўй кушнинг тамкин била зикр айтури кошида карлугочнинг бемалол янгшамоги малолат келтирур ва мусхаф аврокин хирад пири тиловат килурда лаим тифлнинг елпугуч била вараки совурмоги кудурат еткурур.

Аммо ел агар кўкка етсун сабукбордур ва бемикдор ва тог агар туфрокка ботсунки, сохибвикордур, хилмшиор. Анинг зимнида, ўтка ёккудек хасу хошок, мунунг жавфида шох тожиг тикилгудек лаъли оташнок.

Б а й т:

Огирлик вазнидиндур селдин гамсиз Хирий тоги,
Енгиллик фартидин барбод эрур комгок яфроги.

Танбех (19).

Тенгри дўстларининг хикояти ва алар ахлокининг ривояти афсонасидурким, уюгон кўнглумни уйготур ва таронаедурким, хиралигидин котган кўзни йиглатур, Яхшиларга эришмак — итни поклар чергасига котти ва ёмонларга коришмок — анбиё авлодин жаханнамга узатти.

Танбех (20).

Ангаким, якин кўзи кўрдур, тенгри дўстларини кўра олмас. Ва ангаким тавфик оёги лангдур, тенгри йўлига югура олмас. Агар киши подшоҳ ясоглигидур, ишининг илгари борури иноятга боглигдур.

Танбех (21).

Агар хакдин иноят бўлса, куллар кули, шохлар шохи, агар ул кўлламаса, олам шайх

уш—шуюхи олам номаи сиёхий. Лукмонки¹⁷, бир кул эрди, хикмат ва нубувват била фаркин кўкка еткурди. Жолутка анингдек минг кул эрди, газаб ва сиёсат тиги била бошин ерга тушурди.

Танбех (22).

Мазлумга бахшойиш кўргузки, золимдин осойиш кўргайсан. Зердастларга нафъ еткур, агар тиласангки, забардастлардин зарар кўрмагайсен. Хирадманд мухолафатдин кочар ва мувофакатга мулоямат эшигин очар. Занбур гавгосидин ниш мутасаввардур ва асал савдосидин нўш муяссар.

Танбех (23).

Саодатманд ул йигитдурки, шахват майли килмас, бесаодат кариннинг илгидин худ хеч иш келмас.

Танбех (24).

Дард ахлининг нафаси бир ўтдурким, каттик кўнгулни юмшатур ва куруг кўзни йиглатур. Ва сўз ахлининг дами бир елдурки, аноният хошогин совурур ва газаб туфрогин супурур. Ошик иши ажзу ниёз ва ишк далили сўзу гудоз. Парвонага куймак ва ўртанмак ойин, булбулга нолау зор ва фарёди беихтиёрдин кайда таскин? Кеча ишнар курт забона ишин килмас ва кўпалак парвона ишин билмас.

Б а й т:

Киши ўзин ясагон бирла бўлурму ошик,
Субхи козиб ёрумас, уйлаки субхи содик.

Танбех (25).

Хар неким, бебакодур, анга кўнгул богламок хатодур. Улки андин ўзга бориға маърази заволдур. Ул бири бол «лам язал ва ло—язол»¹⁸дур, анинг ишкин берк тут. Ул бокийдин ўзга бори фонийларин унут.

Б а й т:

Анинг ишкин берк тутмок керак,
Яна бору йўкни унутмок керак.

Танбех (26).

Мажозий ишкка бир махбуб бўлгай, анинг ишкида бехуд ва маглуб бўлгай. Хакикий ишк бекарори ва анинг тажаллиёти садамадининг беихтиёри, калак ва изтиробда анга яраша керак бўлгай. Ва галабот хам анга ўхшаши керак бўлгай.

Б а й т:

Сахонинг ошики чун нола этгай,
Куёшнинг холига кўрким, не етгай.

Танбех (27)

Дўст висолин тилар бўлсанг, ошик бўл ва агар ўзлугунг била бўла олмасанг, ошиклари теграсига ўгрул. Ул ўт шуъласи агар санга хавасдур, бир шарар сенинг сори юзланса басдур.

Н а з м:

Ишк бир ўтдурки, онинг шуъласидин бир шарар,
Тушса гардун пардасига ўртар андокким харир.
Сенки, жисминг парда торидин даги бўлгай нахиф,
Тушса ул янглиг чокин тузгайму ул тори хакир.

Т а н б е х (28).

Эранлар хизматига улки умрин сарф этар, агарчи умри кетар, аммо жовид умрига етар.
Ўзунгни бу зумрадин йирок тутма, бошинг борса бу муддаони унутма. Умр фонийдур бевафо, ул бокий хаёт мужиби бако.

Н а з м:

Эранлар хизматидин чекмагил бош,
Агар бошингга гардундин ёгар тош
Ки, гар ул тош била бошинг ушалгай,
Саодат хаттидур, гар захми колгай.

Танбех (29).

Валинеъматка айб раво кўргувчи пирига муртад муриддур ва атосига харомзода ўгил,
Муридга пир ва ўгулга ато ва ходимга махдум хакки андоқдурким, бандаларга кодири кайюм хакки.

Маснавий:

Кимки ато амрига кўймас бўюн,
Пир ила махдум ишин дер ўюн.
Балки, чекар тенгри йўлидин аёк,
Тенгри била ок бўлар, пирла ок.

Танбех (30).

Харкимки, биров била ёрдур ёки ёрлиг даъвийси бордур, керакким, ўзига раво тутмогонни ёрига раво тутмаса, кўп нимаким, ўзига хам раво тутса, анга тутмаса. Бас машаккатким, андин рухга алам етар, киши ани ўз жисму жонига тажвиз этар. Аммо ани ёрига тахайюл кила олмас, агар тахайюл килса, вахшатидин хаёти колмас.

Китъа:

Ёр улдурки, хар нечаким ўзига
Истамас, ёрига хам истамагай.

Ўзи истарки, ёр учун ўлгай.
Ани мунда шарик айламагай.

Танбех (31).

Кўнгул бадан мулкининг подшоҳидур, анга сиххат, мунга ҳам сиххат, анга табохи, мунга ҳам табохи. Пас улким, кўнгул мулкининг соҳиб жоҳи бўлгай шохлар шоҳи бўлгай. Бадан салох ва фасоди, кўнгул салох ва фасодига тобеъ ва мулк обод ва хароблиги шоҳ адл ва зулмига рожеъ. Подшоҳ — мулк баданининг жонидур ва кўнгул — бадан мулкининг султони.

Б а й т:

Мулк учун солим керактур хусрави кишварпанох,
Тан учун ул узвким, бўлди бадан мулкида шох.

Танбех (32).

Шоҳдин ҳам лутф марғубдур, ҳам сиёсат матлубдур. Аммо хар бири ўз маҳаллида хўбдур. Бас анга дўстдин душманни фарқ этарга кўп мулоҳаза керак ва фаросат ва ёрни агёрдин ойирурга кўп тажриба керак ва киёсат. Нечукким, андин бориға бийм ва умид бор, заруратдурким, кўргузгай ўзин бандавор. Якин бўлгунча харкайснинг хакикат холи номуносиб умрининг бор эхтимоли.

Б а й т:

Ногахон гар бетааммул сурса бир хукми аниф
Ким, заиф андин кавий ёхуд кавий бўлгай заиф.

Танбех (33).

Ўкта хукми бировни килса нобуд, ул замон пушаймон бўлмок не суд? Ё маҳалсиз бировни килса олий шон, билгандин сўнг паст этса ўз шаънигадур зиён.

Б а й т:

Тааммул мунда вожибдур багоят
Ки, бўлмагай бу навъ иш бериоят.

Танбех(34).

Подшоҳ душманга андок газаб сурмак керакки, дўст ҳам андин эмин бўлмагай ва муҳолифга андок сиёсат кўргузмак керакки, мувофик ҳам андик мутмаи колмагай.

Б а й т:

Керакмас муҳолифга онча инод
Ки, килгай мувофикни беэътимод.

Танбех (35).

Фосик олим донишваредур ўз нафсига золим, ганийи бахил нодонедур, ўз зиёнига надим. Бу икки киши умр зоеъ ўткардилар ва гўрга хасрат ва армон олиб бордилар. Бир улким, илм ўрганурга ранж торттию амал килмади, бир улким, мол йигарга эмгак чектию сарф килурин билмади.

К и т ь а:

Олимеким, илми эрди беамал,
Ё ганийким, молига бухл эрди ёр.
Ўлдилар юз хасрату армон била,
Элга бўлди ишларидин эътибор.

Т а н б е х (36).

Ямонларга лутфу карам, яхшиларга мужиби зарар на алам. Мушукка риоят — кабутарга офатдур. Шагол жонибин тутмок — товук тухмин курутмокдур.

Б а й т:

Бўрини кўзи била килган семиз,
Кийик жамъу хайлигадур рахмсиз.

Танбех (37).

Илм ўрганмак дин тавкияти учундур, йўкки дини жамъияти учун. Хайрсиз ганий — ёгинсиз сахоб ва амалсиз олим — доббаки анга юклагайлар китоб.

Б а й т:

Хаммол нафис рахт ила гар урса кадам,
Йўк нафъ анга гайри музд бирикки дирам.

Танбех (38).

Бахилнинг молин асрардин мехнати каттиг ва хасуднинг феъли уётидин айши аччигким, ул ўз аносидин залилдур ва бу ўз килигидин алил.

Байт:

Анга молининг хифзи ранжу ано,
Мунга феълинг зишти дарду бало.

Танбех (39).

Киши молидин неким бахра олди анингдекдур, хар неким асради ўзганинг. Захмат била топкониингни ўзунгдин аяма ва мехнат била йиккониингни дўстлар била душманлар учун асрама.

Б а й т:

Мол улдурким, эл андин топса бахр,
Душман андин топса тенгдур нүшу захр.

Т а н б е х (40).

Укало салотин лутфига эътимод килмайдурлар ва хукамо мажонин кавлига эътимод,
жойиз билмайдурларким ул бири сохиби ихтиёрдур ва бу бири беихтиёр. Хирадмандга
иккаласидин эхтироз килмок сазовор.

Б а й т:

Ул чу сохиб ихтиёр ўлди—ю бу беихтиёр,
Иккисида жазму хикматнинг хилофи ошкор.

Т а н б е х (41).

Хар душвор ишки, мол сарф этмак била муяссардур — килмасанг жонга хатардур,
сарфин ганимат бил ва саломат сори азимат кил.

Китъа:

Дирам била бўла олса зарарни кайтармок,
Хатодурур киши ул ишида айламак таътил.
Анинг панохига кир, тенгрини панох айлаб,
Валек айла бу хайр иш килурда кўп таъжил.

Танбех(42).

Хар иш кифоятидаким, саранжомиди ташаддуд бўлгай ва табъга тараддуд, ул жонибни
тутким, эмгаги озрок юз бергай ва озори камрак хотирга киргай.

Дунёга тааллук ишини сахл тут ва дин ишида суд тасаввури била кўнгулни овут.

Нодон пандида галат мукаррардур ва душман насихатида фириб мутасаввардур. Андин
бози ема ва мундин ўзунгга бози берма.

Б а й т:

Хуштур хиради кўп эл сўзига кирмак,
Не бозий емак хушу не бозий бермак.

Танбех (43).

Нафсдин санга зулм етса, надомат эшикин оч ва тенгри панохига коч. Ва тавба этокига
илик ур. Ул тавба устида мардона тур.

К и т ъ а:

Нафси кофирдин неким етгай санга,
Тавба айлаб, тавбада мардона бўл.
Йўл икидур, журм бирдур, тавба бир,
Ул йўк ар богланди, очугдур бу йўл.

Танбех (44)

Агар баднафсдин зулм етса, шукр вожиб била ва тенгри хамдин адо килким, сен эмассен лозим, гар биз ул эмасдур мазлум ва ожиз. Мазлумлук ибтилосида бўлгон яхширокким, золимлик балосида.

Б а й т:

Киши минг зулм агар чекса керак бўлмаса конеъ,
Лек бир зулмга минг навъ керак англаса монеъ.

Танбех (45).

Замон ахлидин ўзин сохибдил туткон, ёлгон айтур ва бедил тутконнинг хам сўзи ёлгонлик сори кайтур. Невчунким, улки сохибдил, бу даъво зухри андин мушкул. Ва агар ул киши замон ахлининг бедиллигига юраксизлик махмил, бу кўнгул сен хаёл килгон кўнгул эмас. Сохибдил юракни кўнгул демас.

Б а й т:

Хам ани дажжол топиб, хам наби.
Исо ила тенг бўлурму маркаби.

Т а н б е х (46).

Лахми пораи санубари агар кўнгулдур, санубардек сохибдил топилмас ва агар бу кон болагон гунча пайкари кўнгулдур, бахорда гулбундек пурдил киши тахайюл киллмас. Аммо буларни кўнгул демас сазовор эмас ва кўнгул сўзу дарди буларда падидор эмас. Кўнгул маърифат боғидин ва вахдат раёхинининг эсган насимидур ва рухоният гулнстонидин ошнолик гулларининг шамимидур. Хусн малохатин идрок килгувчи хам кўнгул ва ишк ўти ёлинига ёкилгувчи хам кўнгул. Хўблар хусни тузига кабоблиг килгувчи хам ул ва жамол латофати ганжига хароблиг килгувчи хам ул.

Ишк мулки ободлиги анинг ашки селобидин ва шавк шабистони ёруглиги тобидинким, ахли диллар кўнгли бу ишк шуъласи нуридин ва ул шуъла нури суруридин айрулмасунлар ва риёйи зуҳд хайлига котилмасунлар.

Б а й т:

Мени бедилга, ёраб бу кўнгулни туткил арзони,
Они мендин айирма, даги менсиз тутмагил они.

Т а н б е х (47).

Ул кўнгулгаким, каттиг сўздин решдек бўлгай, аччиг тил захролуд нешдек бўлгай. Кўнгулда тил синони жарохати бутмас, анга ҳеч нима мархам ерин тутмас. Хар кўнгулки, тил синонидин жарохатдур хам юмшок сўз ва ширин тил анга мархам ва рохатдур. Мулойим такаллум вахшийларни улфат сари бошкарур, фусунгар афсун била йилонни тўшукдин чикорур.

Б а й т:

Хусну жамолсиз киши ширин калом этса
Сайд айлар элни нукта фасохат била деса.

Танбех (48).

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз! Харзагўйким, кўй такаллум сургай, итдекдурким, кеча тонг откунча хургай. Ямон тиллик андоқким, эл кўнглига жарохат еткурур, ўз бошига ҳам офат еткурур. Нодоннинг муваххиш харзага бўгзин кирмоги — эшакнинг жихатсиз кичкирмоги. Хўшгўйким, сўзни рифк ва мусово била айтгай, кўнгулга юз гам келадургон бўлса, анинг сўзидин кайтгай. Сўздадур хар яхшилиқни имкони бор, мунда дебдурларки, нафаснинг жони бор. Масихоқим, нафас била ўлукка жон берди, гўё бу жихатдин эрди.

Макрухеки, харзаси тавил ва овози қарихдур, ўзи савти била қурбакага шабихдур. Ахли саодатлар рухбахш зулолига манбаъ ҳам тил, ахли шақоватлар нахс қавқабига матлаъ ҳам тил. Тилига иқтидорлиқ — ҳақими хирадманд; сўзига ихтиёрсиз — лаими нажанд. Тилки фасих ва дилпазир бўлгай — хўброк бўлгай, агар кўнгул била бир бўлгай.

Тил ва кўнгул хўброк аъзодурлар инсонда; савсан ва гунча марғуброк раёхиндурлар бўстонда. Одаме тил била сойир хайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонга сарафроз бўлур. Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зохир бўлса, тилнинг офатидур. Айн ул—қузот тил шарафидин Масих гуфтор бўлди ва Хусайн Мансур тил сурътидин дорга сазовор.

Б а й т:

Хар неча бийми хажр сўзи ошиқ ўлтурур,
Вуслат башорати яна жисмига жон берур.

Т а н б е х (49).

Тилдин азубат дилписанддур ва лийнат судманд. Чучук тилки, ақчилиққа эврүлди, зарари ом бўлди, қандники, мусқир бода қилдилар, харом бўлди. Чучук сўз соф кўнгулларга қўшдур, барча атқол таъбиға мулоқим халвофурушдур.

Б а й т:

Хуш сўзга қим ўлса масту беҳуш,
Шарбат аро захрни қилур нўш.

Танбех (50).

Харқимқи, сўзи ёлгон, ёлғони зохир бўлғоч уёлгон. Ёлгонни қиндек айтқувқи суҳанвар — қумушни олтуң рўқаш қилувқи зарғар. Ёлгон афсоналарда уйқу қелтурғувқи, ёлгонқи уйқуда такаллум сурғувқи. Ёлгон айтғувқи гафлатдадур. Сўзнинг асноқи бағоят чўқдур, ёлгондин ямонроқ синқи йўқдур.

Улки ёлгон била сарқи авқот этгай, анга бу ямон қелмагай яна мувоҳот этгай. Агар мустамийинни гоқил топқай, ёлгонин қинга ўтқарса мақсудин ҳосил топқай. Зихи тенгриға ямон банда, не тенгриднн, не халқдин шарманда. Мундоқ нахсиниғ қун эрур юзи ямонлиқ сари, бу нуҳусатшиор қутлуқ уйднн ташқари.

Б а й т:

Ул кишини кутлук эвдин ташкари сурмак керак,
Кутлук эв дунё дурур, яъинкн ўлтурмак керак.

Т а н б е х (51).

Бировким, ёлгон сўзни бировга боглагай, ўз каро бўлгон юзин ёклагай, кабира гунохдур.
Оз сўз хамки ўтрукдур захри мухликдур — агарчи микдори ўксукдур.

Б а й т:

Захрнинг оз эса микдори доги мухликдур,
Игнанинг нўги заиф эрса доги кўр килур.

Т а н б е х (52).

Улки, сўзни бир ердин яна бир ерга еткургай, элнинг ўтган гунохини ўз бўйнига
индургай. Наммомлик чин сўзга мамнуъдур. Агар зухур этгай — хаёл килки, ёлгон сўзга
не етгай. Сўз тергувчининг агар улуги, агар кичиги — балки эрурлар тамуг ўтининг
тутруги.

Б а й т:

Ким сўзни териб айтгувчи огзига бергай,
Молик ани дўзах ўтининг дудига тергай.

Танбех (53).

Улки, жуз кувват даъвиси изхор килмас, гўёки, хакнинг кавий ул—матин эрканин
билмас. Одамеки, кувват хаёлин кўнглига кечирур—туфрогедурким, ел ургоч учурур.
Дунё дор ул—хаводисдур ва анга кўнгул богламокка гафлат боисдур. Олам умрдек
бевафодур ва анинг давлатига эътимод килмок хато.

Т а н б е х (54).

Умрнинг букун тонггалиги мафхум эмас, балки бу кун ахшомгача не бўлури маълум эмас.
Башар хайли дори бакога ахли азиматдур ва тириклик бир неча кун ганиматдур. Бу дори
фанони беш кун ганимат бил ва дори баконинг узун йўли ярогин кил. Ул йўл яроги солих
амалдур, андин сўнгра эътимод хак лутфига иззу жулл. Амалеки, тенгри кабулига
шойистадур хам тенгри тавфикига вобастадур. Амалга хам эътимод килурдин кеч, анинг
фазлу карами бўлмаса илму амал ҳеч.

Т а н б е х (55).

Куш то таманной хомга тушмас сайёд илгида домга тушмас ва анга то ажал кафаси
эшиги очилмас, сайёд дому донасига майл килмас.

Т а н б е х (56).

Салотин даргохидин йирок ва хавокин базмгохидин кирок, балки теграсига ёвумагон

яхширок. Булардин кочгилким, «алфирору миммо лоюток»¹⁹. Бировким, хар не кўнгли тиласа кила олгай, анга ўз ихтиёри била якин боргон — ўзини ўзи балога солгон. Ройи тутса айблар олида хунар ва хар шойиста хунар қошида айбдин батар. Мундок махдум хизматин ихтиёр килгон мардаки хар. Киши манфаат учун шер асрармен дегайму ва хосият топар умидга захр егайму? Салотин хизматига журъат кўргузмак, ўз риштаи хаётин узмоқдур ва огуни ичарга сурмак ва аларга такарруб тиламак ўз катлига бало тигин бийламакдур.

Кулмакларида чокин хукми бор, ёруглуги беэътибор ва куйдурмаги вужуддин кўймас осор.

Китъа:

Чокин ёруглиги мадди самодин арзгача,
Замони тули ики лафз ўқургача етмас.
Вале не ергаки тушти катиг ва гар юмшок,
Бериб ани сувга то етмагай карор этмас.

Т а н б е х (57).

Хукамоким, салотин холи кайфиятин билибдурлар, аларни ўтка ташбих килибдурлар. Ўт нафъ еткурур йироктин, андин мунтафеъ бўлмок авло кироктин. Оташгох ўти кирокдин нафъ еткурур, ичига тушганни филхол куйдурур. Анга ёвумок номуносибдур ва андок балодин хазар вожиб.

Байт:

Ўтдин исинургача овуч оч,
Куйдургудек англасанг кейин коч!

Т а н б е х (58).

Подшоҳлар зикрида

Баъзи карим подшоҳлар зикрида ахлоқ ва бурдбор подшоҳи олий микдори комкор дарёйи мадхига ботибдурлар ва ани кўпрукка ўхшатибдурлар. Бу маъни билаким, кўпрук махлуқотнинг хасис ва шариф юкин кўтарур. Аларни сув захматидин ва болчиг машаккат ва гилзатидин ўткарур. Ва баъзиким, таважжух андешага килибдурлар, анинг нисбатин бешага килибдурлар. Бу муносабат билаким, барча анвоъи хайвон ва инсон ва бахойим ва сибоъ, балки номахсур вухуш ва таюрга панох ва оромгох берур, емак ва ичмакларидин еткарур. Ва баъзиким, нафъин ом ва инъомин фош дебдурлар, бу хосиятларда они куёш дебдурлар, яъни шахр ва биёбонни равшан этар ва вайрон ва ободка андин ёруглуг етар. Ва баъзиким, рафиъ ва нофеъ ва фалаки жаноб дебдурлар. Бу муносабатлар била они саҳоб дебдурлар, яъни каро туфрокка дуррлар сочар ва нишлик тикондин гуллар очар. Ва баъзи турк хукамоси ва бу кавм окилу доноси ўз таврлари бирлаки, калом сурубтурлар они бўз кийизга ўхшата масал урубтурлар, яъни сувдин ва туфрогдин юзига не келса тахаммул килур, яъни ўзига сингирур. Агар ниш урсалар ва чўкур санчсалар сувургондин сўнг юзига асар еткурмас, яъни ўзига келтурмас. Ва агар икки муҳолиф жамоат хар кайси бир тараф тортса, хар сори ул

жамоат муносабати майл килур, илик тортсалар яна ўз холига кўра йигилур. Яна хамки, васфи ажносин бир—бири устига терибдурлар муносиб нималарга нисбат берибдурлар. Аммо сўз ихтисори жихатидин татвил вахмидин нукта узотилмади ва сўз кўпрак айтилмадиким, бу мазкур бўлгонча юз одил салотин сифатида бор ва барчада зикр килгонча минг бирнинг подшоҳимиз зотида тааммул килгон топарки, Хак субхонаху ва таоло мазкур бўлгон салотинга то туфрог хазизидида карор бергай. Анга сипехри салтанат авжида мадор насиб килгай то синуклар иши андин бутгай ва йикилганларга андин дастгирлик етгай. Омин, ё рабил—оламин.

Б а й т:

То камардур, отига наъл ўлсун,
Куёшдур, бошига лаъл ўлсун!

Т а н б е х (59).

Ёлгончи — унуткувчи ва тааммул ва эҳтиёт йўлидин канора туткувчи. Хар кимки, сўзи чин бўлмагай, ростлар кўнглида ул сўз кабулойин бўлмагай. Ёлгончи сўзин бир икки катла ўткаргай, ўзга нетгай? Ёлгони зохир бўлгондин сўнгра анга расволиг етгай ва сўзи эътибори эл кўнглидин кетгай. Кўнгул махзанининг кулфи тил ва ул махзаннинг калидин сўз бил.

Б а й т:

Кўнгул холати сўз дегач билгурур .
Ки, махзанда дур ё садафрезадур.

Танбех (60).

Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар. Кўп дегувчи — мумил, мукаррар дегувчи — лояъкил. Айбжўй — маъюб, айбгўй — манкуб. Туз кўргувчи — пок назар, хунар кўргувчи — рост басар. Улким, димогида хабт — сўзида йўк рабт. Димоги сахих — гуфтори фасих. Сўзи хисобсиз — ўзи ихтисобсиз. сўзида паришонлик, ўзида пушаймонлик. Сўзки, фасохат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлик зевари басдур ёлгончи хар неча сўзида фасихрок, сўзи кабиҳрок. Чин сўз нечаким бетакаллуф, койилга иборат содалигидин йўк таассуф. Гулга йиртук либосдин не зиён, дурга бадшакл садафдин не нуксон. Ёлгон сўз жуз назмда нописанд ва анинг койили нохирадманд.

Б а й т:

Сўз ичраки ёлгон эрур нописанд,
Чу назм эттилар килди доно писанд.

Танбех (61).

Нодон — эшак. Балки эшакдин хам камрак. Эшакка хар не юкласанг кўтарур ва каён сурсанг ул ён борур, акл ва тамиз даъвийси йўк. Бермасанг очдур, берсанг тўк. Забунедур боркаш, хоркаш, балки анборкаш. Нодон бу сифатлардин мубарро, зоти билик хулясидин муарро. Иши гурур ва такаббур, хаёлида юз фосид тасаввур. Бари мухмали

Ўзига хўб, барча макрух феъли ўз қошида маргуб, кўнглида элга юз озор хаёли ва жахлидин улусга минг зарар эхтимоли. Эшак унидин кулокка озордур, андин ўзга не айби бордур. Тегирмондин уюнга ун келтурур, ани пишурурга ёзидин ўтун келтурур. Машаккати миннатсиз ва суубати кулфатсиз. Нодонни эшак дегандин мутагайир, эшак қошида ямон ва яхши деган бир.

Б а й т:

Бирида мунча хунар, ул бирида мунча уюб,
Кайсининг хўб эканин ахли хирад билгай хўб.

Танбех (62).

Шариат — жодаедур туз, анда хох кеча юру, хох кундуз. Сиротедур, багоят мустаким, анда озикмоқдин не вахм ва не бийм. Хар кимки, ул йўлга одим бўлгай, ики жахон саодати анга мулозим бўлгай. Андин чиккан итти, туз боргон максадга етти. Хар соликким, максадга етибдур, бу йўлдин чикмай кетибдур. Озикиб чиккан, айтибдур, бу сирот истикомати анга даст берди «Фастаким кама умирта»²⁰. Маъмури ул эрди, килдин инчка, киличдин итик йўлдур. Хар ким бу йўлни мардона катъ килса, эр улдур! Ангаким, сироти муст такимдин абур бўлмас, насиби жаннатда кавсар ва хур бўлмас.

Б а й т:

Жодае шаръ билакимки, ўзин туз килди,
Давлати сармад анга хар соридин юз килди.

Танбех (63).

Фосики бенадомат — шум, киладургони саодат ахлига мазлум. Зухду фиск элга такдири Яздондиндур, аммо иккаласини бирдек кўрмак нодондиндур. Таквойига шукр керак ва исёнига узр. Ва надомат будур тавфик ахлига аломат. Хар фискким, пушаймонлик ўтин ёруткай, ул ўт тардоманлик олудалигин куруткай. Журм эътирофига узр — тавфик нишонаси ва зухд гуруридин такаббур — шайтон фасонаси. Бу зухд шайхи худписанд иши, ул узр ринди ниёзманд иши. Бу бири умиди жовидга сармоя ва ул бири маиси муаббадга пироя.

Маснавий:

Хар зухдки, ужб анга эрур зам,
Кўнглум харамига килма махрам.
Хар фиски, узр анга эрур ёр,
Ул ён мени мойил айла зинхор.

Танбех (64).

Ямон килиглик бадхўй ва бот аччиглик туршрўй бир балога гирифтордур ва бир ибтилога мубталоким, хар ён борса андин кутулмас ва хар сори кочса халос бўлмас. Голиб душманедур — доим ўзи анга маглуб, кохир адуведур — хамиша вужуди анга манкуб.

Т а н б е х (65).

Кулагач юзлук хуш ахлокким, нифок кудуратидин бўлгай йирок, гулшани бихишт эрур жилвагоҳ ва макоми ва фирдавси аълодур тахаррук ва ороми. Очук юзидин халойикка нишот ва чучук сўзидин улусга инбисот. Мардумлук била кўнгулларга махбуб ва инсоният била жонларга матлуб. Осуда андин ёру агёрки, мундок киши бўлсун умридин бархурдор.

Маснавий:

Юзидин кўнгулларга айшу тараб,
Сўзидин баданларга дафъи тааб.

Очуг чехраси тоза гулдин нишон,
Хадисига булбул бўлуб жонфишон.

Т а н б е х (66).

Душман гуруридин гам ема ва маддох хушодадин чин демаким, анинг гарази ўз максудига комдур ва мунунг максуди сендин мухаккар инъом. Агар иккаласига илтифот килмасанг ва кабулин лозим билмасанг, ул ўз касди ижросидин муаттал ва тадбири мухмал бўлур ва мунунг мадхи хажвга мубаддал бўлур.

М а с н а в и й:

Бирисига гараз ўз муддаоси,
Бириси касди инъом илтимоси,

Чун сендин топмадилар ҳеч парво,
Бири хасму биридур хажворо.

Танбех (67).

Муваҳхиш хабарни чиндур деб дўстга еткурма ва бировнинг айби воқеъ бўлса юзига урма. Кўйгилки, ул чин хабарни душман еткурсун ва тахаммул килки, ул айб можаросин адувси сурсун.

Н а з м:

Не сўздинки, етган бировга губор,
Не лозимки, сен килгасен ошкор.
Кўяберки, килсун аён душмани.
Ки, бордур адоват адувнинг фани.

Танбех (68).

Хирадманд улдурким, ёлгон демас, аммо барча чин дегулук ҳам эмас. Бировки кўзи ахвалдур, чун хилкати холикдиндур — анга не мадхалдур. Бу сўзни анинг юзига килмок изхор бартакдирки, чиндур, аммо не лутфи борки, ҳақ сунъига эътироздур ва ноҳақ бировга хижолат ва ўзунга нодонлик изхоридур ва бир кўнгулга маломат. Бу навъ ваҳшатангиз чиндин бўл йирокки, мулояматомиз ёлгон андин яхширок.

Б а й т:

Ёлгон ўлса мулояматомиз,
Вахштангиз чиндин англа азиз.

Танбех (69).

Башар жинсига ўз хатоси дилпазирдур ва мардуд фарзанди ногузир. Ямон шеърдекким, табъ зодасидур, иккаласи башар табъи натижасидур ва моддаси. Агар манкуб бўлсун ё маргуб, ўзига кўрунгусидур махбуб. Окил бу тарийкин шиор килмас ва яхши—ямонни хак ортук ва ўксук билмас.

Маснавий:

Ямон—яхшини тенгридин англагил,
Ямонни ямон, яхшини яхши бил.
Ямонни агар яхши килсанг гумон
Эрур яхшини хам дегандек ямон.

Танбех (70).

Каноат — истигно сармоясидур ва шараф ва иззат пироясидур. Муфлиси конеъ — ганий ва шоху гадодин мустагний. Тамаъ мазаллатга далил ва ганийи томеъ— хору залил. Тамаъ била улким ола олур ва олмас, бу адами тамаъ хеч саховатдин колмас. Бу навъ сахо ахли каримдур ва тамаъ хайли лаим.

Б а й т:

Хорлиглар боши тамаъ билгил,
Доимо «азза ман канаъ»²¹ билгил.

Танбех (71).

Борлигки, лутфу карами ом бўлгай, йўхсулликда анга барча элдин ком бўлгай, ком бўлса, боре хижолат бўлмагай ва эл сарзанишидин малолат боре бўлмагай.

Б а й т:

Чу дафъи хижолат эрур комча,
Надомат нўкки элдин инъомча.

Танбех (72).

Бот муяссар бўлгон кечга тортмас ва ўкмак била бахоси ортмас. Сафол чўчак хар дошдин минг чикар, киймати бир дирамдин ортук эмас ва кунда юз синса киши хайф демас ва таассуф емас. Чиний аёғ киймати ясарда суубатига кўрадур, асрамоқда эхтимом кийматига кўрадур. Куймати оз — хурмати оз.

Б а й т:

Каю матоъким оз вокеъ ўлса киймат анга,
Эрур мувофик анинг кийматича хурмат анга.

Т а н б е х (73).

Сабр била кўп боғлиг иш очилур, ишда ошуккон кўп тойилур, кўп тойилгон кўп йикилур.
Ишда ошукмок ёш ўғлон ишидур, сабр била иш килгувчи тажрибалиг улуг ёшлиг киши
ишидур.

Б а й т:

Хар кимсаки айламас ошукмоғни хаёл,
Яфроғни ипак килур, чечак баргини бол.

Т а н б е х (74).

Разли данийким, хазл килиги бўлгай, кулдурмак учун тобоннинг кичиги бўлгай. Фасака
хайлида мукаллидеки, гарази эл кулгусидур, гўё фохишаи кахбанинг кўрганни кўргузган
кўзгусидур. Ракик хазл иштиголиким бўлгай бировнинг мужибни инфилоли ёмонларга
шиордур ва яхшиларга, андин ордур.

Мутоябаки, боиси инбисот бўлгай, хуштурки, мужибни фарах ва нишот бўлгай. Адосида
ракик гуфтор йўк, бировга андин хижолат ва озор йўк. Ул зарофат ва иббхатдур,
андинки ўтти сафоҳат.

Б а й т:

Тийбат хуш эрур бўлса дакойикдин анга зеб,
Чун бўлди сафоҳат нетар ул сўзни киши деб.

Т а н б е х (75).

Май ичмак наҳй эрур тенгри кавли, хар хол била анинг тарки авли. Ошкор ва кўп ичмаги
носоз, шарти махфий ичмақдур ва оз. Оз ичмаги хикматка дол махфий ичмаги хуш ахлига
хисол. Яхши ичмаги хилкати солим элга хол, мутлак ичмаги офиятка маол.

Улки «умм ул—хабоис»²² бўлгай, анга шефта бўлмокка хам умми хабоиси боис бўлгай.
Ямонрок ичгучи анга мағлуброк, хар неча ямонлиги зохир бўлса анинг қошида махбуброк.

Бадмастка дамодам ичмоғидин не бахрким, одамийлиг катлига ичар қадах—қадах захр.
Хар окшом усруклардин хориж тарона, телба итлар улушкондин нишона. Мастлар
орасида бир хушёр — хушёрлар орасида бир маст хукми бор. Манхидур улки ошкор тоат
этгай, ошкор маъсиятга кўрким не етгай.

Б а й т:

Кимгаким хак рўзи айлабдур тарийки офият,
Ошкоро айламас не тоату не маъсият.

Т а н б е х (76).

Кўп дегувчи, кўп егувчи — томуг тўрига ошукуб кетгувчи. Демакка машъуф ва емакка
мағлуб — хикмат шарафидин мардуд ва маслуб. Хасуд бемор, балки мухлик маразга

гирифтор. Фосик ва хаммор — зиёнзада ва зиёнкор. Гийбат дегувчи — нажосат егувчи. Афюнию банги — одабийлар нанги. Томеъ умри зоеъ ва малолати шоеъ. Эр киши кўп ясанса бева бўлгай, бу сифат зуафога шева бўлгай.

Б а й т:

Эр кишига зебу зийнат — хикмату донишдурур,
Яхши киймак бирла хотунларга оройишдурур.

Танбех (77).

Кариким, килгай раънолик — тифледурур ноболиг. Кичик ёшларга улуглар харакоти анга далилдурким, не акли бўлгай, не уёти. Кариким, саколин вусма била бўягай, йигитдекдурким, ани гулоб била ювган. Муфлис бурч олсаки базл килгай, сакол ораста килурким, хазл килгай. Агар бурчига суд ортар, ўз бўйнин боглаб зиндонга тортар. Эр кишиким, кўп ясангай, хирад ахли анинг аклидин ўсангай.

Р у б о и й:

Ийд окшоми тифл илгида чапу рост хино,
Ё шохиди шўх эгнига хаззу дебо.
Шоистадурур кари бажуз далку асо,
Кўргузса саколига куларлар укало.

Т а н б е х (78).

Ганийга чапон киймак андокдурким, муфлисга атласу катон киймак.
Хўб йиртук тўн била хам хўб, гул ямоглик чапони била махбуб.
Зухал бийик маком била мехри ховарий бўлмас, дев бихишт хулласин кийган била пари бўлмас.
Кампир харам нозанини бўлурму, кафтор газолаи Чин бўлурму? Кари кахба гулгунау вусма била юзу кошлиг —бузук мафсакадур, шингарф ва зангор била нақкошлиг.
Хожаким, биби борида додакка айлангай, бибининг иффат этаги кулга булгонгай.

Б а й т:

Кишига бўлмаса ўз шаънига шойиста сифот,
Килмасун айб ўзидекдин доги андок харакот.

Т а н б е х (79).

Нодонга сўз демак айгогдур ва кўп демаги йўртогдур. Оз демаги носих ва демамаги — муслих. Элнинг махфий айбин пайдо килмок — ўзин беътимод ва ўзидекни расво килмокдур. Йўкким, ўзидекни расво килмок ва ўзининг хам бу навъ айбин ошкоро килмокдур.

Б а й т:

Эл айбини айтурга бировким, узатур тил,

Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил.

Танбех (80).

Илм ўқуб амал килмагон, ерни шиёр килиб тухум солмогонга ўхшар ё тухум солиб,
махсулидин бахра олмагонга.

Б а й т:

Илм ўқуб килмагон амал макбул,
Дона сочиб кўтармади махсул.

Танбех (81).

Усрук сўзига хикмат мухолифи жавоб хирадманд иши эмас ва телба рамзига акл
муқтазосидин ўзга хушманд нукта демас.

М а с н а в и й:

Кишига неча келса мушкул хол,
Хикмату акл анга эрур халлол.
Кесак отконга чекар юмрук,
Тўни йиртук дурур, саколи юлук.

Танбех (82).

Мушфик носих сўзин эшитмагоннинг сазоси таассуфи муқаддardур ва ўзига носазo
демак.

Б а й т:

Хирадманд пандини кўрган ачиг,
Сўнгида пушаймонлиги не асиг.

Танбех (83).

Хунарманд қошида беҳунар илик тебратмаса, айб тухматин анга такар. Итолгуга
туғдорининг кучи етмаса, сонгги била ани булгор.

Б а й т:

Басo ожизки хасм остига ётмиш,
Огиз суйин анинг юзига отмиш.

Танбех (84).

Сайёднинг баликка шаст солмоги нафс муддаоси учундур ва баликнинг хам кармоқка
гирифтор бўлмоги жуъ балоси учун.

Б а й т:

Бўлди сайёдгау сайдга нафс орзуси кайд,
Йўкса не ул эди сайёд, не бу эрди анга сайд.

Танбех (85).

Оз демак хикматка боис ва оз емак сиххатка боис. Огизга келганни демак нодон иши ва оллига келганни емак хайвон иши.

Б а й т:

Кўп демак бирла бўлмагил нодон,
Кўп емак бирла бўлмагил хайвон.

Танбех (86).

Голиб душман забунинг бўлса шод бўлма ва иши андишасидин озод бўлмаким, сиёсатида тахаммул вожибдур ва риоятида тааммул.

Б а й т:

Душман ражоу хавфи десангким, фан ўлмагай,
Андок тирилки, кимса санга душман ўлмагай.

Танбех (87).

Олимки, жохилни мукобалага келтуруб, илзом килмоги хавас бўлгай, анинг ўзига ушбу ихонат—ўк бас бўлгай. Олим керакки, ўз илмининг поя ва микдорин асрагай, гавхарни имтихон учун тошка урмагай.

Б а й т:

Хорага хар кишиким, дурри саминни ургаи,
Хирад англарки, каю бири бирини синдургаи.

Танбех (88).

Гавхар балчикка тушган била киймати ушалмас ва ўз бахосидин колмас. Эшак мунчогин тожга тиккан била фируза ерин тутмас ва хеч ким анинг кам бахолигини унутмас.

К и т ъ а:

Зевар била шакли хўб бўлмас,
Хар кизки, эрур ёмон ликолиг.
Харнеча коронгу бўлса хужра,
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиг.

Танбех (89).

Кобилга тарбият килмамоқ зулмдур ва нокобилга тарбият — хайф. Ани адами тарбият била зоеъ килма ва мунга тарбиятингни зоеъ килма.

Китъа:

Кобилга тарбият эрур ул навъким, гухар
Тушса нажосат ичра югай кимса ани пок.
Гар ит узумига киши май бирла берса сув,
Бу тарбият била кила олгайму ани ток.

Танбех (90).

Хазлга шуруъдин беҳурматлиг ортар ва хазлнинг ниҳояти жидолга тортар. Кўп лаҳв ҳаё пардасин чок этар ва адаб ва хурмат ахлин бебок. Кила олгонча таъзим ва адаб биносин йикма ва ҳаё ва хурмат хилватидин ташкари чикма.

Р у б о и й:

Иймонга эрур нишон ҳаё бирла адаб,
Хурмат била таъзим саодатка сабаб.
Ҳаёву муаддаб ангаким, бўлса лакаб,
Максудига кеч етса ажаб, англа ажаб.

Танбех (91).

Фосик бари миллатда нодондур ва покравлар орасида нодонрок. Фиск бари тарийкда ёмондур ва порсолик илбосида ёмонрок. Не элга ёрсен — ўзунгни ул навъ туз, нечукки борсен — ўзунгни андок кўргуз.

М а с н а в и й:

Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,
Яна айла таъзиму хурматни фош.
Не эл ери бўлсанг, алар ранги бўл,
Нечук бор эсанг, туткил ул сори йўл.

Танбех (92).

Сахву хато башарият лозимидур. Хато ва сахвин англаб мутанаббих бўлгон, саодатманд одамийдур. Хатосин зойил килур, улки эътироф сари кайтгай, ва музоаф килур, улки далил ижро килиб харза айткай. Муболагаси неча кўпрак — сахви пандорок ва мукобараси неча ортукрок — ўзи элга расворок.

Маснавий:

Хатога тадорук недур беҳилоф,
Аён килмок ўз сахвига эътироф,
Вагар килса сахвига ижро далил
Ки, яхшидур айлар ики онча бил.

Танбех (93).

Хар ганийки тириклигида эҳсонидин кўнгулларни шод килмагай, ўлганидин сўнг ани

кимса дуо била ёд килмагай. Эхсон тирикликда яхши отдур, ўлгандин сўнг дўзах азобидин нажот.

Китъа:

Кишида барча ахлоки хамида,
Чу жамъ ўлди кўярлар отин эхсон.
Бири андин саходур, бир мурувват,
Булар гар йўктур, инсон эрмас инсон.

Танбех (94).

Бахилнинг андоки, бугун топкони захира бўлгай, тонгла кабри хам бу кунги маоши уйдек тийра бўлгай. Зухду такво барча вақтда дилписанддур, йигитликда дилписандрок. Тавба ва истигно хама вақтда судманддур, қариликда судмандрок. Хилму хаё ахли хар ерда аржуманддур, улуглар назарида аржумандрок. Яхшилик ва ёмонликни ким килдиким, жазо кўрмади. Салох ва фасод тухмин ким эктиким, ўрмади.

Б а й т:

Яхшилик тухмин сочгилким, будур дехконга сўз
Харнеким, экинг бугун, борин хамон тут они кўз.

Танбех (95).

Иззат ахлики мазаллатка тушти санъат илги йўктуру ва савол тили. Анга тараххум килмокни ганимат бил ва илгингдин келганча эхсон кил. Йигит гадоким, бел ура олур ва ўтун ташимогни билур, анга нима берган тенгри молин зоеъ килур.

Танбех (96).

Зарбафт кисватлиг дунёгузин нажосат устидаги илтирогучи чибин. Муттакии покрав масжидда мўътакиф бўлгон чоги мусхаф авроки орасида гул яфроги.

Маснавий:

Бири байт ул-харом ичра фаришта,
Бири дайр ичра шайтон барча ишта.
Не хожат шарх килмоклик тафовут
Ки, байтуллох диндур фарки собут.

Т а н б е х (97).

Билмагани сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз—оз ўрганиб доно бўлур, катра—катра йигилиб дарё бўлур. Ўрганурдан кочгон лаванд ва юзига хиял ва бахона эшигин очгон тананд. Эмгак тортиб илм ўрганган хирадманд.

Б а й т:

Илмди орий улуснинг жохили худкомаси,

Ўрганурга жидду жахд этган жахон алломаси.

Танбех (98).

Гадозодаи хирадманд — акобир хамрози, ганийзодаи лаванд — арзол дамсози. Ул илму дониш юзидин салотинни килиб хожатманд, бу жахл ва инод фартидин халойик кошида нописанд.

К и т ь а:

Басо ягонаи муфлиски мулк султони
Улум масъаласида эрур анга мухтож.
Басо жахолату бебоклик фанида ганий
Ки, подшоҳ они ўз мулкидин килур ихрож.

Танбех (99).

Тинч кўнгул била ёвгон умоч яхширокким, такаллуф ва машаккат била кандий кулоч.
Эски чапон била фориг туфрогда ўлтурмок яхширокким, зарбафт хафтон кийиб биров олида турмок.

К и т ь а:

Гадолиг бўрёси узра мискин
Ки, хотир фориг ўлгай хар таабдин.
Кўп ортукким бўлуб ўзунгга маъмур,
Хазу дебода ер тутсанг тарабдин.

Танбех (100).

Хар кишиким, бир кавмнинг сулук ва охангин тузар, тадриж била хамул кавмнинг рангин тутар. Хар кимгаким, пайравлиг этар, ул мутобаат хосиятидин ул етган ерга етар. Агар сўз санга кўрунса махол, асхоби кахф била итларидин хисоб ол.

Китъа:

Набий ўгли томугни килди маскан,
Томуг ахли гурухин чун эришти.
Ва лекин жаннат ахли пайрави ит
Етишти кайдаким ул эл етишти.

Танбех (101).

Одамин шариф ул—кавнайндур²³ ва ит нажис ул—айн²⁴ аммо хакношунос ва бевафо одам хакшунос ва вафолиг итдин кам. Вафолиг кўтуз ит яхшрокким, ва росиз хуш барно йигит.

К и т ь а:

Бевафо хакношунос элдин йироглиг истаким,

Келмади харгиз алардин гайри бедоду жафо.
Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,
Хакшунос ўлсау бўлса анда ойини вафо.

Танбех (102)

Нафспарвардин хунар келмас — емакдин ўзга ва нафспарастдин нафъ етмас —
демакдин ўзга. Ул бири бари харом таомдин ва бу бири барча таърифи каломдин.

Маснавий:

Ул бири лукмау навола сўзин
Айтиб ончаким холи айлаб ўзин.
Бу ўз авсофига муарриф ўла,
Айлабон базми анжуманни тўла.

Танбех (103).

Тенгри эл айбига нозир ва сотирдур. Бовужудким, жазосига кодирдур. Ва тенгри
душмани ани кўрмас ва билмас. Аммо тухмат била фош килурда таксир килмас.

Маснавий:

Тенгри ишин килмок эрур фарзи айн
Ким, кўрубон айламок шўру шайн.
Кўрмойин улким, иши бўхтон эрур,
Билки бу хислат била шайтон эрур.

Танбех (104).

Хирадмандга эл хатосидин панд етар ва савоб йўклига азм этар, андин бурунким, анинг
хатосидин панд олгайлар ва айбин анинг юзига солгайлар.

К и т ъ а:

Окил чу кўрса элда хато ижтиноб этиб,
Андин савоб йўл сари мойил килур ўзин,
Кўймас анинг хатосига эл айлаб эътироз
Айтурга юзи ўтрисида сахвининг сўзин.

Танбех (105).

Шабоб айёми зикрида

Йигитлик умр гулшанининг бахоридур ва хаёт шабистонининг нахори. Бу биринин айшу
нишот гулларининг очуглуги ва ул биринин завку инбисот уйларининг ёруглуги.
Инсоннинг зебу раънолиги андин ва башарнинг тобу тавонолиги андин. Хавос ва кувоба
андин кувват, жаворих ва аъзога андин сиххат. Кўнгулга ишк ошуби андин ходис ва
шўхлар сари ошуфта бўлмокка ул боис. Йигитларга хусну ноз тугёни анинг
магрурлигидин, кариларга ашку ниёз тўфони анинг махжурлигидин. Кўз уйи машъали

андин равшан ва юз боги анжумани андин гулшан. Нозанинлар хусни истигносига сабаб ул ва ишкочинларга ишк балосидин мужиби ранжу тааб ул. Забардастлар бошида мулк хавоси шўри андин ва зеридастлар аёгида ҳам мулкдин жало бўлиб кочмок рўзи андин. Чобуклар анинг натижасидин майдонда таковар чопиб, балки ул таковар ҳам анинг нашъасидин майдонда югурурга кувват топиб, маъсиятдин нафсга йигитликда ком топмок ҳам ибодатдин рухга йигитликда бийик маком топмок. Харобат ахлига риндлик ва мастлик йигитликда дилпазир ва муножот ахлига порсолиг ва худпарастлиг йигитликда беназир.

Рубоий:

Ахбоб, йигитликни ганимат тутунгуз.
Ўзни қарилек меҳнатидин кўркутунгуз.
Ойини адовату ҳасаддин ўтунгуз,
Хар навъ ила ўзни неча кун овутунгуз.

Танбех (106).
Шайхухат зикрида

Шабоб майининг махмурлуғи қарилек ва йигитлик сикхатининг ранжурлиғи қарилек. Шайхухат айёми нишот ахлин ношод қилурким, одаме қаддин ҳам қилиб, умр била хайрбод қилур. Хавас ва орзулар шохи қўнгулда синар, балки борча тараддуд ва харакатлардин қўнгул тинар. Сарбаландлиг хаёли боштин чикор. Надомат ва ҳасрат ашки сели қасри деворин йикар.

Номуродлиғлар зиндони будур ва ноумидлиғлар байт ул—эхзони ҳам будур. Қад эғилмағи туфрокка майл этмаққа дол, шохидлардин танаффус бу маънига гувоҳи хол. Илик титрамоғи умр бодаси ҳуморидин. Хофиза ўрнига нисён ер тутуб, ўрганмоқни, балки унутмоғни ҳам унутиб. Баданга сикхатдин асар қолмас ва қўнгулға ҳушу хираддин хабар қолмас.

Йигитларга тахайюр анинг мабхутлуғидин, ўғлонларга тамасхур анинг фартутлуғидин. Хар сари мўйидин бир мараз пайдо, қарилек ва минг иллат анинг зотидин ҳувайдо.

Аёл ва атфол торкиб муҳофазатидин. Навқар ва чоқар озиқиб анинг мулояматидин. Турлук — турлук иллат бадани уйида ўқулуб, ажаб—ажаб мараз қасратидин хаётдин тўнгулуб.

Маъмурлар нофармонлиғидин рўзғори қатиг ва маққумлар бесомонлиғидин тириклиғи ачиг.

Оғзи сўлақайи сўз мазасин оқизиб, мараз қасратидин мушфиклар оғзига сув томизиб. Эрниқи, бир—бирига қовушмай ўз холига қулуб, боши қўксига тушуб, оғзи ҳуққасидин доналари тўқулуб. Сикхат уммиди хаёли қўнғлидин йирок, тириклиғиким, ўлмақ юз қатла андин яхшироқ.

Рубоий:

Чун қетти йигитлику узолди қарилек,
Дам совуди, яъни қолмади қон ҳам исик.

Огзига хаёт шарбати бўлди ачиг,
Ўлмог хушрокки, умр бу навъ каттик.

Р у б о и й:

Афсуски, умри навжавонлиг кетти,
Танга қариликда нотавонлиг етти,
Гар юз йил улки комронлиг этти.
Чун топмади маргдин амонлиг, нетти?

Танбех (107).

Пешаи соликка ер зарур эрконига одамизод вужуд мулкидин хонапардоздур. Ва адам кишварига сафарсоздур. Сафар махсус санга ва манга эмас ё хусусият килгонни киши шоҳу гадога демас. Хар ким адам нихонхонасидин вужуд анжуманига кадам урубтур ва бу бакосиз оромгоҳда бир нафас ўлтурубтур, яна кайтиб асли ватанга азм этмак керак ва кайдин келибдур яна ул ён кетмак керак. Беш кун бу дори фано тириклигига масрур ва давлатига магрур бўлмок керакдур. Ўлумдин гузир йўктур ва ҳеч кишига ул мухликда дастгир йўк. Пас, анинг япрогида бўлмок заруратдур ва борур асбобин тузатмак чорасиз суратдур. Ул сафар асбоби солих аъмолдур ва хамида ҳисол. Ва анинг зикри иккинчи қисмда тафсил ва тартиб била ракамга келди ва машруҳ битилди. Аммо мусофирга йўл суубатининг сухунати учун ва водий йироклигининг дафъи шиддати учун ёмон укбаларким, олдига келур ва азим мухотараларки, воқеъ бўлур, рахномалиги учун ва мушкулқушойлиги учун бир нимақим, ногузирдур комил рахнасои пирдурким, анинг иршоди бўлмаин бу йўлга азм килмокни акобири авлиё (қуддиса аллоҳу таоло арвоҳаҳум)²⁵ жойиз тутмайдур, балки солик атвори ва сулукига ёвутмайдурлар. Хар ойинақим, мусофир кўрмаган йўлга кадам урса ва етмаган водийга югурса, йўл йитурмак эҳтимоли бор ва йўлдин озмок имкони бор. Ул укубатдин ва анда юзланган хатаротдин мусофирни ходий ўтқарур ва комил муршиднинг иршоди мақсадга етқарур. Ва яна ахлуллоҳки, ҳақ йўлига кадам кўюбтурлар ва талаб маркабин шавк водийсига сурубтурлар, комил пир иршодидин айру азм килмайдур ва бу йўлда ходийсиз мақсад манзилига етмайдурлар. Агар аҳёнан юздин бир солик зохир юзидин муршид пири нобуд экандур, аммо маъни йўлидин мавжуд экандур ё гойиб муршид таквияти бирла ё мутавафғойи комил рухонияти тарбияти била азм этибдурлар ва матлубига етибдурлар. Мақсудким, бу йўлда нафс душмандур ва шаётини рахзан ва хар кайси азим махофат ва улуг офатдур, то ходий бошқармағай ва муршид мухликдин ўтқармағай. Бу йўл катъи мутаассирдур ва мақсадга етмак мутааззир. Ва ўзлуки била бу водийга етган ва манозилин катъ этган аноният гирифтोरидур ва нафсга тобеъ ва шайтоннинг масҳара ва маҳзалидур ва ранжи зоеъ Бу мақсудга бир восита бўлмай етмак мумкин эмас ва муршид рахнамой бўлмай, бир унинг етганин киши демас. Муридни мақсудга етқурғувчи ҳақдур воситаи пир ва солиқни матлубка кўшулдурғучи ҳам ҳақдур ва василаи ҳам пир. Тамсил: Манкулдурким, кутб ус—солиқин ва султон ул орифин, ҳақиқат аҳли имоми, Шайх Боязид Бистомий²⁶ (қуддиса сирриху) бир жонибга бўлуб эрди озим ва бир муриди анга мулозим. Бир улуг сув илайларига келди. Ва Шайх «Оллох!» деб ул сувга кадам урди ва муридга «Боязид», деб кадам урмок буюрди. Шайх ва мурид «Оллох» ва «Боязид» деб борурлур эрди. Ва сабо ва насимдек сувдин ўзларин ўтқарурлар эрди. Ногох мурид хаёлига келдиким, Шайх Оллох зикри била борадур ва мени йўлда

бошкарадур, мен хам восита шамъин ўчирай ва вахдат бахрида Оллох зикри била кадам урай. Бу муддао била улки кадам кўйди, ботти. Шайх дастгирликка кўлин узотти, илкин тутуб чекти, бахр сохилига отти ва мухлика гаркобидин судради эмин манзилига ва деди: Эй фарзанд, сен ул Боязидга ет, андин сўнгра тенгрига етмак хавас эт. Анга бу навъ сиёсат сурди ва иршод шартин бажо келтурди бу йўл ходийси хар кимгаким, пирдур мундок халоки гарки обларидин дастгирдур. Максудки, пир иршодидин айру бу йўлга кадам урмамок керак, балки дам.

Р у б о и й:

Кимни бу йўл катъига солди такдир,
Пир амрини килмаса, керактур тагйир,
Онсиз кадам урса, англа макру тазвир,
Малъун деса беҳракки, десалар бе пир.

Танбех (108).
Сафар манофии зикрида

Арзи сокин кайда ва сипехри даввор кайда ва туроби мутамаккин кайда ва кавкаби сайёр кайда?!

Ул бири сукундин хоксорлар пойандози бўлди ва бу бири тахаррукдин сарафрозлар сарафроби.

Ранж ва машаккат мояи тавозуъ ва адабдур ва сафар ранж ва машаккатга сабаб. Сафар кўраи гудоз ва сўздур ва ул гудоз ва сўз эрнинг вужуди олтунига иёрандуздур. Сафар махжурларни матлубига еткурғувчи ва махрумларни мурод уйига кивурғувчи ва хомларни пиширғувчи ва таомларни сингурғувчи. Олам гаройибидин бахра еткурғувчи ва офариниш ажойибига иттилоъ берғувчи.

Бузурғворлар мазорати файзига мушарраф ва мукаррам бўлмок сафардин ва файзосор эранлар хизматига муаззиз ва мухтарам бўлмок сафардин. Соликнинг атворида андом берғувчи сафар, кўнгулнинг хар сари хаво килурига ором берғувчи сафар. Мусофирни манозиллардин бохабар килғувчи ул, ул марохилга рахбар килғувчи ул. Иссик—совукдин жонга интибох берғувчи ул, аччиг—чучукдин кўнгулни огох килғувчи ул. Сафар водийсида мусофир аёгига дарду бало тиканлари кўп сончилур, лекин хар тикандин максуд гули очилур. Йўл эмгаги шиддатидин бадани кўп товшалур ва вужуди рохравлар аёгига тўшалур ва аъзоси ул аёг остида ушалур, аммо кўнгли бузуглуглари ясалур, ва рухи кўзгуси сафо олур.

Хар кишварнинг оройишини ва хар манзилнинг осойишини сафар ахлидин сўр ва мусофирдин кўр. Сафар килмагон ором фарогатин кайда билсун ва гурбат чекмаган ватанда ком рафохиатин не навъ маълум килсун. Дарёки сокиндур, суйидин ютса бўлурму ва рўдким мутахаррикдур, зулоли таркин тутса бўлурму? Тахаррук ахлига хаётдин асардур ва жамодот хайли тириклик нишонасидин бехабар. Бу сайр агарчи зохир сайридин хикоятдур, аммо хакикат йўли сайру сулукидин киноятдур. Ул махсус эмас сукун ва харакатга, мукайяд эмас батий суръатга ва ани дебдурларки, анжуманда хилват ва ватанда сайр ва харакат.

Китъа:

Бу жамоатдурки, манзилгохдин олмай кадам,
Кўз хам очмай ул тарафким, олами кавну фасод.

Бахрдин завракни тортарлар тутуб сохил сарги
Ким, ани гарк этгали еткурмиш бўлгай тунду бод.

Р у б о и й:

Ёрабки, бу кавмким эрур хизркадам,
Ўлган кўнгул эҳёси учун исодам.
Ўлган ва итганларга килиб лутфу карам,
Еткургандек еткур менинг бошима хам.

Танбех (109).

Одабийнинг яхшироги улдурким, порсо ва пок бўлгай ва ҳақ сўзин айтурда бевахму бок бўлгай. Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур. Тили ариг ва кўнгли аригни мусулмон деса бўлур. Мусулмон улдурки, мусулмонлар анинг тил ва илгидин эмин бўлгайлар ва кўзи кўнглидин мутмаин.

Танбех (110).

Яхшидин ёмонлар хам ёмонлиг кўз тутмас, яхши ёмонларга хам яхшилигин унутмас. Яхшилик кила олмасанг, ёмонлик хам боре килма. Яхшиликдан ёмонлигни яхширок билмасанг, яхшиларга кўшул, яхшилик теграсига эврула олмасанг, яхшилар теграсига эврул.

Танбех (111).

Фиск шумлугидин ўзингни яхшилардин хуратма ва ёмонлар орасига котма. Ул шум агарчи ақлга макрухдур, аммо нафсга махбубдур; агарчи ҳақ йўлида магмумдур, аммо шайтон йўлида маргубдур.

Танбех (112).

Бир неча журъани баданга дохил килиб, бир неча катрани андин хориж этма. Ул журъа кудуратидин сафодин айрилиб, ул катра хуружидин бало дарёсига ботмаким, ул журъа селоби балодур, дину иймонинг йикар, ул катра гирдоби ранжу аnodурким, анинг била хаётинг накди чикар. Бадан дуржидин дурларниким сочтинг, холи бўлдунг ва жисм шишасига ул журъалар йўлин очтинг — нафсу хаво поймоли бўлдунг. Ул журъа моддаи фасоддур, танингга ёвутма ва ул катра накди хаётдур — таркин тутмаким, мунинг кабулидин шайтон макбули ва максудисен ва анинг раддидин рахмон мардудисен. Ани ичмак — жигар конин ичмакдур ва мундин кечмак — бир жигар гўшадин кечмакдур, ул бирин ютмоқдин захр ютма, бу бирин сочмоқдин наслинг тухмин курутма.

Танбех (113).

Дардлиг кўнгул — шуълалиг чарог, ёшлиг кўз сувлук булог.
Тева кушин юклаб кўчса бўлмас ва чодир канотин очиб учса бўлмас. Ўт иши ковормок, ел иши совурмок. Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиги сўз била. Сиххат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема. Яхши либос — танга оройиш,

яхши кўлдош — жонга осойиш. Томеъдин карам тилама, гадодин дирам тилама. Бахилдин амонат ажаб, каримдин хиёнат ажаб. Чокин сиймин ўкса бўлмас, ёши риштасин тугса бўлмас. Телба кулогига панд — куюн асгига банд.

Танбех (114).

Бебок — хамдамликка ярамас, нопок — махрамликка ярамас. Эрнинг килиги — сутнинг илиги. Ясанчок — мардона бўлмас, кўпалак — парвона бўлмас. Дўст жавридин ингранма, душман бедодидин гунгранма.

Танбех (115).

Моллик нодоннинг демаги, олтунлук чибиннинг емаги маълум. Фосикдин хаё тилама, золимдин вафо тилама. Кулар юз билан ато, сахо устига сахо. Аригсиз иш сафо бўлмас, ип ганчиси асо бўлмас. Анингким шохларга хизмати хўбрак, кўркунчи кўпрак. Ишксиз кесак, дардсиз эшак. Конё тиланмас фарзона, каноат туганмас хизона. Элга кўшулгон оройиш топти, элдин узулгон осойиш топти. Хар югурган ёвушмас, хар айрулгон ковушмас. Жухуд ўз динидин махжур, хасуд ўз феълидин ранжур. Хасм неча хакир бўлса, кўнгул кўзгатур ва хас неча ушок бўлса, кўз булгатур. Душман сўзи тўзими элдин, сув хатлари — елдин. Ушоклар иши нима бўлмас, писта кобуги кема бўлмас. Душман маколоти — банг хаёлоти.

Танбех (116).

Яхши бўл ё ямон, иккиси бўлурмен деган хамону ямон хамон. Ямон била яхши орасида кўп фарқдур икки кеманинг учин туткон гарқдур. Хар кавм ойини била зухур килсанг алардинсен алар ямон бўлса, сен — ямон ва алар яхши бўлса, сен яхшилардинсен. Пас ўзни яхшилар орасида яшургон ва алар этагига илик ургон яхшироқдур ва хавфу биймдин кироқдур. Итга эранлар сухбатидин эранлар хукми бор, нажас тузлокка тушса, туз хукмин тутар. Басо кобилки, яхшилардин айрилди, ямонлар сухбати ани зоеъ килди. Саидзодаиким, лўлиларга ўткангай, маймунбозлик ва дудуктарошликдин ўзга не ўргангай. Шох касри кабутариким, сахройиларга кўшулгай, кеча кўнар ери чох тубидин ўзга не ер бўлгай. Ёмондин яхшилик кўз тутмок фосид хаёлдур, итдин кийикка ва мушукдин кабутарга шафкат махолдур. Зоти душман ва мухолифни дўст дема, ўзунга бози берма ва бози ема.

Табиий душман вакте дўст бўлгайким, сув ўтни ўчурмагай ва ел туфрогни совурмагай. Инсон била шайтон орасида адоватдур ва табиий мухолифат: бири ўтдин ва бири туфрогдин. Бу адоват ораларидадур ул чоғдин ўт голиб бўлса, туфрогни кул килур ва туфрог голиб бўлса, ўтни ўчирур.

Одам била шайтон мухолифатин унутма. Ота душманин ўзунга дўст тутма. Отангни бихиштдек маъманидин жало килди ва йиллар хокдон гарибистонида залил ва мубтало килди. Ва отанг авлодидин баъзи анга интиком туздилар ва хору забун килиб жафолар кўргуздилар. Нафсни чун такво риёзати била зеридаст килдилар — шайтонни залиллик била ерга паст килдилар.

Сизнинг бу адоватингиз харгиз адам бўлмас. Бу душманлик орангиздан харгиз кам бўлмас. Бу голиб душманин бир дам гофил колма, ўчуролмас исён ўтин ўз хирманинга солма.

Танбех (117).

Нодон дўстни хам дўст сонига кивурма, хирадшамъин анинг харза афсонаси елидан ўчурма. Басо тифлким, айни мухаббатдин ато саколи тукин тортиб узубтур ва сажжодаси мехробида беадаблиг кўргузубтур ва намозин бузубтур. Ва баср мастким, ниёз юзидин аёг ўпкали эгилибдур ва беихтиёр кайддин покдоманлар этагин мулаввас килибдур. Доно душмандин нафъ имкони бор ва нодон дўстдин зарар имкони кўпрак бор ва мунга алар била ихтилот килмамог керак.

Танбех (118).

Башар жинсидин вафо кўз тутма ва хирад нахлин фосид хаёл самуми била курутма. Бир вафо килсанг, ўн жафо тортарга мухайё бўл, мунча била кутулсанг, жонга миннат тутуб узрларин кўл.

Юкорирок вафосиз ахли замон достони ўтубтур ва хирад замон ахли ерларини унутиб, вафо ойинидин маъзур тутубтур.

Танбех (119).

Хўб — рухафзо, зишт — умр фарсо, хушхулк нозанин — хури бихстойин. Ёмон мижозлик зишт — деви дўзах сиришт. Муханнас не хашвки демагай, макиён не нажосатки емагай. Эрдин сўз хунар, энчидин бўз хунар.

Жумрий ўкунуб бийик бўлмас, ўчку югуриб кийик бўлмас. Кўнглида халалликка кулгу харом, шох оллида душманликка уйку харом.

Тенгри борчани ўз йўлида рахзандин асрасун ва шох оллида душмандин асрасун.

Б а й т:

Ўз йўлида тенгри тутсун элни душмандин йирок,
Шах кошида кимки шайтонвашдурур андин кирок.

Танбех (120).

Умрни ганимат бил, сиххат ва амниятка шукр кил. Фано тарийкин туз, факр била мубохот кўргуз. Мазхабингни ихфолиг била элдин яхши асра ва ёрмогингни яхши ва ёмондин махфий асра. Афтодалиг била хўй тут ва шикасталиг била кўнгулни овут.

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиг сўзни эшитурдин кайтма. Оз деган — оз енгилур, оз еган — оз йикилур. Очлиг хикмат сармоясидур ва тўклог гафлат пироясидур. Тўклог хирсин кўнгулдин йўк кил, ўзунг оч бўлиб, бир очни тўк кил. Ўзунгни зебо либос хаёлидин ўткар, либос зеболигин тиласанг бир ялангни буткар. Либос хар нечаким зебодур, кийганингда кийдурганинг авлодур.

Б а й т:

Нечаким тўнни риоят бирла кийсанг эскирур,
Чунки кийдурдунг ялангга уфрамас тўн ул эрур.

Танбех (121).

Хар кишини дема махраму хамроздурким, бу матоъ олам ахлида оздур. Башар жинсин розингга махрам билма, балки малакни хам ўзунгга махрам килма. Ўзунг асрардин агар

санга малолдур, яна биров ани асрамок махолдур. Ўз махзанингни очсанг ва махфий дурларингни сочсанг, терган киши сепамай неткай ва асра деб, муболага килгонинг не ерга етгай? Ўзунг ўз сиррингни асрай олмагонингни билурсен, яна биров ани фош этса, айб хам килурсен.

Бу сир асрамогингдин лавхашаллох ва эътироз килмогингдин боракаллох!
Кўзни ўз айбингдин олма ва ўзгалар айбига кўз солма.

Б а й т:

Бийнандадур ўлса киши ўз айбига хозир,
Кўз очма бўлурга, яналар айбига нозир.

Танбех (122).

Чин сўзни ёлгонга чулгама, чин айта олур тилни ёлгонга булгама. Ёлгончи киши эмас, ёлгон айтмок эранлар иши эмас. Ёлгон сўз дегувчини беэътибор килур, нечукким, ул гавхарни хазафдек хор килур. Улки чин сўзни ёлгонга котар, дурри саминни нажосатга отар.

Б а й т:

Гавхареким, шохларга зеби тожу тахт эрур,
Ташлагон они нажосатга ажаб бадбахт эрур.

Танбех (123).

Тенгри дўстлари сидку сафо маъданидур. Ёлгончини дебдурларки, тенгри душманидур. Тилингни ихтиёрингда асрагил, сўзунгни эхтиёт била дегил. Махаллида айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама. Сўз борким, эшитувчи танига жон кюрур ва сўз борким, айтгувчи бошин елга берур. Тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтгон сўзла бут. Сўзни кўнглунгда пишкормагунча тилга келтурма, харнаким кўнглунгда бўлса тилга сурма. Агарчи тилни асрамок кўнгулга меҳнатдур, аммо сўзни сипамок бошка офатдур. Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзунгни мутакаллим тутма. Айтур сўзни айт, айтмас сўздин кайт. Окил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни хам демак окил иши эмас.

Маснавий:

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин хам дегулик эмас.
Киши чин сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса, авло дурур.

Танбех (124).

Уйгоклигда не олингга келса, казодин кўр, уйкуда хар не тушунгга кирса, яхши йўк. Элнинг сўзига хар не ёмонлик махал топма, голиб адув маглубинг бўлса, шаръ тарафин зохир килиб, хайр жонибин ёпма. Кавий душман забунинг бўлса мурувват кил, карам ва авф кўргузгил.

Золим ва бедард сухбатида нукта сурма, наммом на номард мулояматида дам урма. Доно иликдин боргондин сўз айтмас, ўтган йигитлик орзу била кайтмас.

Ўтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айткон ахли надамдур ва хол мугтанамдур. Бир турк бу маънида дебдурким: «Дам бу дамдур».

Б а й т:

Мозию мустакбал ахволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

Х о т и м а д а:

Танбех (125).

Сувдин асрагулукдур туфрок ва балчиг уйин. Ва ўтдин асрагулукдур ягоч ва камиш уйин. Ва елдин асрагулукдур бўз уйин. Ва туфрогдин асрагулукдур кўз уйин. Жамиъи мосиваллохдин асрагулукдур кўнгул уйин.

Б а й т:

Нечукким, тўрт уйга тўрт зидди нуксони шойеъдур,
Бешинчи ун даги агёрдин ул навъ зоеъдур.

Олам асбобининг туганмаслигида бу танбехдурлар: Масалан, бировким кирпичдин бир—бирига фарш тўшар бўлса, чун маъхуд будурким, хиштни дарз бар дарз солмас, кирогларин бир—биридин ўткариб, аввалгига ёндоштура солгон икки хиштининг тарафларида икки улуг фаржа пайдо бўлурким, яна икки хишт тилар. Они солмок лозимдур. Бу киёс била минг ё икки минг хишт фарш соли(н)са бу навъ фаржалар багоят кўп хосил бўлур. Хар кайсининг ислохига яна хишт солгон сайн ул фаржалар ул хиштларга кўра кўп зохир бўлур. Агарчи ул фаржа зохир бўлгон такмили учун яна хишт соли(н)са, арзи оллох воссат юзни, балки кураи арз даврасин тамом хишт солмок лозим бўла келур. Бовужуди улким, бу махол хаёлни киши таакул килса туганмогининг имкони йўктур. Киши туганмагини фараз килса, ул фаржалар бирла минг, балки юз минг билонихоят ортар. Аларинг ислохини махол фараз бирла хам таакул килса бўлмас. Муниг иложи ва тадоруки хиштни зовия килмок била ва андин хам ушогрок ушатмок била муяссар бўлурким, муддао килгонча ерга чун фарш тўшалди, пайдо бўлгон фаржаларга кўра хиштларни ушотиб солгайлар ё ул душворлиг осонлиг била илайдин кўпкай.

Танбех (126).

Келдук мушаббахгаким, олам асбобидур, киши тиласаким, кўнгул тилагандек ва башарият томеаси такоза килгондек асбобини тузатгай нима кўп керак ул кераклик нималардин бир нечаси муяссар бўлса, яна анинг итмоми ва такмилига юз онча, балки кўпрак керак бўлур хам анинг анжомин таакул килса ул хам мужиби завоидлар бўлур. Андокким, анинг саранжомининг тасавури махолотка юз кўяр. Масалан, баъзи салотиндекким, неча иклими олдилар ўзга ақолим хаёли бошларига тушти, муниг даги иложи ва тадоруки бир неча муддаодин кечмак ва бир неча орзудники башар табъининг

лозимасидур, ўтмак била хосил бўлур. Эмди сўзнинг аслига шуруъ килоли: Бу олам асбоби муддао ва орзусин андоқким, бирор нима хотирдин салб килгон била кўп ташвиш за таклифдин махлас воқеъ бўлур, агар билкулл тамоми муддао ва орзудин киши илих тортса, дунёнинг барча офат ва балиятидинким, иштиголи ҳақ йўлининг монёидур, озод ва фориғ бўлмок муяссардурким, бу давлат кўп мувофик бандаларга даст берибдур ва арода бор экандурлар ва холо ҳам бор эканлар. Ва аларким, ародин чиқибдурлар, зикрлари машойих ва уламо кутубида мазкурдир.

Эмди келдук мушаббахгаким, фарш тўшмамакдур, ул даги андоқ хишти ушоткон била, зовия килгон била кўп мушкуллиги осонликка юз кўяр. Агар бу фарш хаёлин тамом кўнгулдин чиқарулса, киши ул махол тасаввурдин ҳам тинар ва халос ҳам бўлур ё ўйга агар фарш бўлмаса танаъумоти ва талаззузотидин не ўқсугай. Ва авлиё (қуддиса аллоху асрорихум) ахлох ва сифоти таърифида, балки анбиё (саловотиллохи алайхум) аҳком ва шароеъи зикрида ўй фарши сўзи ўтубму экин андоқким, ўй фаршига ҳеч иш вобаста эмас ва ул ҳеч ишга мухтожи алайх эмас. Фил—ҳақиқат олами асбоби даги беш кунлик умрдаким, ниҳояти ўлмакдур ва барча конлар ютуб хосил килгон асбобин юз хасрат ва армон ила кўюб кетмак.

Хар кишиким, ҳақдин қабул саодатига мушарраф бўлубтур, ани рад килибдур ва бори аҳли қабулнинг мардуди билибдур чун ани тамоми хотирдин махв этибдур, асли максудига етибдур. Ва ул мушаббах ва мушаббахунбих аросида бу тафовут ҳам борким, ул фаршка шуруъ ва таркидин фоилига суд ва зиёниқи, айтса бўлгай, йўктур. Ва дунё асбоби иштиголидаким, ҳақ йўли сулукидин монёидур бир нафс юз оламча зиён ва хар дам минг фалақи аъзамча нуксон кутишдин равшанроқдур.

Х и к о я т: Хорун ар—Рашид²⁷ Шайх Бахлул²⁸ суҳбатин хавас килди ва ул матлуб хусулин мултамас килди. Бахлулгаким, бу ҳабар етти, Хорун суҳбатин мушарраф этти. Халифаким, Бахлул аёгин ёланг кўрди, кафш киймаганнинг кайфиятин сўрди. Мажзубким, йиллар кафшсиз сайр этиб эрди, кафш деган нима ёдидин кетиб эрди. Билгачким, кафш дунёда мавжуд бор, табассум била дедиким: «Киши ани тиласа кайдин топар?» Хорун дедиким: «Бозорда кўптур. Олур ани хар кишиким, хар кайси аёгига хўбдур». Бахлул сўрдиким: «Хар ким ани олмок майли килур, аммо баҳоси кайдин топилур?». Хорун айттиким: «Баҳосин биз саранжом килали ва сенинг учун соткун олали». Бахлул дедиким: «Ани кийган гоҳи аёгидин чиқарса, ким асрар ва кеча уюса, ким сахлар?» Хорун дедиким: «Кул бераликим, асрасун ва сен кайда чиқарсанг, сахласун». Бахлул дедиким: «Ул ҳам ёланг аёг бўлса нетай? Кафш олай деса баҳоси кайдин етгай? Хорун дедиким: «Ани ҳам биз берали, ул санга кийдургандек биз анга кийдурали». Бахлул дедиким: «Ул оч колса, не егай ва ёланг колса дардин кимга дегай?» Хорун дедиким: «Киймагин ҳазонадин еткурай ва емагин боварчидин буюрай». Бахлул дедиким: «Мен аёг ёланг ўрганибмен ва кафш ва ўтукдин ўсонибмен. Кафш кийсам, шояд дастор ҳам чирматкайсен ва мени боштин аёг балога колгонларга коткойсен. Ва ўзунг ҳам бу икки таклифга колгайсен. Бу савдодин кечсанг санга бу меҳнатдин кутулмоқдур, манга ҳам бу боштин аёг балодин халос бўлмоқдур».

Пири роҳ ва солиқи оғох мундоқ дуррдек такаллумким сурди, бу гавхарларни анинг кулогига урди. Шохни ул можародин ўткарди ва ўз аёгин кафшдин тортти, бошин дастордин куткарди.

Б а й т:

Фориг этти бесару фоний ул гуфтордин,
Хам аёгин кафшдин, бошини дастордин.

Танбех (127).

Кафшсизликдин малул бўлмагил, аёгсизларга бокиб шукр кил. Дастор йиртуглугидин гам ема, боши ёругларга бокиб тенгри хамдидин ўзга дема. Танпўшунг дуруст бўлмаса тандурустлугунгга шокир бўл, ичинг кувватига гизо топмасанг, ич огригин йўк шукрига зокир бўл. Кисангда агар дирам йўк, кўнглунгда кисабур гами хам йўк. Ифлос машаккатин буржлулугунг йўкидин унут, хар холда шукр ва каноат тарикин берк тут. Агар отинг йўктур, арпа гамин емассен. Агар кулунг йўктур, киши кули худ эмассен. Камар курсига илкинг етмаса, кўглама, ўтмак хам магнамдур. Зарбафт бахоли либоси бўлмаса, фарогат бўрёси қачон андин камдур. Агар шункордек бошингда зардўзлук тумогадин тож эмасдур, шукр килким, кўзунг ёрук дунёни кўрарга мухтож эмастур. Агар шункор эгасидек белингда бахлийи зарнигор йўк хам, шукрдурким, илгинг бахли панжасидек нокор йўк ва андин санга озор йўк.

Хар шиддатеким, билурсен андин катикрок хол бордур ва хар суубатеки, гумон килурсен андин саъброк кўб кишига гирифтордур. Хар машаккатким, сенда йўктур, сенингдекда бор. Ул санга неъматедур шукр айтурга сазовор. Хар неъматким, санга берибтур ва сенингдекка бермайдур. Хамду сано айтурга кироманд ҳақдин бу бехисоб иноятларни бил ва мунга кўра бандалик фикрини кил. Хар неча ибодат килсанг, кўнглунгни таксир килгонга мойил тут ва хар неча тоат килсанг, тилингни узр айтурга койил тут. Сен ва килганинг маъдуми махз, вужуд ҳақ вужуди, хар не анинг гайри нобуди мутлак ва буд анинг буди.

Илохи, бу ажзоким, яхши—ёмон сифоти анда мазкурдур, макбулу мардуд холоти мастур, битгувчиси агарчи ёмонлардиндур ва яхшилардин эмас, аммо сендин яхшилик тамаъига ўзин ёмонлардин демас.

Илохи, ани яхшилар орасидин хавр этма ва ёмонлар хайлига котма. Тилига келган била кўнглин содик тут ва каламига ёзилгон била замирини мувофик тут. Ўзингдин ўзга сўзин кўнглидин чиқар. Ул ён тутким, санга етишгай ва ул йўлга юруким, санга коришгай. Тилига ўзунгдин ўзгани ёвутма ва кўнглини ўзунгдин ўзгага овутма. Кўнглини тасаллийи висолинг била овут ва кўзини тажаллийи жамолинг била ёрут. Бу замири фарзандин кўзларга махбуб эт ва бу багри пайвандин кўнгулларга маргуб эт.

Р у б о и й:

Бу номаки, хомасига килдинг мактуб,
Кил ахли кулуб олида «Махбуби кулуб» .
Эл айб топардин килма маъюб.
Хар ким ўкуса насиба этгил матлуб.

Т а р и х:

Бу номагаким, лисоним ўлди койил,
Килким тили хар навъ эл ишига нокил.
Тарихи чу «хуш»29 лафзидин ўлди хосил,
Харким ўкуса, илохи, ўлгай хушдил.

«МАХБУБ УЛ-КУЛУБ»НИНГ ИЗОХ ВА ТАРЖИМАЛАРИ

Асар Навоийнинг умри охирида — 1500 йилда ёзилган. Ўзбек насрининг гоят гўзал намунасидир. Навоий бадиий тафаккурининг, хулосаси, хаётий мушохадаларининг якунидир. Асарда муаллиф ўзигача бўлган форсий насрининг энг илгор анъаналарини ривожлантирган, катор масалаларни ўз даври ижтимоий—сиёсий воқеъликни, хоким мафкура билан боғлаб, янги талкин қилган. Асардаги инсонни улуглаш, баркамол кўриш, унинг бош хатини, хажвий портретлар, қайдлар — фош қилувчи кудратини, рад этишлик мантики — исёнкорлик рухини, ахлокий — этик хикмат — дидактик йўналишини, баёндаги фикр теранлиги, тилнинг гўзаллиги, пухталиқ, мухтасарлик, услубий жиллолар, шеърий парчаларнинг келтирилиши — юксак бадииятини белгилайди.

Мукаддимада, Навоийнинг эътироф қилишича, бу асар замондошлари ва авлодларга ўрнак бўлиши, яхшилик ва ёмонликни англашда, гўзалликни ардоқлаш ва эзгуликларга интилиш, чиркин хислатлар ва ёвузликлардан асранишда дастур ул—амал бўлишлигини назарда тутди.

Одоби тасниф анъанасига кўра асар Оллох ҳамди билан бошланган. Унинг ёлғизлиги, азамати, ниёзмандлиги, кодирлиги ва х. к. мадх этилади.

Мухаммад пайгамбар (алайхиссалом)нинг мадхи наът қисмида берилади. Шундан сўнг Навоий ўзи хақида, хаёти, фаолияти қандай кечганлигини нималардан хурсанд, нималардан ранжиб яшагани қаламга олинади. Асарнинг ёзишдан кўзлаган мақсади ва унинг мундарижаси баён этилади. Навоий «умид улқи, ўқигувчилар диққат ва эътибор кўзи билан назар солгайлар ва ҳар қайси ўз фаҳму идрокларига кўра баҳра олгайлар, битувчига ҳам бир дуо била баҳра етқургайлар ва рухини ул дуо била суюндурганлар, — деб мукаддимани якунлайди.

«Махбуб ул-қулуб»нинг аввалги ноширлари давр сиёсати ва ундаги ҳукмрон мафкура тазйиқи билан матнни қисқартириб тайёрлаган эди. Бу нашр эътиборли қўлёзмалар асосида илк бор тўлиқ ҳолда нашр этилмоқда. Натижада Навоийнинг тасаввуфга муносабати, диний масалаларни талкин этишдаги позицияси хақида аниқ тасаввур пайдо бўлади.

Китоб охиридаги изох ва шарҳлар шу тасаввурни тўлдириш ҳамда теранлаштиришга хизмат қилади.

Мукаддима

1. Махмуд— Мухаммад пайгамбар (а. с.)нинг лақаби.
2. Аносир — тўрт унсур (сув, ҳаво, тупроқ, олов).
3. Масих— Исо пайгамбарнинг лақаби.
4. Яъқуб — Иброҳим пайгамбарнинг невараси. Унинг 12—ўғли бўлган. Отаси ўлимидан сўнг уни Оллох пайгамбарликка ноил қилган. Огалари Юсуфни қудуққа ташлаб, бўри еб кетди, деб хабар берганларидаи кейин Яъқуб ўғли ҳасратидан Байт ул-ахзон қулбасида йиглай—йиглай кўзлари кўр бўлиб қолади. Юсуфдан яхши хабарлар эшитгач, кўзи очилади. Яъқуб пайгамбарнинг лақаби «Исроил»дир. Ундан сўнг келганларни «Бани Исроил» дейдилар. Қуръони қаримда Яъқуб хақида 15 га яқин оятлар бор (масалан, Бақара, Имрон, Нисо ва б.). Адабиётда талмиҳ санъатида кўп келади. Ошиқнинг ҳузн, изтироблари, айрилиқдан кўз ёшлари тўқиши ва х. к.лар қаламга олинар экан, унинг ўзини ёқи кўнглини Яъқубга ўхшатилади. Кўпинча Яъқуб Юсуф

билан бирга тилга олинади.

5. Хизр — Оби хаёт ичиб, бархаётликка эришган авлиёлардан. Адабиётда кишиларга йўлдошлик, мадакдорлик килиш билан машхурлигига ургу берилади.

6. Бурок — Мухаммад пайгамбар (а. с.)нинг оти. «Меърож» кечаси пайгамбар уни миниб, кўкка кўтарилган.

7. Рух ул—амин — Жаброил (а. с.)нинг лакаби.

8. Тарж. ар.: ишк хакида гапириладиган нарса.

9. Тарж. ар.: вахидан бошка нарса эмас.

10. Тарж. ар.: оламга [Аллохнинг] рахмат бўлсин!

11. Тарж. ар.: юлдузлар каби.

12. Тарж. ар.: Киёмат кунда унга, унинг оила аъзолари ва сахобаларига оллохнинг салавотлари бўлсин.

13. Тарж. ар.: гунохларидан кечиб, айбларини бекитсин.

14. Соир ун—носнинг афъол ва ахволи кайфияти — хар хил тоифа одамлар феъл—атвори ва ахволи кайфияти демакдир.

15. Хамида афъол ва замима хисол хосияти — яхши феъллар ва ёмон хислатлар хосияти демакдир.

16. Мутафаррика фавоид ва амсол сурати — хилма—хил фойдалар ва хикматли сўзларнинг кўриниши демакдир.

I кисм

1. Тарж. ар.: мен ер юзида килгувчи — халифа.

2. Тарж. ар.: Одил султон замонида тугилиш демакдир.

3. Хожаи кавнайн — а. ф. икки дунё эгаси демакдир. Мухаммад пайгамбар (а. с.) кўзда тутилади.

4. Тарж. ар.: бир соатлик адолат, инсу жинс ибодатидан яхширок.

5. Шох Абулгозий — Хусайн Бойкаронинг лакаби. Шох Султон Хусайн Бойкаро (1438, Хирот —1506, ўша шаҳар) темурийлардан. Темурнинг ўгли Умаршайхга набира, Мансур бинни Бойкарога ўгил. Онаси Темурнинг набираси Ферузабегим. Бу тарафдан Мироншоҳ Мнрзонинг ҳам набираси эди. Хусайн Бойкаро шеърият билан шугулланган сохиби девон шоирдир. У «Хусайний» тахаллуси билан асосан дунёвий ишк ва унннг кайфиятлари хакида шеърлар битган. Хусайн Бойкаро 1485 й.да насрий бир Рисола ҳам ёзган. Унда ўзининг фаолиятини шахсий кечинмаларга бой, кўтаринки руҳда баён этар экан, мамлакатдаги маданий илмий, адабий ижод равнакига алоҳида тўхталади ва Жомий ҳамда Навоийларга юксак баҳо беради. Маълумки, Алишер Навоий ҳам ўз фаолиятида, ҳам ўзининг хар бир асарида Хусайн Бойкарога мустасно ўрин ажратади. Бу ерда Навоий Хусайн Бойкарони одил султонларнинг энг сараси сифатида тилга олади.

6. Жаброил — Худо билан пайгамбар ўртасидагн воситачи, вахй келтирувчи фариштаннинг номи.

7. Хомон — Мусо пайгамбар замонидаги Миср Фиръавнининг вазири. Мусо душмани бўлган эронли бу вазир Фиръавнга болаларини ўлдиришни тавсия килган. Хомон Фиръавн учун икки иш килган: бири «тарихи Хомон» номи билан машхур расадхона курган; иккинчиси — катта бир саватга ўлимтик ейдиган, узок умр кўрадиган каргас кушларини солиб, устига гўшт парчаси ташлаб кўйган. Фиръавн гўё уларга миниб, Мусо тангрисини махв этажагини билдирган.

8. Осаф — Шарк адабиётларида энг яхши вазирга берилган унвон сифатида келади.

Осаф бен Бархаё Сулаймон пайгамбарнинг машхур вазири бўлган. У «илми симиё (ботиний илмлардан — Оллохнинг сўзлари, гўзал исмларнинг сирларини очиш)ни пухта билган. Бир ривоятда Осаф «Исми аъзам (Оллохнинг энг улуг 1000 та исмидан 300 таси Тавротда, 300 таси Забурда, 300 таси Инжилда ёдга олинган. Куръонда 100 дан 99 ёдланади. 1 исми эса халқдан яширин қолдирилади. Бу эса Сулаймон пайгамбар хотами—узугида нақшланган экан) кудрати билан Сабо маликаси Билқисни тахти билан бирга Сулаймон пайгамбар хузурига келтирган экан. Адабиётда Осаф «сохиби тадбир», донишманд вазир тимсолига айланиб кетган. Умуман Осаф исми вазир маъносида қўлланилади. Кўпинча бу образ Сулаймон пайгамбар ва унинг хотами-узуги билан бирга келади. Бу ерда Навоий ҳам шу маъноларда қўллайди.

9. Тарж. ар.: Инсоф қилганга Оллох раҳм қилади сўзлари Осаф узугига нақшланган.

10. Тарж. ар.: азоб келтирадиган (нарсалардан) қутулдинг.

11. Хотам — Ибн Абдуллох бин Саъднинг лақаби Хотами тойи номи билан ҳам машхур. Той қабиласининг бошлиғи ва шоир бўлганлиги хақида ривоятлар бор. Хотам адабиётда саховат, сахийлик тимсолига айланб кетган.

12. Рустам — Фирдавсий «Шохнома»сидаги бош қахрамонлардан Золнинг ўгли. Фирдавсий Рустамнинг дунёга келиши ва унга исм қўйилишини шундай хикоя қилади; Золнинг хотини Рудоба хомилани оғир кўтаради. Ойи-қуни келганда, дард бошланиши билан хушидан кетади. Саросимага тушган Зол афсонавий қуш — Симург воситасида жаррох топиб келади. Жаррох Рудобанинг ёнини кесиб, болани омон олади. Хушига келган она ёнида ётган фарзандини кўриб хурсанд бўлади ва ох тортиб «Рустам!» (яъни азобу дардлардан халос бўлдим маъносида), дейди. Онанинг оғзидан биринчи чиққан шу сўзни болага исм қилиб қўядилар. Шарқ адабиётида Рустам анъанавий образ — тимсолига айланиб кетади. У пахлавонлик, мардлик рамзида тилга олинади.

13. Тарж. ар.: тенг, баробар демақдир.

14. «Ло» — а. «йўқ», «наам» — «ха» демақдир.

15. Рухуллох — Исо пайгамбарга нисбатан қўлланиладиган таъбир. Отасиз тугилгани учун бу исм билан аташган. Бу ерда Исоий Рухуллохнинг ўз нафаси билан ўликни тирилтириш кудрати табибларнинг давосозлигига қиёс қилинмоқда.

16. Тарж. ар.: қасд билан, қасддан демақдир.

17. Али — Али бин Абу Толиб тўрт буюқ халифаларнинг охиргиси (598 — 661), Мухаммад пайгамбар (а. с.)нинг амакиваччаси ва қуёви.

18. Тарж. ар.: Аллох ундан рози бўлсин ва Аллох уни буюқ қилсин!

19. Фаридиддин Аттор — Мухаммад ибн Абубакр бинни Иброҳим (1148/51—1219/21) тасаввуф олими. Ижодиётда Хусайн ибн Мансур ал—Халлож (858 — 922), Боязид Бистомий (ваф. 875) таълимотининг давомчиси. У инсон иродаси билан боглик ҳамда яхши ва ёмонликнинг замири инсоннинг ўзида, ўз табиатида мавжуд, деб ҳисоблаган. Атторнинг «Мантик ут—тайр»ига Навоий, ўз эътирофича таржима йўсини ила «Лисон ут—тайр»ни ёзган. Бу ерда Навоий Атторни сирлар жавохирларини яратган, шоир деб таърифламоқда.

20. Мавлоно Жалолиддин Румий — тасаввуфнинг буюқ шоири (1207, Балх — 1273).

Куния шаҳрида мударрислик қилган. Унинг ижоди Фаридиддин Аттор таъсирида шаклланган. Манбаларда Аттор Жалолиддин билан Нишопурда учрашиб суҳбатлашгани ва «Асрорнома» асарини унга тухфа қилгани қайд этилади. «Девони Шамси Табризий» номи остида машхур бўлган лирик шеърлар мажмуасида Жалолиддиннинг 3000 байтдан зиёд шеърлари 270 байтдан иборат «Маснавийи маънавий» асари ўрин олган. Навоий бу

ерда Румийни «гаввоси бахри якин» (яъни хакикат асрорини ўрганувчи, Оллохни таниганлар денгизининг гаввоси) деб таъ—рифлайди.

21. Саъдий Шерозий — Муслихиддин Абу Мухаммад Абдуллох ибни Мушрифиддин (1203 — 08, Шероз — 1292, шу шаҳар) шоир, носир ва мутафаккир ёшлигида етим қолиб, кичкина бир бакколчилик дўконидан тушган ночор даромади билан оилага кўмаклашади. Мўгуллар истилосидан кейин саёхатга чикиб, 20 йил мобайнида Туркистон, Хиндистон, Шимолий Африка, Жанубий Арабистон, Кичик Осиё шаҳарларини кезиб, Богдодга кайтади. Саъдий бошлангич таълимини ўз юртида олган эди. Эндиликда у Багдоддан «Низомия» ва «Мустансирия» мадрасаларида араб тили ва адабиёти, ҳадис ва Куръони карим, калом ва тасаввуфни ўрганади.

Унинг «Бўстон», айникса «Гулистон» асарлари ўша вақтдаёқ ва кейинги даврларда ҳам жуда машҳур бўлган. 4 та газаллар девонида ҳам гиноий шеъриятининг энг гўзал намуналари жамланган. Саъдий ижодида ишки мажозий ва ишки хакикий тараннуми чатишиб кетган. Унда дидактик йўналиш ҳам кучли. Бу ерда Навоий Саъдийни «Маъно ахлининг гўзал сўзлар айтувчиси» деб таърифлайди.

22. Амир Хусрав Дехлавий — Яминиддин Абулхасан Амир (1253, Патёл—1325, Дехли). Шоир ва мутафаккир. Унинг отаси Сайфуддин Махмуд мўгуллар истилоси олдидан Шахрисабздан Хиндистонга кўчиб кетади. Хусрав илк шеърларини «Султоний» тахаллусида ёза бошлайди. Унинг гиноий—лирик шеърлар девони 5 та бўлиб (умумий ҳажми 32645 байт), уларни алоҳида номлаб чиққанди ва бу анъанага асос солади. Хусрав Низомий «Панж ганж»ига жавобан «Хамса» яратиб, ҳамсачилик анъанасини ҳам бошлаб берган шоирдир. Хусрав катор насрий асарлар муаллифи ҳамдир. «Хазойин ул-футух» (Галабалар ҳазиналари) «Эъжози Хусравий (Хусрав мўъжизаси), «Манокиби Хинд» (Хинд манокбилари) шулар жумласидандир. Навоий Хусрав Дехлавийга катта муҳаббат ва юксак эҳтиром билан караган ва уни ҳар бир достонида ҳамда бошқа насрий асарларида мадҳ этиб ўтган. Бу ерда уни ишк ахли орасидаги садокатли ошиқ ва пок акидалар юритувчиси, деб таърифлайди.

23. Захириддин Саной — Абдулмажид Маждуд ибни Одам (1079 — 80, Газна, 1140, шу шаҳар) бўлиши керак. Бу шоир исми ё лақаби Захириддин бўлгани маълум эмас. Захириддин Тохир ибни Мухаммад Форёбий (1160, Форёб (Балхдаги—1202, Табриз) деган шоир ҳам бор. Лекин Навоий шоир тахаллусини Саной деб аниқ ёзади. Санойнинг катта шеърлар девони, айникса «Ҳадикат ул—хакикат» (Ҳакикатлар гулзори) номли достони гоят машҳурдир. 12 минг байтдан иборат бу достонни адабиётда тасаввуф комуси деб атайдилар. Бу ерда Навоий Санойни «тасаввуф мушқилотлари тугунини ечувчиси», деб ёдлайди.

24. Шайх Авхадиддин — Авхадиддин Али ибни Мухаммад ибни Исҳоқ Анварий (1105, Ховарон (Абиварддиги) —1187, Балх) шоир ва мутафаккир, Тусдаги мадрасада таълим олган. Замонасидаги турли илмларнинг — нуҷум, хандаса, хикмат, тиб, фалсафа билимдони. Султон Санжар даврида (1118 — 1157) сарой шоири бўлган. У шўх табиатли, озод фикр шахс бўлиб, шеъриятда ҳажвга мойил эди. Авхадиддин Анварийни «қасида пайгамбари деб аташган. Унинг қасида (250), газал (337), китъа (557) ва рубоийлардан (472) таркиб топган Девони қарийб 15 минг байтдан иборат. Навоий бу шоирни «ахли якин (Аллохни таниганларнинг) яғонаси», деб таърифлайди.

25. Ҳожа Ҳофиз Шамсуддин Мухаммад (1321, Шероз — 1389, ўша шаҳар) — Машҳур шоир тожир оиласида тугилиб, ёш етим қолади. У нонвойга шогирд тушиб, оила рўзгорига қарашади. Куръони каримни ёд олган хофиз бўлган, тахаллуси шу

фазилатидан олинган. Хофизни ўз давридаёк «ринд» деб аташган эди. Бунинг боиси кўпрок унинг шеъриятда жаранглаган журъатли овози, хур ва дадил фикрларига кўра эди. Хофиз, асосан газалсаро шоир 1967 й. Техронда Халхолий Хофиз вафотидан 35 йил ўтгач, тартиб килинган девон матнини бошка нашрлар билан киёс килиб босиб чиқаради. Унда 418 газал, 5 касида, 41 рубоий, 3 та кичик маснавий — «Сокийнома», «Охуйи вахший» ва «Муганнийнома» асарлари мавжуд. Хофиз талкинида ишк — халоват сабаби айни чоғда ишк — азият мохияти. Хофиз газалларида ирфоний гоёлар, тасаввуфга эътикод устундир. Навоий лирик шеъриятда Хофизни ўз устозларидан бири сифатида эътироф этади. Бу ерда шоирни маъноларни очиб берувчи деб таърифлайди.

26. Камол Исфохоний — Камолуддин Исмоил Исфохоний (1170, Исфохон — 1237, ўша шаҳар). 10 минг байтдан зиёд шеърлар кирган девонга эга шоир. Девони газал, касида, китъа, рубоий ва таркиббандлардан таркиб топган. Шоир касидалари фақат мадхия руҳида бўлмай, уларда маҳорат билан замона носозликлари, илм -хунар ахлининг ночорликлари, баъзи давлатмандларнинг жохиллиги юзасидан дадил фикрлар илгари сурилади. Шоирнинг ижтимоий карашлари, айниқса унинг китъаларида ўз аксини топгандир. Навоий бу шоирни шеъриятда кўпроқ мажоз тариқида ёзган шоирлар сирасида тилга олади.

27. Хоконий Шервоний — Афзалиддин Бадил ибни Али (1120, Шервон —1198, Табриз). Косиб оиласида дунёга келади. Амакиси кўлида табиб ва шоир бўлиб етишади, илм ўрганайди. Бирмунча вақт шервоншоҳлар саройида хизмат килади. Лекин бу муҳит ва ундаги макр—хасад, фитна—фужурларга дош бера олмай Хаж сафарига отланади. Кайтгач «Тухфат ул—Ироқайн» (Икки Ироқ тухфаси) маснавийсини ёзади. Саройни тарк этган шоирни Шоброн зиндонига ташлайдилар. У Рум (Византия) шахзодаси Андроник Комнонга касида билан мурожаат килиб, унинг кўмагида зиндондан халос бўлади. Зиндонда шоирнинг машҳур «Хибсиёт» манзумалари яратилади. Хоконий девони 17 минг байтдан таркиб топган. Унда 220 касида, 330 газал, 300 рубоий, 230 форсча китъа ва 450 арабча шеърлар бор. Хоконий шеъриятининг кейинги давр шоирларига таъсири сезиларли бўлган. Навоий бу ерда Хоконийни мажоз тариқида калам тебратган шоирлар каторида санаб ўтади.

28. Хожуйи Кирмоний— Абулато Камолуддин Махмуд ибни Али (1290, Кирмон —1354, Ироқ), шоир Хусрав Дехлавийдан кейин Низомий Ганжавий анъаналарини давом эттирган иккинчи шоирдир. У олти дoston ёзиб «Хамсаи Хожу»га бирлаштирган. Икки шеърий девони бор. «Гул ва Наврўз» ҳамда «Шавкиёт» номли маснавийлар ҳам яратган. Хофиз уни ўз устозларидан деб билган. Хожу Кирмоний Санойи, Шайх Аттор Жалолиддин Румий анъаналарини давом эттирган. Навоий бу ерда шоирни мажоз йўлида ижод килган сўз санъаткорлари сирасида тилга олади.

29. Мавлоно Жалолиддин — Ибни Жаъфар Фарохоний (ваф. 1336) соҳиби Девон шоир. Низомий Ганжавийнинг «Махзан ул—асрор»ига 3 минг байтли жавоб ёзган. Шеъриятда фалсафий, диний ва ахлокий гоёларни тараннум этган.

30. Хожа Камол — Камолуддин Амид XII асрда яшаб, ижод килган шоир. Бухородан Хуросонга Султон Санжар саройига келган. Донишманд инсон, мохир хаттот ва мусикачи бўлган. Анварий таъсирида ёзган шеърлари анчагина. Камол девони замонамизгача етиб келмаган. Улардан баъзи намуналар тазкираларда берилган. Навоий бу шоирни мажоз йўлида шеър битган ижодкорлар сирасида келтиради.

31. Анварий — каранг: Авҳадиддин Али ибни Мухаммад. Шу китоб, 7-6.

32. Захир — Захируддин Нишопурий XII асрда яшаган шоир ва тарихчи, ишкий ва

ахлокий мавзуларда пароканда шеърлари бор. Яна Захир Самаркандий деган (XII) насрнавис бўлган. Энг мухим асари «Синдбаднома» бўлиб, адолатли шох тимсолини сержило бадийи бўёқларда яратган. Навоий бу ерда мажоз тарикида калам тебратган шоирларни санаб ўтаётгани учун сўз Захир Нишопурий устида кетаяпти чоги.

33. Абдулвосеъ — Бадеуззамон Фаридуддин ибни Умар ибни Рабеъи Гуржистоний. Абдулвосеъ Жаболий номи остида таникли (ваф. 1160). Хиротда тахсил кўрган, Газна ва Машхадда фаолиятда бўлган. Девони касида, газал ва рубоийлардан таркиб топган. Уларда бахор ва наврўз, ишқу мухаббат, дўстлик ва садокат тараннум этилган. Айни чоғда, замонадан шикоят, халқ ахволидаи огохликка даъват, шахсий дард—алам оханглари ҳам баралла сезилади. Навоий бу шоирни мажоз тарикида ёзганлар сирасига киритади.

34. Асир — Асируддин Абдуллох Авмоний (ваф. 1236) араб ва форс тилларида ижод қилган, айникса Анварий шеърларига пайравлик қилган шоир. Содда, таъсирчан ва ширин шеърларидан тузилган Девони тахминан 5000 байтни ташкил қилади. Қарийб шу даврларда яна бир Асири Ахсикантий (Асириддин Абулфазл Мухаммад Тохир) деган шоир (1108, Фаргона Ахсикати —1196 — 98, Озарбайжон Халхоли) яшаган. У Хирот ва Марвда тахсил олиб, риёзат, тиб, кимё, нужум, хайъат, фалсафа, тилшуносликда шухрат қозонади. Маълум муддат Ироки Ажамда истикомат қилади. Девонида 120 касида, 220 газал, 80 китъа, 80 рубоий, 4 таркиббанд ва таржеъбанд, 24 фард мавжуд. Гоялари — кажрафтор фалакдан шикоят, давлатмандларнинг хирсу хавасга ружуълари ва тамаъкорликларни қоралаб, сабру токат, илм-донишга даъват каби ирфоний фикрлардан иборат. Фикримизча, Навоий Асир деганда Асириддин Ахсикантийни эмас, Асируддин Абуллохни кўзда тутган. Зероки, бу шоир Навоий тилга олган мажоз тарикида ижод қилгай шоирлар жумласидандир.

35. Салмон Соважий — Жамолуддин Хожа Салмон ибни Хожа. Алоуддин Мухаммад (1310, Ироки Ажам Соваси — 1376, ўша ер) Шарқ шеърлятида воқеа саналган машхур «Касидаи маснуъ» ижодқори. Бу касида жалоирийлар вазири (даври 1327—35) Хожа Гиёсуддин Мухаммадга бағишланган. Мувашшах тарикида ёзилган бу касидада бир неча бахрлардан мохирона фойдаланилган. Адабиётда бадийи жихатдан гоят барқамол асарни «Касидаи Маснуъ»га ўхшатилади. Шеърлятда Саъдий Хофиз, Камолуддин Исмоил, Захири Форёбий, Анварий ва Манучехрларга пайравлик қилган. Ўзи асарларидан «Куллиёт» тузган. 16 минг байтни ўз ичига олган «Куллиёт»ида гиноий шеърлари ва «Жамшед ва Хуршид» ҳамда «Фирокнома» маснавийлари ўрин олган. Навоий бу шоирни ҳам мажоз тарикида ижод қилганлар сирасида санаб ўтади.

36. Носири Бухорий — Шохдарвеш ҳамда Дарвеш Носир номларида ҳам таникли (ваф. 1371—72) шоир. Тахсил олиш мақсадида Хуросон, Озарбайжон ва Ирокка сафар қилган. Девонида 4000 байт шеърлар мавжуд. «Хидоятнома» номли маснавийси ҳам бор. Лирик шеърлятда Хофизга пайравлик қилган. Бу шоирни ҳам Навоий мажоз тарикида калам тебратгаи ижодқорлар қаторида тилга олади.

37. Котибий Нишопурий — Шамсуддин Мухаммад ибни Абдуллох (ваф. 1435, Астробод). Нишопур мадрасасида тахсил олган. Мавлоно Сиймийдан хаттотликни ўрганиб, хушхат қотиб бўлиб етишгани учун Котибий тахаллусни олган. Хирот, Самарканд, Астробод, Мозандарон, Гелон, Хижозга сафар қилган. Бир неча девонлари ва маснавийлари бор. Навоий Котибийни «Мажолис ун—нафоис»нинг I мажлисида келтиради ва «ўз замонининг беназири эрди. Хар навъ шеърғаки, майл кўргузди, анга маонийи гариба кўп юзланди. Батахсис, касоидда балки ихтироълар ҳам қилди ва кўп

яхши келди». Навоий Котибий газаллари ва касидаларига юксак баҳо беради, «яхши сўзи кўпдур» деб ёзади Котибийнинг Астрободда тоун (вабо) марази билан дунёдан ўтганлиги ва Нўх гўрон деган мазорда дафи этилганлиги «Мажолис»дан маълум. Бу ерда Навоий Котибийни ҳам мажоз йўлида ёзган шоирлардан деб кайд этади.

38. Шохий Сабзаворий — Амир Окмалик ибни Малик Жамолуддин Ферузқўхий, тахаллуси Амир Шохий (1385, Сабзавор — 1453, Астробод) шоир. Аждоди сарбадорлардан бўлган, Шохий Бойсунгур мирзо надими сифатида сарой хизматини бажарган. Сарбадорлар мағлуб этилгач, ота юртига кайтиб, дехкончилик билан машгул бўлган, Шохий 5—7 байтли ошикона газалларни кўп битган. Уларни Жомий, Навоийлар юксак баҳолаган. «Мажолис ун—нафоис»да Навоий ёзади: «Фарогатдўст ва хушбош киши эрди. Анинг шеърини чошни, салосат ва яқдаст ва латофатида таъриф килмок хожат эрмас. Газали гарчи оздур, аммо барча халойик қошида писандида ва мустахсандур». Навоий уни кўрмаган, лекин мактуб ёзишиб турганлигини таъкидлайди. Навоий Шохий номи билан мажоз тарикида ёзган шоирларни яқунлайди.

39. Мавлоно Абдурахмон Жомий — Нуруддин Абдурахмон ибни Низомуддин Ахмад ибни Шамсуддин Мухаммад (1414, Жомнинг Харгарди — 1492, Хирот) шоир ва мутафаккир Навоийнинг дўсти, тарикатдаги устои. 3 та шеърлар девони, «Хамса» йўлидаги 7 дostonдан иборат «Хафт авранг (етти тахт), «Бахористон» каби бадиий ва катор илмий асарлар жумладан, «Рисолан аруз», «Рисолан кофия», «Рисолаи мусикий», «Рисолаи муаммо» (3 та) ва б. шархлар ҳам ёзган. Навоий Жомийни гоят хурмат килган, хар бир дostonида алохида мадх килган, бошка асарларида ҳам юксак хурмат билан ёдга олади. Жомий вафотидан сўнг у ҳақда «Хамсат ул—мутахаййирин» (Хайратланганлар бешлиги) номли мукаддима, уч мақолат вз хотимадан иборат махсус асар ёзган. Унга ўзининг Жомий вафотига бағишлаб ёзган марсиясини илова килган. Садруддин Айний бу асар «марсия адабиётнинг энг жон ўртовчи намунаси дур. Бу таркиббандда Жомийнинг бутун илмий ва адабий кудрати мужассамлалган», — деб ёзган эди. Бу ерда Навоий Жомийни хақиқат ва мажоз тарикида ижод килган комил ва етакчи сўз санъаткори деб келтирди.

40. Тарж. ар.: Оллох унинг ётган жойини нурга чўмдириб, қабрини мукаддас айласин.

Тарж. ар.: Оллохдин нафсларимизнинг ёвузликлари ва ишларимизнинг ёмонлигидан сакланишни сўраймиз.

41. Валоят ахли — авлиёлар ахли. Валий — дўст, тасарруф соҳиби ва амир маъноларига ҳам эга. Оллохнинг 99 исмидан биридир. Авлиёлар Оллохнинг амрларини умматларга тушунтирадилар. Ҳақ билан халқ орасида бир муомаладир. Пайгамбарнинг валояти нубувватидан устундир, деган тушунча бор. Валийлар Оллох ҳукмига мутлақо риоят этишлари лозим.

42. Шиблий — Абубакр Шиблий комил авлиёлардан. «Насойим ул—мухаббат»да Жомий 4—табақа авлиёларидан деб ёзади. Атторминг «Тазкират ул—авлиё»сида Шиблий манокибларидан турли хажмдаги 60 та нақл, суҳбатларни келтиради. Шиблий 334/945—46 й. Бағдодда вафот этган.

43. Нурий — Абулхусайн Нурий, исми Ахмад бин Мухаммад. 2 – та бақа авлиёлардан.

Ибн ал—Бағавий номи остида танилган. Нурий 353/964 й. Нишопурда оламдан ўтган.

44. Тарж. ар.: Оллох қабрини мукаддас айласун.

45. «Худий» — туячилар ашуласи.

46. Савт — а. лугавий маъноси — камчи, камчи урмок. Мусикада овоз, товуш, куй,

оханг, демакдур.

47. Наъам — наво, оханг, куй, тарона.

48. Тарж. ар.: Оллох деди.

49. Тарж. ар.: Оллохнинг элчиси, яъни Пайгамбар деди.

50. ёрод — мусика асбоби.

51. аёлгучи — куйнинг чўзик нагмаларини ижро этувчи.

52. Зиж — юлдузнама; жадвал.

53. Тарж. ар.: кочиш, узоклашиш лозим бўлган.

54. Тарж. ар.: ойнинг юксаклиги.

55. Тарж. ар.: мунажжимлар, ёлгон гапирадилар.

56. ажнос — жинснинг кўплиги — тур, нав; мол, матони ҳам англатади.

57. Тарж. ар.: мусулмонларнинг икки елкасида ўтирган икки фаришта (ўнг елкадагиси савоб ишларини, чап елкадагиси гунох ишларини ёзиб борар экан).

58. Одам — Оллох яратган илк инсон. «Абулбашар» (Башарият отаси), куняси «Сафиуллох» (Оллохнинг соф кули) лакаби билан ҳам таникли. Халқда Одам Ота деб юритилади. Одамнинг яратилишида ер юзидаги хар жинс тупрокдан олинган эмиш. Оллох одамга рух киритгач, унга малакларнинг сажда килишини буюрибди. Улардан бири жаннатнинг хазинадори Азозил (Иблис, шайтон) оташдан яратилгани учун бўйсунмабди ва Оллох уни жаннатдан қувибди. Одамнинг сўл ковургаси суягидан Хавва яратилгач, улар бирга нурдан либослар кийиб, рохатда яшарканлар факат жаннат меваларидан емасликларн керак экан. Иблис уларни йўлдан урмоқ учун канчалик харакат қилмасин, жаннат дарвозабони Ризвон рози бўлмабди. Иблис хийла билан тўрт оёкли, гўзал хайвон бўлган илоннинг тишлари орасида жаннатга кириб олибди. Нихоят Иблис найранг билан Хавва ва Одамга жаннат меваларини едирибди. Шундан сўнг Оллох илонни оёк ва тишларидан махрум этган экан. Оллох Одам ва Хавванинг либосларини ечдириб, жаннатдан қувибди. Улар махрам ерларини анжир япроги билан бекитиб, Иблис ва илон билан жаннатдан чиқарилибдилар. Одам Сарандиб, Хавва Арабистондаги Жиддага, Иблис Майсонга, илон эса Исфохон (ёки Нусайбин)га бориб тушибдилар. 200 йил тоат-ибодат, тавба-тазаррудан сўнг Жаброил Одам ва Хаввани Арофатда бир—бирига ковуштиради. Улар 20 жуфт (қиз ва ўгил — эгизак) фарзанд кўрадилар. Буларнинг энг машхурлари Хобил ва Кобил ҳамда Шит пайгамбардир. Куръони каримда хадисларда ва адабиётда Одам хақида оят накл ва киссалар гоят кўп. Навоий «Рисолаи тийрандохтан» асарида Одам ато жаннатдан чиқарилгач, Оллох унга дехкончилик қилишни, бугдой экишни буюрганини ёзади. Бу ерда ана шунга ишора бор.

59. Тарж. ар.: азият берувчиларни ўлдиришлар.

60. «Сод» — араб алифбосидаги харфнинг номи. «Хирс» сўзининг охирги харфи «сод» билан ёзилганига бу ерда ишора қилинади.

61. «айн» — араб алифбосидаги айриш белгисининг номи, «тамаъ» сўзида охирги харф бўлиб келишига ишора.

62. Тарж. ар.: Оламнинг тўрт климига сипохгарлик қилиш — мол хандашлиқдир. Бу ерда сипохийлик мохиятига киноя бор.

63. Тарж. ар.: шовкин-сурон, тўполон, таралла-ялла.

64. Ринд — дунё ишларини хуш кўрган киши. «Гиёс ул—лугат»дан «Ринд шариат коидаларини, жохиллик юзасидан эмас, онгли суратда инкор қилувчи одам, дейилади. Адабиётда ринд жоху давлатни кўзга илмаган хур фикр, исёнкор рухиятли, майпараст,

бодадан хакикат сармасти бўлиб ишк сахроси саргардонлари тимсашда келади. Хофиз

Риндон боданўшки, бо жам хамдаманд,
Вокиф зи сирри олам ва аз холи одаманд

(яъни, риндлар жом билан хамдам боданушдирлар, Улар олам сирларию одам холидан вокифдирлар), деб ёзади.

65. Дайр — лугавий маъноси — ибодат гунбази: калисо, бутхона, мажозан: майхона. Тасаввуфда лисон оламини англатади.

66. Жамшид — Жам Кадимий Эроннинг пешдодийлар сулоласининг 4—хукмдори. Мифологияга кўра у Нух замонида 700 ёки 1000 й. яшаган. Инсонларга зарур бўлган кўп нарсаларни, жумладан, сипохийлик аслахалари найза, килич, пичок, калкон, ясатган. Хаммом бино килган. Ипак либослар, ранглар ихтиро этган. Истахр деган шахарни кенгайтириб, унда улуг бир бино курдирган. Иморат битгач катта тантанали йигин ўтказиб, ўзи жавохирлар кадалган тахт устида ўтирганда, қуёш чикиб, унинг хашаматидан хамма ёк порлаб кетади. Халк бу куни Наврўз (янги кун) Жомни эса Жамшид (нур шохи) деб атай бошлади. Окибат Жамшидда гурур ва кибр пайдо бўлади. Навоий «Тарихи анбиё ва хукамо» асарида ёзади: ўз суврати била бутлар ясаб, аколим (иклимлар), ва кишвар (мамлакат)ларга йибориб, элга ўзининг парастиини (ўзига сизиниши) буюради. Оллохнинг кахрига учради ва Заххок Жамшидни арра билан иккига бўлиб, пора—пора килди, тахтини эгаллади. Тасаввуфда Алавий, Мавлавий Бектошин тарикатларида Жом бир зикр номи бўлиб, зикрдан сўнг шароб ичилади. Жам макоми, жам ул—жам деган комил маком хам бор. Бу ерда Навоий Харобот риндлари ўз шавкатиини Жамшидникидан ортик биладилар деган фикрга ургу бермоқда.

67. Дарвеш — бир тарикатга боғли одам. Асл маъноси Оллох йўлида хоксорлик ва факирликни кабул килган кимсани англатади. Адабиётда дарвеш фарогат гўшасида сокин, каноат хазинаси сохиби, мартабада султондан юксак, маънавият подшохи, ўз юртида мусофир, хиркапўш сайёр сифатида каламга олинади.

68. Фаридун — Афридун холида хам учрайди. Кадимги Эрон пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Навоийнинг «Тарихи мулуки ажам» асарида ёзишича, баъзи манбаларда Жамшид набираси, баъзиларида Тахмурас наслдан дейилади. Навоий Фаридунни «Яхши ахлоклик олим ва одил подшоҳ эрди» деб мактайди. У Мусо пайгамбар ва Хорун унинг замонида яшаганлар, деб ёзади Навоий. Фаридун ўз яраларига одамзод магзидан бошка даво топмаган Заххокни махв этган, Кова охангар (темирчи) сахтнёнини байрок килиш коидасини ўрнатган эди. Фаридун ўзининг бой хазинаси билан хам машхур бўлган экан. Бу ерда ана шу Фаридун ганжга ишора килинади.

II кисм

1. Тавба шароитда вожиб, тарикатда шарт, сулукда лозим бўлган тушунча. Тасаввуфда банданинг парвардигор сари сафари (унинг хаёти) бўлса, бу сафар манзиллари — макомлари еттитадир. Биринчи маком тавбадир. Тасаввуф истилохотида тавба рухнинг бедорлигидир, деб таъриф килинади. Хатто тавбани инсон рухининг биринчи исёни хисоблаганлар. Оллох исмлари орасида Таввоб (тавба кабул килувчи) бор. Курони каримда тавба 87 бор эслатилади. Мухаммад пайгамбар (а. с.) «хар куни 70 марта тавбаъ киламан», — деган экан.

2. Тарж. ар.: Бу Оллохнинг фазилатидур, уни хохлаган кишисига беради.

3. Шайх Абдулло Муборак — Абу Абдурахмон Абдуллох бин Муборак Марвазий (ваф. 171/787—88) Ирокнинг Хит шаҳари, Шаханшохи уламо, шариат ва тарикатнинг имоми, калам ва килич амири деб таърифланган буюк шайхлардан Аттор «Тазкират ул-авлиё»да унинг манокибларидан 22 накл келтиради. Жомий «Нафахот ул-унс»да, Навоий «Насойим ул-мухаббат»да Абдулло Муборак хакида алоҳида мақола берадилар. Навоий Аттор келтирган Абдуллох Муборак манокибларидан бири — тавбасининг бошланиши хақидаги накл беради: У бир канизак ишқига гирифтор бўлади. Бир киш кечаси тонгга қадар маъшуқа девори остида туради. Қор ва совукда қолади. Сахар намози азонини хуфтон деб ўйлайди. Ўзига келгач, дейди: —эй Муборакнинг номуборак ўгли, сенга уят эмасми? Агар Имом намозда узунрок сура кироат қилса, толикардинг. Энди нафсинг хавосига тонг отқунча мундог азоб тортарсен». Шундан сўнг Абдуллох Муборак тавба қилиб, сулукка берилади. Худди шу накл бу ерда ҳам келтирилади.
4. Зухд — дунё ва унинг лаззатлари орзуларидан қечиқиб, тоат—ибодат билан машғул бўлишликни аниқлатади. Машойихлардан Жунайд: «Зухд шуки, мулкдан қўл, таъдан дил холи бўлғай». Зоҳид парҳезкор бўлиб, жисмоний ҳаловат ва лаззатлардан сакланиб, дунё, молу жоҳ, ёру агёрнинг кўпу озига парво қилмайди. Муҳаммад пайгамбар: «Зоҳид шундай қимсаки, дунё яъни, ундаги хайриятларни еганда мўминданми ё кофирданми у қўрқмайди»,— деган экан.
5. Мавлоно Шамсиддин Муидди Уча — XV асрда Жомда яшаган, суфийлар бошлиғи.
6. Тарж. ар.: кечаси безор.
7. Тарж. ар.: йил бўйи рўзадор.
8. Ухуд газваси — 624 й.да Абу Суфён бошчилигидаги 3 минг яхши қуролланган кўшин Муҳаммадга қарши кўшин тартади. Муҳаммад 700 кўшин билан уларга қарши чиқиб, Ухуд деган жойда жанг қилади. Жангда Муҳаммад бошидан яраланади ва тош тегиб икки тиши синади. Алининг жасорати билан мадиналиклар галаба қозонадилар. Бу ерда Муҳаммаднинг муқаддас жангда йўқотган икки тиши хотири учун Шамсиддин Муидди ўзининг 32 тишини сугуриб ташлагани хақида сўз кетади.
9. Кичик Мирзо — Хусайни Бойқаронинг эгачиси Оқобегимнинг ўгли. Бобурнинг ёзишича «Бурунлари тағойисига мулозамат қилур эди. Сўнгра сипохийликни (хуқумат хизмати, амалдорлик) тарқ қилиб, мутолаага машғул бўлди. Дерларқи, донишманд бўлуб экандур». Навоий «Мажолис ун—нафоис»да ёзади: «хўб таълик, тез идроклик, шўх зехнлик, қавий хофизалик йигит эрди. Оз фурсатда яхши толиби илм бўлди ва кўпроқ улум ва фунундин ўз мутолааси била вуқуф ҳосил қилди. Шеър ва муаммони хўб аниқлар эрди, балқи кўнгли тиласа айта ҳам олур эрди. Бовужуди бу фазоил дарвешликларга мойил бўлиб, Макка зиёрати шарафига мушарраф бўлди». Бу ҳикоят кичик Мирзонинг ана шу дарвешликка мойиллигидан далолат беради.
10. Тарж. ар.: унга Оллохнинг раҳмати бўлсин.
11. Таваккул — Парвардигорга дилбасталиқ ва қомил эътимод — ишонқдир. Бу маърифатнинг қамолига боғлиқ мақом бўлиб, валийларга насиб қилади.
12. Тарж. ар.: Оллохга таваққал қилсин.
13. Шайх Иброҳим Ситнаба — Иброҳим Адҳам саҳобаларидан. Қунyasi Абу Исҳоқ. Асли Қирмондан бўлиб, Хиротда яшаган, шу боис уни Хиротий ҳам дейишган. Қабри Қазвинда.
14. Қаноат — қисматдан рози бўлиш, нафсдан воқифликдир. Озга қонёлик қаноатдир.
15. Мухбири содиқ — садокатли хабар етқазувчи. Муҳаммад пайгамбар (а. с.)га

нисбатан кўлланиладиган ибора.

16. Шайх Шох Зиёратгохий — XV асрдаги Хуросон машойихларидан бўлса керак.

17. Тарж. ар.: каноат килган азиз бўлади.

18. Тарж. ар.: тез даволанмайдиган демакдир.

19. Айюб — пайгамбар. Исхок пайгамбарнинг набираси. Ривоятларга кўра Айюбнинг мол-дунёси, Роҳма исмли хотини, бир уй фарзандлари бор экан. У дунё лаззатларидан баҳраманд экан. Оллох уни имтихондан ўтказмокчи бўлади. Молу мулки кўлидан кетади. Айюб сабр килади. Бир—бир болалари вафот этади, у сабр килади. Касал бўлади, аъзой баданига яра тошади, хатто бу яралар куртлаб кетиб, азоб беради, у сабр килади. Роҳма унга меҳрибонлик билан хизмат килади. Ннхоят Оллох Айюбга шифо бахш этади, Хавран элига пайгамбар килиб жўнатади. Унга янгидан мол-дунё ва фарзандлар ато килади. Адабиётда Айюб сабр каноат тимсоли сифатида тилга олинади. «Айюб сабрини берсин» деган дуо халклар орасида кенг тарқалган.

20. Тарж. ар.: таъзим [факат] Аллох амричадир.

21. Тарж. ар.: Шавкат Аллохнинг яратганигадур.

22. Тарж. ар.: Аллохнинг яратгани.

23. Тарж. ар.: Аллох томонидан яратилган.

24. Хожа Абдулло Ансорий — Абу Исмои Абдуллох бин Абий Мансур Мухаммад ал—Ансорий — лакаби Шайх ул—ислом (396/1005—06 —481/1088—89), Ориф, ёзувчи, шоир ва донишманд. Жомий «Нафахот ул—унс»да ёзишича, калами остидан чиккан нарсалари ёдида нақшланиб колар экан. 1000 байт араб шоирлари шерларини ёд билгн. Хожа Абдулло Ансорий Куръон тазкир ва тафсирида ўзини Хожа Имом Яхъё Амморниг шогирди хисобланган. У соф сунний бўлган 300 минг хадисни, минг—минг исноди (далиллар билан) ёддан билган. Асарлари Накли табакоти суфия», «Кошиф ул—асрор», «Муножотнома», «Мухаббатнома», «Зод ул—орифин», «Канд ул—соликин, «Каландарнома», «Хафт хисор», «Илохийнома» ва б. Навоий «Насойим ул—мухаббат»идаги Ансорийга багишланган макола Жомий асаридаги маколанинг қарийб айнан таржимасидир.

25. Мансур — Хусайн бин Мансур Халлож Байзавий Кунияти Абулгайс (857—922). Аттор «Тазкират ул—авлиё»да унинг маколасидан кўплаб нақллар, қароматлар, қатлининг тафсилотларини келтиради. Унинг «Аналхак»ини тушунган тарафдорлари ва рад этган муҳолифларини ном-баном санаб ўтади. Жумладан, Шиблий айтган экан: «мен ва Халлож бир машраб (феъл—атвор, тарикат, дин) данмиз. Лекин мени девоналикка нисбат бердилар, омон колдим. Хусайнни эса унинг акли халок килди». Мансур Халлождан «ишк нима?» деб сўраганларида: «Ўлдирилган, соврулган кун — ишқдир», — деб жавоб берган экан. Аттор Мансурнинг қай тарзда қатл этилишини ёзади: аввал тошбўрон қилинади, кейин кўлларини, сўнг оёқларини, чопиб, бурун, кулоқларини кесиб, кўзларини ўйиб, ташлайдилар. Хар бир аъзосидан жудо қилишаркан, Мансур жавоблар бериб турган, жумладан тилини қиркишдан аввал: «Бироз сабр қилинг сўзим бор, деб юзини осмонга қаратиб: Илохи, сенинг учун шу ранжни тортаётганларни (яъни, унга азоб бераётганларни) мархаматингдан махрум қилма, уларни шу давлатдан бенашиб этма!» деб илтижо қилган экан. Аттор таъқидлайдики, намозшом пайтида Халложнинг бошини танидан жудо қилар эканлар, у табассум билан боқарди хар андомидан «Анал — хак» эшитилар, оккан хар томчи қонидан «Оллох» нақши зохир бўлар эди», — деб ёзади.

Жомийнинг «Нафахот ул—унс», Навоийнинг «Насойим ул— мухаббат» асарларида Мансур Халлож хақида макола мавжуд. Охирида (хар икки макола айнан) Мансур

Халложнинг устоди Абу Амр бинни Усмон Маккий тавхил (Худонинг ягоналигига ва улуглигига эътикод килиш илми — С. Г.)да бир рисола ёзганлиги айтилади. Уни пинхон тутар экан. Мансур уни яширинча олиб, ошкор килади. Бу асар нозикликларини тушунмай, эл уни рад этади. Устод Халложни «илохи, бировни анга гумонлаким, илик—аёгин кесгай ва кўзин ўйгай ва дорга торткай, деб қаргаган экан.

Нимаки Мансур Халлож бошига тушган бўлса, устоди дуоסי билан бўлди», дейилади.

26. Таважжух — зохиран, қалбан бутун борлигинг билан ҳаққа юз тутмоқликдир.

27. Ризо — тасаввуфда таваққулдан кейинги мақом бўлиб, солиқ ўз нафси ризосидан қутилиб, Худо ирода қилган, тақдир этган нарсаларга рози бўлади (Ризо қазонинг ачқиклигига нисбатан дилнинг шохлигидир).

28. Тарж. ар.: Оллохнинг ахлоқларини қабул қилгувчилар, демақдир.

29. Халилуллох — Иброҳим пайгамбарнинг лақаби.

30. Намруд — Иброҳим пайгамбарни ўтга ташлаган подшоҳнинг исми.

31. Ишқ тасаввуфда тариқатнинг энг муҳим мақомларидан. Унга фақат қомил инсон етишади. Бу мақомда ошиқда шундай ҳолат юз берадики, у ўзидан бегона, ноогоҳ, замону макондан озод, маҳбуб фироқида қуяди, ёнади, унга етишишга интилади.

32. Тарж. ар.: Ҳақиқатда Оллох гўзалдур ва гўзалликни севади, демақдир.

33. Шайх Ирокий — Шайх Фаҳриддин Иброҳим Ирокий (1213, Ҳамадон —1289, Дамашк).

Ёшлигида Куръони мажидни ёд олган ва гоят гўзал қироат билан ўқишни ўрганган. 17 ёшида тасаввуфга майл қилган. Дарвешларга қўшилиб, Хиндистонда Зақариёи Мултанийга шогирд бўлган ва унинг кизига уйланган. Макка ва Мадинага сафар қилиб, Бағдодда Шихобиддин Сухравардий суҳбатига бўлган. Қуния ҳокими Муъиниддин парвона Тавқон шахрида унга хонақоҳ қуриб берган. Шом ва Мисрда ҳам бўлган. Қасида ва газаллардан иборат девонида 4800 байт ва Санойининг «Ҳадика»си пайравида «Ушшоқнома» номли манзумаси бор. Асарлари ишқий ва ирфоний мазмунда. «Ламаот» номли насрий рисоласи гоят машҳур бўлиб, унга Жомий шарҳ ёзган. Шайх Ирокийнинг қабри Дамашқнинг Солихия деган ерида Шайх Мухйиддин ал—Арабий қабри оёгидадир. Унинг ёнида ўгли Қабириддин ҳам дафн қилинган.

35. Сиддик тасаввуфда сўзлари ва ишлари, билиму ахлоқи, равишу ниётлари, табиати ва ахлоқи тўғри бўлган кишилардир. Сиддиклар валоятнинг аъло ва нубувватнинг адно (қуйи) даражасида турадилар.

35. Тарж. ар.: қудратли подшоҳ ҳузурида, демақдир.

36. Шайх Абу Саид Харроз — Аҳмад бин Исо Бағдодий (ваф. 277/890—891). Уни «Лисон ут—тасаввуф» (тасаввуф тили) деб улуглаганлар. Асли Бағдоддан, Иккинчи табақа машойхларидан. Лақаби Харроз (пайабзал ямоқчиси). Мухаммад бин Мансур Тусийнинг шогирди: Зуннун Мисрий суҳбатига бўлган. Тасаввуфда 400 асари борлиги Аттормнинг «Тазкират ул-авлиё»сида қайд этилган.

III қисм

1. Жаъфар — Қамолиддин Жаъфар бинни Али Табризий (ваф. 1456—58, Бухоро). Шохруҳ замонида қамол топиб, Бойсунқур мирзо (1399 — 1434) даврида қотиби ва мусаввирларнинг бошлиғи бўлган. Шу боис жаъфари Бойсунқурий деб имзо чеккан. «Сулс», «насх», «риқоъ», «райхон», «тавқеъ» ва «шиқаста» хатларининг мумтози бўлган. Фирдавсий «Шоҳнома»си Низомий «Хусрав ва Ширин»и, Ҳасан Дехлавий «Девони», Саъдийнинг «Гулистон»и, Хофиз девонини қўчирган ва бу мўътабар қўлёзмалар Техрон, Париж, Истамбул, Лондон, Ленинград шаҳарларининг нуфузли китобхона ва

музейларида сакланади.

2. Азхар — Азхар Табризий (1422, Табрез — 1502/03, Байтул-мукаддас). Жаъфар Табризийнинг шогирди, хаттот Мирали ва Жаъфардан сўнг «Настаълик» хатининг учинчи устои хисобланади. «Сулс»ни олий даражага олиб чиккан сабабли —«усули шашгона» (ситта) устои хам саналади. Жалолиддин «Маснавий»си, ибни Яминнинг «Мукаттот» (китъалар)и, Низомий ва Хусрав Дехлавийнинг «Хамса»ларини китобат килган. Бу нодир кўлёмалар Техрон, Истамбул, Лохур, Манчестр, Нью—Йорк шаҳарлари китобхонлари ва музейларида сакланади.

3. Абдулхай (1360, Богдод —1420, Самарканд) — хаттот ва мусаввир. Султон Увайсий Жалоирий саройида, Богдодда яшаган. 1393 й. Темур Ирокни истило килганда Абдулхайни Самаркандга олиб келиб, ўзининг тасвир устахонасига бошлик килиб тайинлаган. Унинг «Бат» (ўрдак), «Жанг манзараси» ва «Гулистон» хикоятларига чизган расмлари давримизгача етиб келган. Умри охирида иртижоъчи доиралар таъсирида ўз санъатидан воз кечган ва кўп расмларини куйдириб ташлаган. «Насх», «сулс» ва «рикоъ» хатларини гўзал битган. Бу ерда мохир хаттот сифатида номи келтирилади

4. Моний — Кадимий афсоналарга кўра Румда яшаган наккош. Нубувват даъво килиб, наккошликни ўзининг мўъжизаси деб халойикни ишонтиришга интилган. «Аржанг» («Аржанг», «Арсанг» номида хам учрайди) номли асар ёзган дейилади. Бу асарнинг бир нусхаси Газнада мавжуд деган маълумотлар бор. Дейдиларки, Моний «Аржанг»ни бир горда саклаган экан. Горнинг деворларига турли—туман гўзалларнинг расмларини ва манзараларини чизган экан. Бу горни «Нигористони Моний» деб аташар экан. Мумтоз адабиёт вакиллари (Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Навоий ва б.) Монийни буюк рассомнинг тимсоли сифатида талкин килдилар.

5. Аторид — Уторид — Меркурий сайёраси. Мифологияда бу юлдуз ёзувчиларнинг хомийси хисобланади. «Дабир» деб хам юритилади. Уторид хоким бўлган буржларда тугилганлар зехнли, хийлагар бўлар эмиш. Дўст юлдузлари — Камар, душманлари Шамс ва Зухра эмиш.

6. Юсуф Канъоний — Яъқуб пайгамбарнинг ўгли, хаёти ва киссаси Куръони каримда «Юсуф» сурасида келтирилган, лакаби Синодир. Юсуф пайгамбарликка ноил бўлган. У гўзаллик ва эзулик тимсоли сифатида Шарк адабиётига кирган. У ҳақда кўп кисса ва дostonлар яратилган, жумладан, X асрда Абулмуайяд Балхий Бахтиёрий, Амъак Бухорий дostonларн яратилган. Фирдавсийга нисбат берилган Юсуф хақидаги кисса муаллифи Амоний деган шоир эканлиги маълум бўлди: XI асрда бу мавзуъда Масъуд Хиравий, Озори Тусий, Масъуд Кумий, Масъуд Дехлавий, XV — XIX асрларда шоирлар ўнлаб дostonлар яратдилар. Туркий забон адабиётларда Али (XII), Хамидуллох Чалабий (XI) дostonлари ёзилди. Нозим Хикмат «Юсуф Канъоний» номли асар ёзди. Немис ёзувчиси Томас Мани 1926—33 йилларда бу мавзуъда катор романлар ижод килди. Ўзбек адабиётида «Юсуф ва Зулайхо» дostonини Дурбек ёзган, дейилади. Лекин Афғонистонлик олим Мухаммад Яъқуб Вохидий Жузжоний бу дoston муаллифининг номи Хомиди Балхий эканлиги хақида маълумот эълон килди.

7. Анкар ал—асвот — а.: Энг ёкимсиз товуш, овозни англатади.

8. Юсуф Андигоний — «Бадийий» тахаллуси билан ёзган шоир. Навоий «Мажолис ун—нафоис»да таъкидлашича, тахсил учун Самаркандга борганида, у Андигондан келган ва бирга бўлишган. Кейин Хиротда яшаган. Навоий унинг яхши шеърлари борлигини, арузни билишлигини, муаммо рисоласи борлигини таърифлайди. «Бирмунча такаббур хам бор эди», деб кайд килиб ўтади. Лекин Юсуф Андигонийнинг овозга

алокадор жихати хакида тазкирада сўз келмайди. Бинобарин, бу ерда Навоий нимани кўзда тутаётганини аниклаш мумкин. Балки шоир чиройли овоз билан шеър ўкиган, балки хушовоз хонанда бўлгандир.

9. Салмон — каранг: шу китоб 25—б.; 35—изох.

10. Жоруллох — бу ном билан Махмуд Хоразмий — Абулкосим Махмуд бин Умар Замахшарий (467/1074 — 538/1143 — 44) Асли Хоразмнинг Замахшар шаҳридан адабиёт ва лугат илмида катта ишлар қилган олим, маълум муддат Каъба мужовири (Каъба ёнида яшаган) бўлгани учун Жоруллох (оллохнинг қўшниси) лакаби билан машхур бўлиб кетган. Бир оёгидан айрилган эканлиги хакида маълумотлар бор. «Кашшоф», «Асос ул—балоба», «Мукадима дар лугат» каби асарлар ёзган.

11. Бу ерда Навоий Замахшарийнинг «Кашшоф» (кашф қилувчи, очувчи, тушунтирувчи, маънодор, пухта) асарини намуна сифатида келтирмоқда.

12. Тарж. ар.: У ягонадор ва унинг шериги йўқдур. Оллохдан ўзга илох йўқдир.

13. Жилла жалолаху умма ва умма навалаху ва ло илоха хайраху — а.: Буюклиги яна ҳам юксалиб, неъматлар умумий бўлсин. Ундан ўзга илох йўқ.

15. Тарж. ар.: Оллох санга қандай яхшилик қилса, сен ҳам бошқаларга шундай яхшилик қилгин.

16. Нух — пайгамбар. Ривоятларга кўра, одамларни имонга даъват қилиб мақсадига эриша олмай саросимага тушган Нухга «Кема яратгил», — деб ваҳй келади: кема тайёр бўлган тўфон аломатлари кўринади. Нух оиласи, бир канча мўминлар ва хар тур хайвондан бир жуфтдан олиб кемага чиқади. Унинг ўгли Ём «мен токка чиқиб, қутилиб қоламан», — дейди. Кема дахшатли далгалар орасида сузиб юради.

Нихоят, Оллохнинг қудрати билан бўрон тўхтади. Олам бошка олам бўлади. Нухнинг уч ўгли Сом, Хом ва Ёфасдан инсонлар яраладилар. Нухни иккинчи Одам деб таърифлайдилар. Нух 1000 ёки 250 й. яшаган эмиш. Шунинг учун халқ орасида «Нух умри» деган тушунча кенг тарқалган.

Адабиётда Нух умри, тўфонларга бардош берган ошиқ, тўфон эса ошиқнинг, кўз ёши сифатида каламга олинган. Бу ерда Навоий Нух умрича умрим бўлса ҳам давр ахли бевафоликлари ва замон хайли беҳаёликларини ёзиб тугатишим махол, — демоқда.

17. Лукмон — Шарк халқлари орасида Лукмони ҳаким номи билан машхур асли хабаш бўлиб, Довуд пайгамбар замонида яшаган экан. У кимнингдир солих кули бўлган, кейин озод қилинган, деган ривоятлар ҳам бор. Кўп билимларни айникса, табобатни яхши билган Лукмон умри охирида ақлдан озган экан. Жомий «Нафахот ул-унс»да «Шайх Лукмон Сарахсий» деб мақола беради ва унинг дунёдан ўтган чогида машхур шайхлардан Абу Сайд Абул Хайр ва Абул Фазл Хасанлар тепасида бўлганларини ёзади.

Жомий Лукмоннинг «Илохи, подшоҳларнинг қуллари қариб қолганда, уни озод қиладилар. Сен азиз подшоҳсан, мен сенга бандилиқда қаридим, озод қил», — деб илтижо қилганида, гойибдан «Эй Лукмон» сени «Озод қилдим» деган нидо келган. Унинг озодлиги шунда эдики, ақли олинган эди», — деб ёзади. Бу ерда Навоий Лукмоннинг оддий бир қул бўлган ҳақ инояти билан ҳаким ва набийликка ноил қилинганига диққатни қаратади.

18. Тарж. ар.: яхшилик қанотлари йўқ бўлмайдиган ва йўқ бўлмайди.

19. Тарж. ар.: Токат қилиб бўлмас нарсадан қочиш.

20. Тарж. ар.: Сенга буйруқ қилингандек тўғри бўл.

21. Тарж. ар.: Қаноат қилган азиздур.

22. Тарж. ар.: Ярамасликлар онаси.

23. Тарж. ар.: Икки дунё (бу ва нариги дунё)да мукаддас — шариф инсондир.

24. Тарж. ар.: Ифлос бўлмок.

25. Тарж. ар.: Оллох таоло уларнинг рухларини мукаддас килсин.

26. Шайх Боязид Бистомий — Тайфур бин Исо бин одам бин Сарушон (ваф. 280/873—74) улуг машойихлардан, буюк авлиёлардан. Жомий биринчи табакага мансуб, деб ёзади. Жунайд Боязид хакида: «Бизнинг орамизда Боязид малоикалар орасида Жаброил кабидур», — деган экан.

Аттор «Тазкират ул—авлиё»да Боязид Бистомий хакидаги макрлатларда 125 накл, каромат ва хикматлар. Шайх Боязиднинг меърожи, «хамд», «Шайх Боязиднинг муножати» деб номланган алохида боблар беради. Навоий бу ерда пир иршодидан четга чнқиш солик учун хатарли, деган тушунчанинг исботи учун Боязид Бистомий хакидаги бир наклга эътиборни тортади.

27. Хорун ар—Рашид (763 ёки 766, Богдод — 809, Тус) аббосийлар сулоласининг бешинчи халифаси. Унинг даврида дехкончилик, хунармандчилик, тижорат, илм—фан ва маданият равнок топган. «Минг бир кеча»даги наклу ривоятларда у адолатли хукмдор сифатида тилга олинади.

28. Шайх Бахлул — Хорун ар—Рашид даврининг машойихларидан, замона алломаси Умар Куфийнинг ўгли бўлган. Ўзини девонавашликка солиб, жамият норасоликлари ва аъёну ашрофлар риекорлигини фаш этиб юрган. Лекнн Шайх Бахлулнинг жунуни бор, деб уни жазолашмас эканлар. Навоий Хорун ар—Рашид билан Бахлул орасидаги бир сухбатни шукур ва каноат бобидаги ўз ўнгитларига мисол тарзида келтиради.

29. «Хуш» сўзининг арабча ёзилишидаги харфлар йигиндисидан «абжад хисоби» билан 906/1500 — 1501 й. чиқади.